


МУХТОР
АВЕЗОВ

ҚАРАШ ҚАРАШ

Повесть ва ҳикоялар

ЎЗБЕКИСТОН
АКСМ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ»
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1962.



Мухтор Аvezов мамлакатимизнинг энг атоқли сўз санъаткорларидан бири. Унинг «Абай», «Абай йўли» эпопеяси Ленин мукофоти билан тақдирланган. Мухтор Аvezов кўпгина повесть, драм ва ҳикоялар автори. Қўлингиздаги «Қараш-қараш» тўпламига кирган повесть ва ҳикояларда ёзувчи қozoқ халқининг турмуши, урф-одатини усталик билан тасвирлаган.

*Аvezов М.
ҚАРАШ-ҚАРАШ. Катта ёшдаги болалар учун.
«Еш гвардия», 1962.
132 бет.
Ауззов М. Караш-караш, Повесть и рассказы.*

С. (Қоз.).



ояқиш Тектим-эй!.. Арслондай таянчим эдинг... Қомғоқдай еп-енгил бұлиб қолибсан-а! Қўлимга оғирлигинг ҳам билинмайди,— деб бемор йититни кўтарган акаси, ҳозиргина тўшакни қоқиб қайта солган хотини Қатшанинг ёнига олиб келди. Беморни Қатша билан акаси ўринга ўнг ёни билан ётқизишди.

Кўтарганда ҳансираб, ранги бўзариб, дармони қуриган бемор, лабларини аста қимирлатиб пичирлади. Акаси билан янгаси унинг юзига термилишди. «Одам озса — арвоҳ...» деб зўрға бошини қимирлатгандай ишора қилди бемор.

— «...От ҳориса — туволоқ»,— деб Қатша қайнисининг фикрига тушунганини билдириб бош ирғади-да, ғамгин хўрсиниб қўйди.

Бири бемор, бири соғ икки ака-ука Бахтиқул билан Тектиқул бўлиб, Қатша ҳозиргина оқ уриб гапирган қора мўйловли Бахтиқулнинг хотини эди.

Бахтиқул укасининг рўпарасига ёнбошлаб ўтирди-ю, ҳали ўзининг «таянчим» деганини ўйлаб, қаттиқ ташвишланиб қолди. Унинг укаси аслда баланд бўйли, тўладан келган, қўл-оёғи узун, нортуядай азамат эди. Бахтиқулнинг ўзи ҳам забардаст,миқти, чорпахил, бўйчан бўлса-да, Тектиқул ундан новча, суяклари йирик эди.

Узоққа чўзилган сариқ касали бугунгидай қаттиқ

қийнаган чоқда, Тектиқул ўринда ётгиси келмай, ёнбоши тешилиб оғриганидан, ака-янгасидан тўшакни кунда бир қоқиб, юмшатиб солиб беришларини сўрар эди. Ҳали укасини кичкина боладай қўлига олиб, ўрин қоқиб солингунча кўтариб турган Бахтиқул уни бор оғирлигидан ажралгандай сездди.

Ҳозир унинг рўпарасида ўтирар экан, укасини бундан йигирма йил бурун кўтаргани эсига тушди.

Халқ орасида тарқалган кучли тиф касалидан отонаси олдинма-кейин йиқилиб, ўринда якки кун ётмасдан, олдин онаси, кейин отаси ўлди. Ушанда ўн олти яшар Бахтиқул ўн яшар мана шу Тектиқулни гоҳ қўлидан етаклаб, гоҳ чарчаганда елкасига кўтариб олиб, отаси айтган тоға-холалариникига бир неча кун яёв юриб зўрға етган эди. Шундан кейин кўтаргани мана шу экан.

Тектиқул ҳам кўнглига бир ғурбат чўжкандай индамай ётарди. «Кесилган теракдай қулатди-ку мени. Шум йўқчилик қулатди. Тошмеҳр душманнинг калтаги, мана, бор дармонимни олиб кетди... Нима қолди?.. Тектиқул укангнинг ўрнига кимнинг қолди сенинг?!» — деб, ҳолсиз юзини Бахтиқулга зўрға буриб, ака-янга — икковига бирдай галма-гал кўз ташлаб, бор гапни айтиб қўя қолди. «Учим... ўчим қолди!..» — дея ҳасратини айтди-да, бурун тешиклари қисилиб, оғзи қийшайиб, энтикиб йиғлади.

Беморнинг нима деяётганини Қатша тушуниб турарди.

— Қирилгурлар, калтаклаб шарманда қилиб, касалга чалинтириб, сўраганда ориқ улоқ у ёқда турсин, худо йўлига бир парча гўшт ҳам бермади-я!

Бахтиқул ичи тўлиб турган бўлса ҳам сўзни қисқа қилиб:

— Нега гўшт берсин, уни берса, ундан каттасига ҳам қарздор бўламан деб юрибди-ку, кекчи душман,— деди. Унинг қовоғи солиниб, қалин қора мўйловлари пастга эгилди-да, гапдан тўхтади.

«Ундан каттасига» дегани тушунарли. Агар Тектиқул бу дарддан қазо қилса, ўзини айбдор билиб, гўшт берган киши унинг хунига ҳам жавобгар бўлади. Шунини ўйлаган душман қаёқдан гўшт беради! «Қасал сендан, сенинг калтагингдан бўлди», деганига бош эгмаслик учун гўштни оғизга ҳам олдирмай қўйди-ку!

Бахтиқулнинг эсида қанча армонли, аламли кунлар бор. Укаси иккови тоғасини йўқлаб бориб, жияндай кутиб олинмади. Бурген бўлисидаги Қўзибақ деган бадавлат овулга иккаласи бирдай малай бўлиб, ўзи қўй боқди, ўн яшар укаси кўзига солинди. Ушандан то бултур кузгача — йигирма йил давомида Бахтиқул ҳам, Тектиқул ҳам Қўзибақ овулининг кенжаси Салмен деган уришқоқ бойнинг малайи бўлиб ишлади. Қўйчиликдан кўтарилганда, қўли етгани йилқичилик эди. Ун етти-ўн саккиз йил давомида Бахтиқул Салменнинг минга яқин йилқисидан қанча юзини туғдириб-ўстириб, қанча айғир уюрини семиртириб, аллақанча бия, от-айғирини қаритиб, қишин-ёзин бой йилқисининг орқасида юрди.

Қиш — отарда, ёз — яйловда, ёнидаги беш-олти Жамантой, Қўқай сингаги бири қари, бири тенгқур йилқичилар билан умр кечирди. Укаси Тектиқул бўлса — қўй боқиш билан ўн йилча қирчиллама ёшлик даврини ўтказди. Кейин биячи бўлди. Кундуз бия соғиш, кечаси қўй қўриқлаш билан унинг ҳам бетиним уқубатли умри зое кетди.

Булар етмагандай, ўз моли кўзига ҳам кўриниб, Қўзибақ овули «баримта», «босимта» деб, малай йигитларни ёз кунлари не-не балоларга ҳам гирифтор қилар эди.

Бахтиқул йигирма беш-йигирма олтиларга кириб, Тектиқул йигирмаларга қадам қўя бошлаган чоқда, булар арслондай забардаст, ғайратли йигитлар бўлиб етишди. Лекин икковининг бирдай болалик чоғидан қилган меҳнатлари эвазига топгани жулдур уст-бош эди. Бахтиқул ўн йил ншлаб қўшниси камбағал малайнинг қизи Қатшани бор топганини бериб зўрға олганди.

Тектиқул ҳозир ўттизда. Ҳали уйлангани ҳам йўқ. Уришқоқ Қўзибақ овули, агар биров билан баримталашса, икковининг қўлига қора чўқмор, остига учқур от бериб, қароқчилик қилишга ҳам юборар эди. Қўзибақ овулининг Салмендан катта акаси Сат, бўлислик талашиб, йиғин-сайловларда кўп марта қирғин-жанжал чиқарди. Уларнинг рақиблари бу ур-йиқитларда Қўзибақнинг «қора оўйил, қайтмас йигитлари қақшатади», деб чўчиб гапиришганда, энг олдин Бахтиқул билан Тектиқулни тилга олишарди. Гоҳда буларни хўрлаб, мазах қилиб: «Икки қул, қўш қул» деб аташар, жанжалкаш,

уришқоқ Қўзибақ овулининг ҳам чўқмори, ҳам худо берган итоаткор қули дейишарди.

Қўзибақ овули баримта билан бойиди. Шунинг учун ҳам эркак малайларгина эмас, уларнинг барча хотин-халаж, бола-чақасигача бу овулнинг «биз баримта олмаймиз, бизга ҳеч кимнинг моли керак эмас», деган сўзларини кулиб тилга олишарди.

Бахтиқул билан Тектиқул Салменнинг қўлига келгандан кейин бойнинг моли йил сайин туғиб кўпайгани устига устак баримта-қўшимчадан кўпайиб борди. Акаси — бўлис, укаси уришқоқ шоқол бўлгандан кейин Қўзибақ боймай ким бойсин! Шунақа янгидан-янги қўшилган молларнинг қанчаси Бахтиқулнинг ҳам қўлидан ўтган, аллакимларнинг ҳалол моли бўларди.

Ака-уканинг қишу ёз қилган меҳнати, зўр ғайрати хўжайинга жуда катта фойда келтирса-да, Салмен уларни ҳам кўп йиллар давомида бошқа малайлари каби ҳақ бермай ишлатиб юрди. Булар кўчманчиларнинг малайлари оладиган ҳақни, одатдаги «фалон қўй, фалон кийимдан» деб белгилаб қўйиладиган ҳақни билганлари йўқ.

Шунинг учун Тектиқулнинг бошига битта ҳам мол битмади. Бахтиқулнинг йигирма йиллик меҳнати, хотинининг ўн йил сигир соғиб, куйиб-пишиб қилган хизмати бировларнинг кайф-сафосига кетди. Уларнинг бор мол-дунёси Бахтиқул билан Тектиқул икковининг ўртасидаги мана шу йиртиқ эски ўтов, тўрт-беш бош мол, ўн чоқли эчки-улоқ эди, холос. Йигирма йил давомида бегонанинг молини кўз қорачиғидай боқиб асраган, тоғни урса талқон қиладиган икки оғанини билан уй ва чорва ишидан бош кўтармаган Қатшанинг тўплаган бойлиги шугина эди.

Хўжайин уларнинг ҳақини егани етмагандек, энди умрини, қирчиллама ёш умрини хазон қилганини айтмайсизми! Бахтиқулнинг кўз ўнгида бултурги довулли совуқ қора тун пайдо бўлди.

Бахтиқул йилқининг бир уюрини ҳайдаб келса, Салмен бутун овулни бошига кўтариб бировни сўқяпти. Яқинроқ келса, сўқаётгани — Тектиқул.

Салмен довулда пана ахтариб қочган қўйларни тўхтатгани яланғоч, яланг оёқ тез чиқмадинг деб, Тектиқулни урибди. Тектиқул бунга жавобан: «Увиллаётган совуқ довулни жўриб турибсан! Берган кийиминг

бўлса ёлғиз эски чакмон, унинг ҳам қўлтиғи билан елкаси йиртиқ. Ёғин билан довулга нима кияман? Лоақал тузукроқ кийим бер!»— деган.

Салмен бақириб: «Қўй боқиш — сенинг бурчинг, қўйнинг ярми қочиб кетаётганда сен ҳақдан гапирасан!»— деб уни сўка кетади. Жўнгина илиқ кийим сўраган Тектиқулни бўлмағур сўзлар билан сўкади. Тектиқул шунга аччиғланиб: «Ун йиллик меҳнатим бир илиқ кийимга етмаса, молингнинг қулоғини... ҳайдаб юбор мени, сендан қўрқар ерим йўқ!»— дейди.

Бундан қутуриб кетган Салменбой Тектиқулни беш йигитга урдириб, ўпкасига тептириб, ҳамма жойини мажақлатиб ташлайди. Қоронғи тунда, совуқ довулда кийимсиз қолдираман деб далага ҳайдаб юборади.

Бахтиқул йилқини тўплаб келганда, Қатшанинг ўлик йўқлагандай мунгли ун чиқариб, қайниси Тектиқулга жони ачиб йиғлаётганини эшитади. Бахтиқул отдан тушмай, дарҳол атрофга чопиб, ҳой-ҳойлаб Тектиқулни ахтаради. Бироқ тонг отгунча тополмайди. Овулда қолган йилқи довулдан ҳуркиб, очиқ далага тарқалиб кетади. Бахтиқулнинг молни ташлаб укасини ахтаргани, бунинг устига, Тектиқулни ўлай деб ётган еридан топиб, отига мингаштириб олиб келганини билган Салмен, Бахтиқулни ота-бобасидан тортиб сўкиб қамчилайди. Лекин Бахтиқул Салмендан қўрқмайди, укасини ёқлаб: «Жонимдан садаға кетсин харомдан тўплаган молинг!.. Мен ҳам Тектиқулнинг сўзини айтаман!»— дейди, тап тортмайди.

Қонхўр Салменнинг жазосига ака-ука мана шунақа бирдай учраган эди. Бунинг оқибати уларни Қўзибақ овулидан ажраб, кўчишга олиб келди. Ҳам ўпкасидан еган калтак зарби, ҳам яланғоч баданига урилган қора совуқ Тектиқулни буткул касал қилиб қўйди. Салмен билап аразлашган Бахтиқул укасини қучоғига олди-да, уч кун ичида кўчиб кетиб, қўшини Шалқар бўлисида, бундан йигирма йил бурун ота-онаси ўлганда ташлаб кетган ёмон қўрага бориб жойлашди.

Қиш бўйи оғриган Тектиқул мана бугун ёрилиб ичидаги армонини айтди. «Хотин-болам, ота-онам, ака-янгам» демай, «ўчим» деди ичини алам тирнаган бечора йигит.

Қишки сўқим сўйиш вақтида Бахтиқул Салменнинг калтагидан укасининг касал бўлиб қолганини айтиб,

Сатга шикоят қилиб, Салмендан бир оз гўшт олиб беришни сўраган эди. Сат дарров бунинг охири хунга олиб бориб йўлиқтиришини пайқади-да, Бахтиқулнинг дамини чиқармаслик учун:

— Уканг калтакдан ўладиган бўлса, бундан уч ой бурун калтак еган кунни ўлар эди. Ундан кейин ўзинг ичикиб, сарғайиб касал бўлди дейсан. Бу сариқ касали билан ким оғримайди? Худо яратган дардга Салмен жавобгарми? Сенинг уканг у ёқда турсин, Салмен билан мен — икковимизнинг ёлғиз онамиз оғзи мойдан ари-маса ҳам шу сариқ касалидан қазо қилди-ку. Сенга айтадиган гапим шу, айтмайдиган гапни айткиздинг. Бундан кейин тақдирнинг жазосини Салмендан оламан деган тайини йўқ сўзни иккинчи оғзингга олма,— деб қайтариб юборди.

Укасининг ҳали «ўчим» деган армонини эшитганда, Бахтиқул қисматнинг мана шундай барча аламли кўргиликларини эсга олди. Бу чоқ кўклам пайти эди. Орадан бир-икки жума ўтар-ўтмас Тектиқул вафот этди. Бахтиқул унинг орқасидан: «Қанотим эдинг, арслондай таянчим эдинг, нима гуноҳинг бор эди? Бу дунёга келиб сен нима кўрдинг? Мен тирик қолгунча, нега бирга ўлмадим», деб ўксиб-ўксиб йиғлаб қолди. Унинг кўз ёши укасининг қирқигача аримади. Йиртиқ ўтовли кичкина Сари элини тўплаб, укасининг қирқини ўтказгач, Бахтиқул бошқа бир юмушга чоғланди.

II

Тоғ орасининг ёмғирли қоронғи тунни Бахтиқулнинг кўнглида кўпдан ечилмай юрган шубҳа — иккиланишларни бир онда ўп-ўнғай ечиб юборди.

— Ҳозир куз тунни узоқ. Шу топда бориб мол олсам, тонг отгунча олисга кетиб қоламан. Мана бу ёмғир изимни ҳам ювиб ташлайди. Шунча ердан бориб қуруқ қайтармидим? Кўз тиккан жойимдан ҳеч нима ололмайманми?— деди.

Бахтиқул тунда кўп мол олиб юриб ўрганган тажрибали кўзлари билан атрофга яна бир қаради. Таниш ерлар. Баҳайбат, улуғ тоғ. Гўё молни етакка олгин-у, тепадан ошиб, тўқайга кириб кетавер деб чақираётгандай.

Оқиш ёмғирда қора тоғнинг баъзи жойлари девалвастиларнинг маконига ўхшаб кўринади. Шитирлаган

қарағайзорлар яқиндан қоп-қорайиб, аллақандай қоронғиликнинг тубсиз чохи бўлиб туюлади. Баланд қора қоялар эртақлардаги ялмоғизларни гавдалантиради.

Тоғ йўли — баландликни кўндаланг кесиб ўтадиган бир оёқ йўл. Еғинли чоқларда у хавфдан холи бўлмайди. Типпа-тик қияликларда отнинг икки туёғи аранг сизгадиган сўқмоқдан юриш керак. Тоғ йўлидан юрган йўловчи фақат отига ишона олади. Бунақа пайтларда қулунлик чоғидан қияликларда ёйилиб алқордай тошқояга ўрганиб ўсган тоғ йилқисигина жонга оро киряди. Бахтиқулнинг бўз оти оҳиста лўкиллаб, ҳуркмай, ҳар бир қадамини ўлчаб босиб, дадил борарди. Жонивор аҳволни тушунгандай, биқинига ниқталса, олдинги оёқларини эҳтиёткор ташлаб, орқа оёқларини ишончли кўчириш билан эгасига мадад беради. Фақат йўл эмас, чеккадаги хас-чўплар ҳам ёмғир суви билан тойғоқ бўлиб кетган эди. Бўз отни мана шу қийнади. Кўп машаққатли йўллардан юрган тажрибали Бахтиқулни ҳам шу чўчитди.

— Бу ёмғир ҳали-вери тинадиганга ўхшамайди. Уст-бошимни шилта қилиб қаерга бораман?— деб Бахтиқул отини тўхтатиб, бир нафас ўйлади-да, кейин:— Йўлимдан қайси Қўзибақ овулининг йилқиси чиқса, шундан оламан! Мен барча Қўзибақ овулининг йилқисини боққанман. Қўзибаққа қараган овулларнинг ҳаммаси менинг қонли хундорим!— деб бўз отнинг қорнига тепиб, ўнг томондаги қарағайзорга қараб юрди. Ҳақиқатан ҳам, Тектиқул учун Салмен хун тўлайдиган бўлса, бу бутун Қўзибақ овулига баравар тегиши аниқ эди.

Бахтиқулнинг уйдан чиққанига икки кун бўлганидан, мешдаги ивителинган қурт ҳам тугай деб қолди. Шу икки кун ичида иссиқ ичмагани устига, энди суви ҳам йўқ ҳисоб. Тоғдаги оч қашқирдай икки букилиб, Саримсоқлининг қарағайзорида бир кун, бир тун бекиниб ётди; одамларга кўринмайин деб тиришганидан, кўзига уйқу ҳам келмади. Дастлаб уйдан чиққанда мўлжаллагани ёлғиз Салменнинг йилқиси эди. «Жуда бўлмаса Сатнинг йилқиси қўлимга тушар», деб ўйлаган эди. Энди йўл қийинчилиги, куз тунининг совуғи, очлик — ҳаммаси бирга қўшилиб, уни биринчи учраган Қўзибақ овулининг йилқисига қўл уриш фикрига олиб келди.

Ҳали сойга тушмаган йилқи бу чоқда далага кўчган

овуларнинг яйловларида бўлади. Бахтиқул дўнг яйловга бурилиши биланоқ кўнглидаги шубҳа-иккиланишлари кўтарилиб, кайфияти бир қадар енгил тортгандай бўлди. Унинг кўзига ишнинг охири кўриниб кетди. Хундори — Салмен; шундай экан, нега унинг оға-иниси оқ бўлади? Бу уни яйловга судраган кучлардан бири. Бу — бир тарафдан. Ундан кейин, тоғ орасида қолган ёлғиз онланинг мана бу қурумсоқ кузда тишини сўриб ўтириши-чи! Йўлига термилган бола-чақасининг олдига бир тўйни ёки қисир бияни элтиб сўйса! Уни уйда ўтқизмай, сўк ва қора талқонга қаноат қилдирмай отга миндирган, ёғинли қоронғи тунда йўлга чиқарган турткиларнинг бири шу эмасми?

Дўнг яйловда ён бағирлаб ўрмалаб борар экан, Бахтиқулни зўр ғайрат қамраб олди. Чарчаган, очиққан, совқотган гавдаси кучга тўлиб талпинди. Ола тоғнинг тепасида учиб юриб, тўсатдан пастга шўнғиб айёр тулкини ушлаган, кейин уни кучли панжалари билан қисиб, виқор билан силкинган осмон шоҳи бор-ку? Бўлажак ишнинг ҳароратидан яллиғланган Бахтиқулнинг важоҳати ҳозир шуни эслатар эди.

Бахтиқул ёшлигидан ўзлигича бундай ишларга ўрганмаган бўлса ҳам, Қўзибақ овули баримта-босимта деб, уни тунги юришларга кўп юмшаган. Шунинг учун тунда подадан йилқи олиб чиқиш унга жуда осон туюлади. Тунги юришларга борганда, аҳвол ҳар қанча қалтис-тиқилинч бўлмасин, ушни битириш учун охиригача уриниш, ҳамма воситаларни синаб кўриш Бахтиқулнинг туғма одати эди. Ҳатто йилқичи уйғоқ юрган молга борганда ҳам, иложини топиб, тўдага доим билинтирмай кириб кетарди. Мана шундай ажбирлиги учун Қўзибақ овули кўпинча уни баримтачиларга бошчи қилиб юборар эди.

Бахтиқул қўлига тушган молни ҳам орқадан қувган ёвга осонликча бера қолмас эди. Уришишда ҳийлакор, сўйил-чўқмор ишлатишда у тенги йўқ уста эди. От устидаги жангда бир эмас, икки-уч кишига ҳам рўпара бўла оламан, деб ўйларди. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Кўп йилқичилардан уни айириб турадиган хислати ҳам шу кучи билан абжирлиги, мардлиги эди.

Бахтиқул бир силкинди-да, этагини йиғиб, эгарга ўрнашиб ўтирди. У довоннинг орқасида шувиллаб ёйилиб келаётган қалин йилқи подасининг шарпасига сез-

гирлик билан қулоқ солиб борарди. Йилқичи уйғоқ бўлса, четда туриб пайт пойлаш жерак. Бахтиқул тошларнинг шарақлаб кетишидан қўрқиб, отини юмшоқ майсазордан юргизди. Йилқини кўрганда тўсатдан кишнаб юбормасин деб, тизгинни тортиброқ ушлади.

Уюлдаги йилқилар пишқириб, дунурлаб ора-сира той-қулунлар, битта-ярымта уюрнинг айғирлари кишнаб, ялангликдаги ўт-майсани курт-курт узиб, доvon томонга ўтлаб келарди. Бахтиқул қоронғида қорайган йилқи тўдасини энди аниқ кўра бошлади. Бўркини ечиб, эгарнинг қошига илди. Кейин отини тўхтатди-да, йилқи томонга қулоғини буриб, бир нафас жим турди. Йилқичининг дарагини билдирадиган ҳеч қандай шарпа эшитилмади. Шу атрофда юрибдями ё бир жойда ухлаб ётибдими — билиб бўлмайди. Йилқиларнинг сочилмай, тўп бўлиб ўтлаётганидан, Бахтиқул йилқичи уйғоқ бўлса керак деб ўйлади.

Бир маҳал йилқидан аллақандай қора ажралиб чиқди. Бахтиқул отининг бошини сал тубанга бўшатди-да, узангига оёғини тираб, бўйнини чўзиб қаради. Ҳалиги қора ёйилиб келаётган бир тўда йилқи экан. Четга чиққан биронта айғирнинг уюри бўлса керак. Бахтиқул уюрни ҳуркитмасликка тиришиб, оҳишта қўзғалди. Унинг оти бир-бир босиб йилқига яқинлаша бошлади.

Уюр ҳуркиб, орқага тисарилди. Уртада ёйилиб келаётган қалин ёлли семиз айғир бошини зарб билан кўтариб, Бахтиқул томонга ўдағайлаб қаради. Бахтиқул бошини эгиб, ўзини мудраб келаётган йилқичидай қилиб кўрсатди. Бир неча дақиқадан сўнг у уюрнинг ўртасига кириб олди.

Дастлаб учраган отларнинг ҳаммаси унга ёқмади, булар унинг кўзига майда той-қулунлардай бўлиб кўринди. Қоронғида яқин бориб кўрмагунча, йилқининг семиз-ориқлигини ажратиб қийин. Бир маҳал унинг қаршисидан бир семиз қисир бия ўтди қолди. Бахтиқул «излаганим шу» дегандай эгарда бир силганиб тушди. У дарҳол отининг тизгинини тортиб бўз бияга қараб бурди. Сўнг ёнидан ҳалқали қил чилвирини суғуриб олди-да, биянинг бошини мўлжаллаб улоқтирди. Ҳалқа мўлжалга илинди. Бўйнига ҳеч қачон арқон тегмаган асов бия, бирдан пишқириб, олдинга сапчиди. Бахтиқулнинг оти буни бурундан билгандай, эгасининг тақим қоқишини кутмасдан, дарҳол унга эргашиди.

Бия анча вақтгача тўхтамасдан, куч бермай судраб юрди. Бахтиқул чилвирни қўйиб юбормасликка тиришиб, уни аста-аста торта бошлади. Бия бошқа отларга эргашиб қутулиб кетишга интилган сайин ҳалқа қисилиб, бўйнини бўғиб борди. Охир, ҳолсизланиб, тинкаси қуриган жонивор, кучли қўлларга ноилож бўйсуниб, қулоқларини ҳурпайтиб тўхтади. Бу орада ён-веригаги отларнинг баъзилари кишнаб, баъзилари пишқириб, Бахтиқул билан бўз биядан ҳуркиб қоча бошлаган эди. Буларга Бахтиқул эътибор қилмади. Ҳали ҳам депсишиб, чилвирни тортқилаб турган бўз бияни силаб-сийпаб аста нўхталаб олди. Кейин қамчисининг учи билан биянинг сағрисига оҳиста туртиб, қаватига ўтқазди-да, довонга қараб юрди.

Фақат шундагина ёнгинасида қўққайиб турган барзангидай йилқичига кўзи тушди. Йилқичи сўйилини кўтармай, қимир этмай турарди. Уғрини кўриб эси чиқиб кетганми ё уни йилқичи деб ўйлаяптими?— билиб бўлмасди.

Бахтиқул шовқин кўтарилмай турганда жўнаб қолмоқчи бўлди. Унинг мақсадини пайқаган йилқичи аввалгидай мудроқ бўш ҳаракат билан бўз отнинг тизгинини ушлади. Бахтиқул кутилмаган хатарга йўлиқди. Ҳали бўз биянинг бўйнига ташланган ҳалқа энди ўзининг бўйнига тушгандай бўлди. Лекин, ажабо, йилқичи ҳамон қимир этмай турарди. Афтидан у ўзига ишонмасди. Шунда Бахтиқул тўсатдан бу одамни таниб қолди. Бу — Салменнинг Қўқай деган йилқичиси эди. Бахтиқул севинганидан беихтиёр кулиб юборди. У йилқи бошқа Қўзибақ овулиники бўлса керак деб ўйлаган эди. Энди билса, худди ўзи мўлжаллаган, ўч олмоқчи бўлган душмани, хундори — Салменнинг йилқиси экан. Мана бу Қўқай бўлса ҳаммага кулги бўлиб юрган, барзанги гавдасидан бўлак ҳеч нимаси йўқ, юраксиз бир одам... Шуларни тез-тез хаёлидан кечирган Бахтиқул: «Бу мени ушлашга ушлаб қўйиб, энди қўрқиб турибди» деган хулосага келди ва отининг қорнига тепиб, депсишиб: «Торт қўлингни!»— дея пишқириб, қамчиси билан унинг бошига тортиб юборди.

Қўқай лапанглаб отдан учиб тушди.

Қўқай кўпдан бери Қўзибақ овулида Салменнинг йилқисини боқиб юрган бўлса-да, ҳали бир марта ҳам ўғри билан бетма-бет келиб олишмаган эди. У сўйил би-

лан Бахтиқулни уриш у ёқда турсин, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. У сўйилни шунчаки тақимида судраб юргани бўлмаса, ҳеч қачон одамга ишлатган эмас. Бахтиқул бир депсиниб, уни қамчи билан урганда, азалдан суяк-суягига сингиб кетган қўрқоқлиги орқасида ўз ишини битган гумон қилиб, эгардан осонгина учиб туша қолди. Ҳатто «ўғри кетди» деб шовқин ҳам кўтармади. Ўғрини ушлаган ерида қўлидан чиқариб юборгани учун бошқа йилқичилар кулиб юрмасин, деб унинг қораси кўздан йўқолгунча ҳеч нима сезмаган бўлиб индамай ётди.

Бахтиқул хавфдан қутулгач, отини сойга буриб, қарағайзорга қараб юрди. Жиндай узоқлашса, қоронғи тун ўз оғушига олиб, уни буткул яшириши аниқ эди. Лекин у бошқа бир йилқичига дуч келиб қолди.

— Ҳой, кимсан?— деб қичқариб, бу йилқичи ён томондан чолиб келарди.

Бахтиқул унинг овозидан, ишонч билан чопишидан, жуда қалтис хатарга учраганини пайқади; ҳовлиқмасликка тиришиб, оёқларини бир силтади-да, қамчи билан бўз биянинг орқасига секин урди.

— Ўғри кетди! Бу ёққа чопинглар!.. Ўғри кетди!— йилқичининг товуши тоғ орасини титратди.

Яна бир неча ердан бошқа йилқичиларнинг қўққисдан чўчиб ҳой-ҳой солгани эшитилди. Нафас ўтмай уларнинг ҳаммаси текис овоз чиқариб, тоғ орасини шовқин-суронга тўлдириб, ёв қочган томонга тасир-тусур чопиша кетди.

Тез кўтарилган аҳил ҳой-ҳойга қараганда, йилқичилар кўп ва ҳали биттаси ҳам ухламаган эди. Жимгина ёйилиб келаётган отлар тун шовқинидан қаттиқ чўчиди. Тоғ бағрида элсиз-эгасиз юриб алқор ва тоғ эчкисидай ёввойилашган йилқи, ҳатто кундузги шовқиндан ҳам чўчиб кетарди. Ҳозирги сурон бир жойдаги тўдани иккинчи тўдага суриб, аралаш-қуралаш қилиб юборди. Олатасирда той-қулунларнинг оёқ остида қолиб, чинқариб кишнагани эшитилади. Булардан чўчиган отлар, худди орасига яшин тушгандай, қайтадан сурилиб, шарқираб кишнаб, тўс-тўполон бўлиб кетди.

Йилқичилар буни билишмади. Шовқин солиб, дастлаб ҳой-ҳой кўтарилган томонга қуруқ чопишгани бўлмаса, улар ҳеч жимни кўришгани ҳам йўқ. Адашиб қолишди. Тоғ ораси, бир қадам юрилса адаштиради.

Амаллаб сўйил узатса етадиган жойга чиқиб олган қароқчи, атрофни яхши билса, бемалол қутулиб кетади.

Бирин-кетин йилқичилар орқага қайтишди. У ер-бу ердан уларнинг хитоблари эшитила бошлади:

— Ҳов, нима бўлди?

— Кўрган одам борми ўзи?

Йилқичилар қайтиб келиб, бир жойга тўпланишгач, ораларида бош йилқичи Жамантойнинг йўқ эканини пайқашди. Биринчи марта ҳой-ҳой солган ҳам шу эди. Йилқичилар дарров биринчи марта овоз келган жойга боришди.

Тепаликда ҳеч ким кўринмасди.

Йилқичилар қияликка ўтишди. Бир маҳал пастдан инграганга ўхшаш ғалати овоз эшитилди. Йилқичилар дарров пастга тушдилар. Каттакон бир қоянинг ёнида дўппайиб алланима ётарди. Аммо яқинда от йўқ.

Йилқичилар Жамантойнинг отини айтиб чақиришган эди, яна инграган товуш эшитилди. Афтидан, дўппайиб кўринган қора — одам эди. Лекин унинг кимлиги номаълум. Йилқичилар яқинроқ бориб қарашса — Жамантойнинг ўзи; қимир этмай ётибди.

— Ия, усти қон-ку?— деди уни биринчи ушлаган йилқичи чўчиб.

Бу сўзни эшитиб, бошқа йилқичилар ҳам сеоканиб кетишди. Жамантой инграб, аста-секин ўзига келди.

Воқеа бундоқ бўлибди:

Жамантой бировнинг уюрдан от етаклаб чиққанини кўриб қолиб, дарров орқасидан тушибди ва йўлакай «ўғри кетди» деб қичқирибди. Лекин етак етаклаган ёв, уни кўрса ҳам, сойга бурилмай, тўғрига кетаверибди. Сойга бурилмагани — тик қияликдан, тошлоқдан қўрқибди. Чамаси, ёв ер ҳадисини яхши биладиган одам экан.

Жамантой юқоридан чопиб бориб, дарров унинг йўлини тўсибди. Лекин от жуда қалтис ерда — чопиб желаётган қўш от туртиб йиқитиб кетадиган жойда тўхтабди. Шунини ўйлаган Жамантой долзарбда тузук ҳаракат қилмапти. Бор-йўғи бир мартагина сўйил ура олибди, холос. Бу ҳам яхши тегмапти. Етакда учиб желаётган бўш от унинг отини қоқиб, пастга итқитиб юборибди.

Ёв дарҳол чўқморини чиқариб, Жамантойга ўгирилибди-да, қулочкашлаб бир урибди. Чопиб ўтиб кетаётган урса ҳам, чўқмор Жамантойга жуда қаттиқ тегибди. Бу

орада унинг оти сурилиб бориб йиқилиб тушибди. Узи отининг бошидан ошиб, сойга думалаб кетибди.

Жамантой қароқчининг ким эканини билолмапти.

...Бахтиқул сўнгги хатардан қутулгач, отини секин-лагиб, қаршидаги тошни айланиб ўтиб, қарағайзорга кириб кетди. У худди тўпи билан ёпирилган итларнинг орасидан омон чиққан бўридай гердайиб отларини тўкиллатиб кетаверди. Бир хилда узоқ тўғрига юрмай, орқадан тушган қувғинчиларни адаштириш учун айлана қилиб юрди; орқага қайтиб, айёр тулкидай кескин бурилмишлар ясади. Бир манзилга етгач, ўгирилиб, шарпа-товушга қулоқ солди. Ёмғирнинг шитирлашидан бўлак ҳеч қандай овоз йўқ. Бахтиқул енгил хўрсиниб, аста биянинг орқасини ушладн. У шу чоққача биянинг семизориқлигини чамалаб кўрмаган эди. Симобдай селкиллаб турган лўрсилдоқ тўшт унинг панжасига юмшоқ тегди. Бахтиқул қониққанидан: «Жонивор!»— деб қўйди. Сўнг тагин кўзим тегмасин деб, бармоқларига туфладн.

Ёмғир бир меёрда шитирлаб майдалаб ёғарди. Осмон қоп-қора. Бахтиқул тун мўлжалини билолмади. У бир лаҳза ўйлаб, тонг отгунча жадаллаб юришга қарор қилди. Шу ўй билан отдан тушди-да, тортма ва айилни бўшатиб, эгар-тўқимни кўтарди. Отнинг ёлини, орқасини силади. Кейин айил-тортмани маҳкамлаб қайта боғлади-да, эгарга минди. Энди юриладиган йўл пастга қиялаб тушади. Оти ҳордиқ чиқариб, яхши дам олибди. Бахтиқул қўлидаги тизгинни бир силтаб, қамчи билан биянинг орқасига секин урди.

III

Саҳар пайтида Бахтиқулни уйқу элта бошлади. Бир неча кундан бери чарчаган гавдаси жиндай ҳордиқ чиқаришни талаб қилди. Аммо Бахтиқул ўрта йўлда тўхташни хоҳламади. Танасининг ҳолсизлигини енгиб, бир меёрда жадал юришни бўшаштирмай, оппоқ тонг отгунча юрди. Сўнг ёруғда бировнинг кўзига тушиб қолишдан қўрқиб, хилват қарағайзорга бурилди.

Шундан кейин Бахтиқул дам олмади. Эртаси туш ога бошлаган пайтда чарчаб, ҳориб поғ орасида қўққайган ёлғиз кўрасига яқинлашди. Унинг қашшоқ овулига келиб турадиган одам бўлмаса ҳам, хабар олмай туриб мол билан жириб бориш хатарли эди. Бияни

тушовлаб овулнинг орқасидаги чуқурда қолдирди-да, ўзи уйига борди.

Ҳали ерга қор тушмагани учун оила сиртда, қўра-нинг ёнидаги йиртиқ кигиз ўтовда яшарди. Узоқдан туриб Бахтиқулнинг кўзи ҳовлида болаларига чой қай-нагиб юрган жулдур кийимли Қатшага тушди.

Уларнинг болалари учта эди. Тўнғич ўгли Сейит ўн ёшда. Ундан кичиги — беш яшар Жуматой. Энг ки-чигининг оти Батима. Унинг ёши иккида, у ҳали эми-зикдан ажратилган эмас.

Узун бўйли, тўладан келган Қатша ўрнидан туриб, эрини очиқ чеҳра билан қарши олди. Бахтиқул индамай эшик ёнидаги шох-шаббадан ҳатлаб тўрга ўтди. Унинг келишн ҳурпайиб турган қашшоқ уйга жон киргизган-дай бўлди.

Бахтиқул бир меёрда ёнаётган оловга қисқа назар ташлаб:

— Тезроқ берадиган чойинг борми, хотин?— деди.

Қатша эрининг бўйнига осилишга тайёр турса ҳам, ўзини босиб, астагина:

— Қўлингизга ҳеч нима илиндими?— деб сўради.

Бахтиқул унга жавоб бериш ўрнига:

— Тезроқ бўл, чойингни келтир. Иш бор!— деди.

Қатша уйдаги бор қўр-қути билан унга чой берди. Ёздан буён сут бермай юрган сигирининг эски ёғи бор эди. Сандиқни очиб тимискилаб, мешдан шуни ҳам олиб қўйди.

Болалар, дадаси келиб, уйнинг чиройи ўзгарганига хурсанд. Ойиси билан дадасининг очиқ чеҳраларига қараб, чексиз севинишади. Жуматой билан Батима бир-бирини турткилаб, сакраб, қайта-қайта шароқлаб кули-шади. Сейит, подликдан ўзини қаерга қўйишни билмай ўтирса ҳам, катта йигитдай қовоғини солиб хурсандли-гини сездирмасликка тиришади. Бахтиқул устма-уст уч-тўрт пиёла чой ичди-да, ўрнидан туриб, қайта ки-йинди. У уйда жуда камгап эди. Шу одати билан хо-тинига:

— Бир оздан сўнг қопингни олиб бор,— деди-да, чиқиб кетди.

Жуматой дам Сейитнинг қўлидан, дам Батиманинг қўлидан ивтилган қуртни тортиб олиб, ёқалашиб, Се-йитни кулдириб, гоҳ ўзи кулиб, шу йўсинда болалар ўй-наб қолишди.

Қатша уларга:

— Уйдан қўзғалманглар! Оловга қараб туринглар. Биров келиб сўраса, ойим тезак тергани кетди денглар!— деб тайинлаб, эрининг орқасидан кетди.

У қўранинг орқасидаги жўкани айланиб ўтиб, пастга бурилганда, чуқур тош дарада бўз бияни сўяётган эрига кўзи тушди. Биянинг тўрт оёғи кўтарилган; Бахтиқул унинг терисини шилмоқда эди.

Дара чуқур, атрофи баланд. Афтидан, бу эски кўлнинг ўрни эди. Келадиган одам фақат жўканинг ёнидаги қирғоқдан ошиб тушади. Чуқурнинг ён-тевараги ҳам яхши: катта-катта қўйбош тошлар билан ўралган. Узоқдан яхлит тошлоқ бўлиб кўринади.

Қатша бир оғиз гапирмай бияни сўяётган эрига қараша кетди. У гўштни бурдалашга ҳам ёрдам берди. Иш орасида баланд тошнинг тагига бир парчагина қилиб олов ёқди. Эрининг бир неча кун оч юрганини ўйлаб, биянинг жигарини, икки-уч бўлак ёғли гўштини ўтга ташлади.

Бахтиқул, оловни биров кўриб қолади, деб ҳадиксираса ҳам, хотинига «қўй» демади. Уни очлик енгди. Кеч киргунча иккови бияни чала-чулла сўйиб бўлишди. Ундан бир ҳафтага етадиган гўштни ажратиб олишди-да, қолганини терига ўраб, унғурга тиқиб, устидан тош билан маҳкам бекитишди. Кейин қопдаги гўштни кўтариб, қош қорайганда уйга кириб боришди.

Уларни кўриб, болалар қаттиқ севинишди.

Бахтиқулнинг кўнгилдан бир неча кунлик хавф ва бетинчилик бир қадар кўтарилгандай бўлди. У ўчоқ бошида тез-тез ҳаракат қилаётган хотинига қараб, қалин мўйловлари остидан мамнун жилмайиб қўйди. Қатша биянинг ўлка-юрагини, бир талай гўштини қозонга солиб, оловни кучайтириб юборди. Ора-сира у чўққа жигар ташлаб, болаларига пишириб бера бошлади.

Сейит, биринчи марта шунча мўл гўшт кўриб қаттиқ севинса ҳам, севинчини сиртга чиқармади. Бу бола ота-онасининг қувонч-хафалигини, кўнгилли-кўнгилсиз гапларини ич-ичидан жуда яхши тушунар эди. Агар ойиси билан дадаси хафалашиб, тортишиб қолса, у кўпинча ўрнидан туриб, уйдан чиқиб жетарди. Бундан ташқари, уй ичи қувониб-яйраб ўтирганда, унинг индамай қоладиган одати ҳам бор эди. Шунинг учун тўкин мўлчилик унга унчалик таъсир қилмади. Қувонмай, ота-она-

сининг хушвақтлигини назарга илмагандай, бир нуқтага тикилиб ўтираверди. Онаси чўғда пишган жигарни кулиб-қувониб бўлиб берганда, қуруқ жилмайгани бўлмаса, у ҳатто чиройини ҳам очмади.

Бахтиқул оловнинг иссиғи билан гўштнинг ҳидига маст бўлиб, ўтирган ерида хуррак отарди. Лекин хотинининг сўзлари уни тез-тез уйғотиб юборарди. Бахтиқул йиртиқ тўнининг тағи билан Батимани ўраб, яна мизғиб кетарди.

Қатша гўштни тезроқ пиширишга интиларди. Эрининг ҳорғинликдан қайта-қайта пивакка кетиши унинг оёғини ерга тегизмасди.

Гўшт пишиди. Қатша қўл ювиш учун човғумга илиқ сув қуйиб, чала уйқудаги эрини уйғотди. Бахтиқул кўзларини зўрға очди. Ухлаганда четдан урган куз совуғи елкасини музлатиб юборибди. Керишиб, бир-икки ҳаракат қилганидан кейин бир оз сергак тортди.

Бахтиқул тўрда ётган белбоғидан ўткир узун қора пичоғини суғуриб олди-да, тирини чап қўлининг бармоғига пегизиб жўрди. Пичоқнинг тиги кўнгилдагидай эди. Шундай бўлса ҳам, этигининг қўнжигга бир-икки қайради-да, човғумни қийшайтириб, сувга чайиб олди.

Қатша гўштни сузишга чоғланди.

Қўранинг четида ётган қари ит билан унинг икки боласи бирваракай ҳуриб қолишди. Қатша сесканиб, чўмич ушлаган қўлини кўтарганча, эрига қаради. Бахтиқул ҳам итларнинг бемаҳал ҳуришидан чўчиб, ташқарига қулоқ солди. Гурсиллаб келаётган бир неча от билан судралиб тошга урилган сўйилларнинг овози эшитилди. Бахтиқул ўгирилиб:

— Бир бало бўлмаса гўрға эди, қозоннинг оғзини ёп!— деди.

Қатша шошганидан қопқоқни тополмай, қозоннинг оғзини тагидаги қоп билан бекитди. Қўлидаги бўш чўмични эса бурчакдаги челаққа тиқди-да, ўзи қопнинг ўрнига ҳолсиз ўтирди. У қўрққанидан чала ёпилган қозондан чиқаётган иссиқ буғни ҳам пайқамади.

Уй ичи эс-ҳушини йиғгунча, отлиқлар отдан тушиб бирин-кетин уйга кириша бошлади. Турқи совуқ. Бу — Қўзибақ овулининг йиғитлари эди. Сурбет, димоғдор, қабиҳ тўда. Буларнинг ўзлари зўрлик қилмаса, бу даранинг биронта қозоғи ўзлигича уларга қарши сўйил кўтаролмайди. Текин молнинг гўштини еб, қозодай си-

тилиб ётган зўрлар. Биринчи бўлиб кирганларнинг орасида Салмен ҳам бор эди. У белига кумуш белбоғ бойлаб олибди. Кичкина уй аллақачон тўлиб кетган бўлса ҳам, орқадан ҳамон тижилишиб киришарди. Озгин, кўзлари кичкина бир малла йигит, алланималарни гапириб, ёнидагиларни туртиб-суриб, уй ичини бир айланиб чиқди-да, қозон ёнида чурқ этмай ўтирган Қатшага суйкалиб ўтирди ва сурбетларча иржайиб, унга кўзини қисиб қўйди.

Ҳамма кириб бўлгач, қоп-қора мўйловли, бурун тешиклари ўшшайган, кўзлари йирик бир йигит салмоқлаб гап бошлади:

— Кеча тунда бизнинг Дўнг яйловдаги йилқимизга ўғри тегиб, бир қисир бияни олиб, йилқичи Жамантойнинг бошини ёриб, сойга йиқитиб кетибди. Биз ахтариб кўрсак, ерга судралган сўйилнинг изи мана шу дарага қараб келибди. Бир бўз отга миниб, бир бўз бияни етаклаб шу ердаги қарағайзорга келиб кирган отлиқни кўрган гувоҳ ҳам бор. Кейин бу одам сенинг ёнингдаги қора тошдан буралиб чиққан ингичка тутунни ҳам кўрибди. Гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, қисқаси, молни сендан кўриб келдик. Тўғрисини айт!— деди.

Бу тўданинг хулқ-атворини яхши билса ҳам, Бахтиқул заррача чўчимади. У ичида: «Мен ҳақман! Сен қора, ҳаромдан бойиган одамсан. Сенга ҳар қанча қилсам арзийди!»— деб ёниб ўтирарди. Қора йигитнинг сўзига жавоб бермай, Салменнинг юзига тик қараб:

— Бахтиқул қачон ўғирлик қилган эди?— деди.— Ўзингга шерик қилиб, энди мени ҳам ўғри демоқчимисан?

Салмен чиён чаққандай сакраб тушди:

— Ўғри демасам, тўғри ҳам эмассан!

Бахтиқул авзойини бузмай:

— Бўлмаса ўша ўғрингни ҳам, тўғрингни ҳам топиб олавер!— деди.

Шундан кейин иккови қизишиб, тортиша кетди:

— Мен ўғринн биламан. Бу — сенсан!

— Гувоҳинг борми?

— Бор!

— Олиб кел гувоҳингни, бўйнимга қўйсин.

— Мени бу ерга томчилаб оққан қон етаклаб келди.

Молни сен олгансан. Ўз қўлимда ўсган етим эдинг, аблаҳ!

— Шунақами? Қўлингда ўсган бўлсам, бу нима деганинг? Нега тухмат қиласан?

— Сен менга қасдлик қилдинг. Мендан нима ёмонлик кўрган эдинг?

Бахтиқул энди ростини айтишга чоғланди:

— Нималар кўрмадим?

— Мен нимангни олдим?

— Нимамни олмадинг?! Жонимни ҳам олгансан! Елғиз жигарбандим Тектиқулни калтаклаб ўлдирган сен эмасмидинг?

— Ҳали шунақа дегин! Бўлмаса мен сенинг хундоринг эканман-да!

— Бўлмасамчи! Хундорни эканингни оғзингга хундоринг ўзи солиб қўйибди-ку!.. Сенинг қалтагингдан йиқилиб, қиш бўйи тўшакда бош кўтармай ётганда, йигирма йил эшигингда чириган шу Тектиқулга лоақал бир ориқ тўқли худойи бердингми?

— Ие, санайвер, яна борми мендан оласинг? Асли молимнинг ярмини сенга берсам бўлар экан. Тилинг қирқилгур сайроқи қул! Яна нима дейсан?! Худо жонини олган укангни мен ўлдирдимми?.. Айтиб кўр-чи, яна қанақа оласинг бор экан, Қўзибақда, Салменда?

Бахтиқул нима бўлса ҳам жаҳл баҳонасида кўнглидаги бор гапни айтиб қолмоқчи бўлди:

— Айтайми? Айтсам, ўн олти ёшимдан ўттиз олти ёшимгача йигирма йил қишда қор кечиб, ёзда кунни кун, тунни тун демай йилқингни боқдим. Қўй-қўзининг орқасида, қўранинг четида узоқ тунлар мижжа қоқмай укам Тектиқул ишлади. Хотиним Қатша ўн икки йилгача ойинг Қизил бойвуччанинг қўлида ўчоғига ўтин бўлиб кириб, кул бўлиб чиқди... Шу ҳаммамиз овулингдан кетганда нима билан кетдик? Икки қўлимизни бурнимизга тиқиб кетмадикми?

Салмен чираниб, ёрилгудай бўлиб ўтирган эди. Бу сўзлар унга қамчидай ботди.

— Аҳа, айбдорни ҳам, хундорни ҳам ўзинг бичиб, ўзинг ҳукм чиқарибсан-ку! Сен нима дейсан ўзи?! Тилинг билан сўкиб, қўлинг билан қиларингни қилибсан-да! Энди ўтлашни йиғиштир, молни чиқариб олдимга сол!

— Молингни эртага тегишли жойда гаплашганда оласан!

— Ия, нимасига ишонади мана бу гадо!

— Мен кучига ишонган одам эмасман. Сен кучлисан. Лекин мен тўранинг олдига бориб адолат сўрамоқчиман.

— Ҳали тўранинг олдига бормоқчимисан? Майли, борайлик! Кўраман сенинг Қўзибаққа тенг бўлганигни! Лекин ҳозир молимни чиқариб бер! Бир бия эмас, юз бияга арзирлик сўзинг бор экан. Кучинг етса, қаммасини ол! Ҳозир биямни чиқариб бер!

Бахтиқул бу аҳволда қутулолмаслигини билди:

— Биянг ҳозир қўлимда эмас.

— Қаерда?

— Бир ошнамга етаклатиб юбордим.

— Алжирама, ростингни айт!

— Рост гапим шу. Сенга берадиган жавобим ҳам шу.

Салмен қамчисига қўл чўзди. Учоқ бошида ўтирган малла киши аллақандай хунук товуш билан:

— Эй, Бахтиқул! Ростини айтавермайсанми? Нима қиласан отни узоқлатиб?— деди.— Мана бу қозондаги ҳиди бурунни ёриб бораётган йилқи гўшти қаердан келди? Бунга қаердан олдинг? Қани, энди бир нима деб кўр-чи!

Бахтиқул индамади.

Малла ўрнидан сакраб туриб, буғдан ҳўл бўлиб кетган қопни қозоннинг оғзидан юлиб олди:

— Мана! Ўз молимизнинг гўштини сен еганда, биз емаймизми? Қани, йигитлар, қўлларингни ювинглар! Қатша, бизга товоқ бер. Тезроқ бўла қол.

Қўзибақ йигитлари кулишиб, хиринглашиб, қўллари ювиша бошлади.

Қатша уятдан ерга киргудай бўлиб, товоқни олиб берди. Малла дарров гўштни товоққа ағдарди. Бошқалар оч бўридай қимтинишиб, тезгина давра қуриб ўтиришди. Ораларига Бахтиқулни таклиф ҳам қилишмади. Қатша ғазабдан кўзлари ёниб, индамай ўтираверди. У умрида қанча-қанча хўрликни бошидан кечирган бўлса ҳам, ҳеч қачон бундай ваҳшийликни кўрмаган эди.

Бахтиқул нима қилишини билмай, бир нима деб гапирмоқчи бўлди. Лекин Қўзибақ йигитлари товоқдан бошларини кўтаришмади. Гўштни пок-покиза еб бўлишгач, Салмен чўзиб кекирди-да, Бахтиқулга зуғум билан буйруқ қилди:

— Тур, энди қўрангни кўрсат! Агар сенга шу бия-

нинг гўшtidан бир парча қолдирсам, ота-бобомга ланнат бўлсин!— деди.— Ҳаммасини супуриб-сидириб олиб кетаман!

Бахтиқул ўзини зўрға босиб ўтирган эди. Бу сўзлар унинг ғазабини аламга олдирди. Қонталашган қизғиш кўзларини Салменга тикиб:

— Упкангни бос, хўжайини! Қўрқитадиган бўлсанг. тўғрилиқча қўрқит,— деди.— Қаршимда қилпанглаб ўй-ноқлаганингга юрагим учмайди!

Салмен ирғиб тушди ва қамчиси билан Бахтиқулнинг юзига тортиб-тортиб юборди. Бахтиқул қимир этмади. Шунда бой уни болохонадор қилиб ифлос сўзлар билан сўка кетди.

Бахтиқул мана шундан қўрқиб ўтирган эди. Хотини ва болаларининг олдида сўкиш эшитиш унга ўлим билан барабар эди.

Қатша қўлини ёзиб:

— Қирилгур Қўзибақ! Худо жазангни берсин!— деб қичқирди.

Сейит ўрнидан ирғиб турди-да:

— Чўчқа!— деб сўкиб Салменга ташланди.

Бой уни итариб юборди.

Бахтиқул нима бўлса ҳам қаршилиқ кўрсатиб ўлишга қарор қилди. Сейитнинг жон ҳовучлаб орага тушгани унинг юрак-бағрини ўртаб юборди. У тағидаги қайин косовни олиб, Салменга ёпишди. Қаҳр-ғазабга тўлган Бахтиқулнинг юзи қўрқинчли эди. Салменнинг капалаги учиб кетди. Лекин кучлар тенг эмас эди. Унга яқин қамчи ва муштар бирваракай ёғилиб, Бахтиқулни ўчоқ бошига чалқанча қулатди. Ур-йиқит ичида Салменнинг хириллаб: «Онангни... бўйни йўғонлаб кетган қора қул!» «Эртанинг ўзида Сатнинг муҳрини бостириб, каллакесар деб авахтага тикмасам, онадан туққанам бекор!» «Ерга қоқиб киргизаман, Сибирга ҳай-датаман!»— деб сўкингани эшитиларди.

Жазо узоқ давом этди. Бахтиқулнинг боши билан танаси моматалоқ бўлиб шишиб кетди. Этикларнинг пошнаси, букланган қамчиларнинг дастаси гўхтовсиз тушарди. Буларни у бирпасгина сезиб ётди. Кейин ҳеч нарсани билмади: гўё қоронги бир зиндонга улоқтирилгандай, аллақандай алвасти ютиб юборгандай тубсиз бўшлиққа чўкди. Охирги сезгани чаккасига жаз этиб ботган санчиқ бўлди.

Орадан қанча вақт ўтганини Бахтиқул билмайди. Ҳушига келиб биринчи сезгани, чаккасида қаттиқ оғриётган санчиқ бўлди. Тонг отибди. Емғир ҳали ҳам шитирлаб ёғиб турибди. Олов ўчган шекилли, уй ичи музлаб кетибди. Инқиллаб кўзини очган эди, тепасида букчайиб, унсиз йиғлаб ўтирган хотинини кўрди.

Бахтиқулнинг икки кўзи шишиб кетган. Юзининг ҳамма жойи қонталашиб кўкарган. Чаккаси ёрилган. Шу ярасидан ҳали ҳам ўқтин-ўқтин сизиб қон чиқяпти. Сейит йиғлаб ўтирибди. Қачондан бери йиғлайди? Гапирмайди. Тундагиларнинг шарпаси ўчган: кетиб қолишибди.

Қатша бўлган воқеани гапириб берди. Бахтиқулни ўласи қилиб уриб бўлишгандан кейин, Сейит билан Қатшани қўрқитиб, гўшт қўйилган жойни сўрашибди. Лекин булар айтишмабди. Шундан кейин малла қўлига шам олиб, ҳидлаб-ахтариб, тошёрдаги гўштни ҳам, кеча кечқурун олиб келинган гўштни ҳам топиб берибди. Биянинг терисига қараб: «Ўзимизники», деб танишибди. Икки йигит келиб Бахтиқулни кўрибди. «Иккинчисини ҳам ўлдирдик», деб ўйлашгандир-да. Бироқ узоқ тикилиб туриб: «Уладиган эмас, нафас оляпти», дебди биттаси. Кейин уйдан чиқишибди.

Салмен икки сўзнинг бирида:

— Сат акамнинг бўлислиги рост бўлса, муҳрини бостириб, мана шу келган ўн кишини гувоҳ қилиб пир-такўллаб, Бахтиқулни авахтага кестираман. Сибирга юбортириб, шу ёқда чиритаман!— деб валдирар экан.

Кетишда «молимизнинг тўлови» деб бўз отни, «қилган гуноҳи учун» деб қизил сигирни ҳайдаб кетишибди.

Бахтиқул бу сўзларни индамай эшитди. Алам, хўрлик ҳаммаси ичида. Яна очликда қолган уй ичинини ўйлаб, болаларига қараб, оҳиста:

— Ҳеч нима... қолдимиз?— деб сўради.

— Гўштни ҳаммасини супуриб-сидириб олиб кетишди. Бир парчасини ҳам қолдиришмади,— деди Қатша ғазаб билан.— Қирилгурлардан нима яхшилик кутасан? Салменнинг ўзи тепасида туриб олдирди. Худо тидагинини бермай гўрингда ўкиргур, мараз!

Бахтиқул тишларини ғижирлатди. Номус ва хўрликдан, алам ва ёлғизликдан тутатиб кетди. Бир бияшинг ҳақи шунча! Ортиқ молимни бер деб Қўзибақ овулига боролмаса... Агар боргудай бўлса, бўйни йўғон қонхўр овул уни еб қўяр! Унинг сўзини сўзлаб, ҳимоясига оладиган одам борми? Йўқ унақа одам! Бўлганда ҳам Қўзибақнинг қамчисидан қўрқиб, ҳақ гапни айтолмайди. Кўплашиб ҳақини олай деса, Бахтиқулда тузуккина эл ҳам йўқ. Бор элатини йиғиб келганда, йигирмадан ошмайди. Уларнинг ҳам боши бир ерда эмас, ким кўринганга қўшни. Унинг яқинлари молчи қуллардай қашшоқ яшаб, ҳатто бир парча ерга ҳам эга бўлолмаган.

Бахтиқул «шуларнинг кўрган кунига мен кўнмасман» деб талпинган эди. У бошқалардан зардали, ўктамроқ эди. Яхшини ёмондан ажрата биладиган югурик ақли, одамларга сўзини ўтказа оладиган чечан тили бор эди. Лекин булар камлик қилди. Унинг замонида муштумзўрларга ем бўлмаслик учун ҳовли тўла молинг бўлиши лозим экан. Йўқса, бошинг турткидан чиқмайди, қаерга борсанг, сен бегона; ҳамма сендан юз ўгиради. Буларнинг ҳаммасини ёшлигидан кўрган Бахтиқул бошқалардан сергакроқ бўлишга интиланган, лоақал қулликка тушмай, одамларнинг эшигини қоқмай деб, уринган эди.

Охири келиб бунга йўлиқди.

Қўзибақнинг бир биясини олган Бахтиқул энди тухматдан қутулмайди. Ўзлари ўғирлик қилиб, энди Бахтиқулга ағдариша беради. Шу чоққача кўрган кўргуликлари денгиздан томчи. Чинакам зулмат энди бошланади. Нима қилиш керак? Бахтиқул ёлғиз, қўлидан ҳеч нима келмайди. Бош кўтарай деса, уни тутиб, ҳақноҳақ йиқитиб берадиган Сат, Салменнинг содиқ кўлпаклари бор. Улар ўзлари ўғирлик қилиб, кейин Бахтиқулдай ёлғиз, паноҳсиз қашшоқларга тўнкашади. Айбларини бекитиш учун, буларни тезроқ қамоққа тикиб, яхши ном чиқаришга интилишади. Хаёлига мана шу қамоқ, авахта келганда, Бахтиқул чўчиб тушди. Умрида қанча марта ўлимга юзма-юз келиб бирон марта қўрқмаган Бахтиқул, авахта тўғрисида асло хотиржам ўйлай олмасди. Мана энди шу авахтанинг тешилиб қолган гўрдай совуқ эшиги унинг кўз олдида ўшшайиб турибди.

— Шунча кулфатларга дучор қилдинг-а!— деди Бахтиқул оғир хўрсиниб. Сўнг кўзлари яна бир нуқтага тикилиб қолди.

«Энди паноҳ бўладиган киши топмасам бўлмайди,— деб ўйларди Бахтиқул.— Боримни бериб, қул бўлсам ҳам, кеча Салмен айтган балодан сақлаб қоладиган одамнинг қўлтиғига кирмай илож йўқ. Шундай ёвуз душман билан олишишга барибир ўзимнинг кучим етмайди».

Қатша ҳеч қачон эрини бу аҳволда кўрмагани учун қўрқиб кетди.

— Бу нима дегани, алахсираяпти,— деб ёқасини ушлади.

Орадан бирор ҳафта ўтгандан кейин Бахтиқул оёққа турди. Яралари қотди. Куч билан бўлса ҳам, энди отга ўзи минадиган бўлди.

Унинг қўшни овулга қўшиб қўйган бир жийрон йўрғаси бор эди. Бўз отни Салмен олиб кетгандан кейин, куни шу йўрғага қолди. Ўрнидан тургач, Бахтиқул бориб жийронини олиб келди.

Бу суқсурдай сулув, баланд айғир бўлиб, йўрғаси жуда кучли эди. Кўп кишилар унга орқаворотдан ҳавас қилиб юрарди. От ишқибозлари бошини чайқаб:

— Ҳеч ким Бахтиқулдан олдин бундай йўрға минган эмас,— деб қўйишарди.

Бахтиқул жийронни олиб келгандан кейин, ўтириб эски милтиғини ҳафсала билан тозалади, уни сумба билан ниқтаб ўқлади, кейин отини эгарлади. Қатша унинг авзойидан олис йўлга отланганини пайқади.

Бахтиқул хотинига бир оғиз гапирмай, отига минди-да, тоққа чиқиб кетди.

У осмонга бўй чўзган тик қарағайлар, ер бағирлаб ўсган майда бутазорлар орасидан узоқ юрди. Бахтиқул тушга яқин ўрмоннинг ичидан чиқди. Унинг қаршисида йирик-йирик қизил тошлоқ намоён бўлди. Атроф сеҳрлангандай жимжит. Бахтиқул отини секин юргизиб, бир катта қизил қоянинг тагига борди. Тоғ жуда хилват, битта-яримта санқиб юрган овчи бўлмаса, бу томонларга одам боласи келмас эди. Бахтиқул отини қоянинг тагида қолдирди-да, ўзи қўлига милтиғини олиб, энгашганича тошлоқнинг четига қараб юрди.

Олдинда баҳайбат қоя кўриниб турарди. Яқинлашган сайин қоя чўкиб, пасайиб борди. Унинг усти кенга-

йиб, каттакон майдон тусига кирди. Яқиндан қоя худди кирлаганга ўхшаб кўринарди. Рангсиз тўн кийган, сур тусли ёлғиз мерган, кул ранг тошлар орасига сингиб, йўқ бўлиб кетди. Фақат унинг аста-аста силжиган елкасигина кўринар эди. Бахтиқул қирғоққа етгач, бир тошга жипс ётиб, олдинга мўралади. Назарда авваллари чиқиб излаган чоқларида қорасни кўрсатмаган алқор, бугун нақ бурнининг тагидан чиқиб қоладигандай эди.

Бахтиқул энтикиб тушди. Қаршисида, бир катта тошнинг қиррасида учта алқор турарди. Афтидан улар тошнинг орқасидан қочиб келишган эди. Бўйинларини чўзиб, қулоқларини диккайтириб, орқага қараб-қараб қўйишарди.

Бахтиқул севинганидан: «Омадни қара!»— деб юборди. У дарҳол милтиғини тўғрилади. Бироқ нишонга ололмади. Чигиртканинг шарпасини сезадиган алқорлар, унинг бош қимирлатишини пайқаб қолиб, итқиб қочишди. Иккита ёш алқор пастга сакраб зумда кўздан ғойиб бўлди. Лекин учинчиси, шохлари тарвақайлаган қари қўчқор, қоқилиб-туртиниб, кейинроқ сакради. Бахтиқул учун шунинг ўзи кифоя эди. У дарҳол милтиқнинг оғзини қўчқорнинг елкасига тўғрилади. Варанглаган овоз чиқиб, осмонга кўкиш тутун кўтарилди. Қўчқор олдидаги тошдан ошиб ўтолмай, шилқ этиб қулади.

Бахтиқул бор кучи билан югурди. Тепасига борганда, қўчқор чалажон бўлиб хансираб ётарди. Бахтиқул ёнидаги қинидан узун қора пичоғини суғурди-да, қўчқорнинг бўғизига тортди. Қўчқор бир силкинди-ю, жим бўлиб қолди.

Офтоб ёнбошга келиб, туш оғиб қолган эди. Бахтиқул тез-тез ҳаракат қилиб, алқорни сўйди, ичак-қорнини чиқариб ташлаб, гўштини бузмай терисига қайта ўради. Уни жийроннинг устига ортиб, чилвир билан маҳкамлаб бойлади. Кейин отини етаклаб, йўлга тушди.

У кечга яқин шамол-бўрондан панада жойлашган кенг воҳага келиб етди. Бу ерда Шалқар элининг бўлиси Жарасбойнинг қишлови бор эди. Бахтиқул тонг саҳардан бери шу овулга бориш ғамида юрарди. Алқорни ҳам бўлисининг бойвуччаси учун отган эди. Бахтиқул бу ерга келишни бугун эрталаб эмас, Қўзибақ зўравонлари босган куннинг эртасиёқ ўйлаб қўйган эди.

Жарасбой одамлар орасида фақат бўлислиги билангина машҳур эмас. Унинг салмоғини оширган бошқа

сабаблар ҳам бор. У бой, йирик савдогар, ён-теварагдаги бий-боёнлар уни «таги зўр», «шаҳарда танишлари кўп» деб тилга олишади. Қиламан деса, у яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўрнига қўяди. Теварагдаги бўлис, ҳожи, бой, мирзаларнинг ҳаммаси ундан ҳайиқади.

Бахтиқул паноҳ излаб, катта одам тўғрисида ўйлаганда, хаёлига энг олдин Жарасбой келган эди. У: «Мени Салмен айтган авахтадан қутқарса фақат шу одам қутқаради, энди шу одам билан ҳам бахтимни бир синаб кўрай» деб, Жарасбой билан яқинлашишга қарор қилган эди.

Бой бўлис молини тоққа, қумга бўлиб-бўлиб юбориб, ўзи қишлоғга кўчиб келган эди. Баъзи оилалар ўтовдан уйга кириб олишганди. Кеч бўлай деб қолгани учун овулнинг барча эркаклари ташқарида юрарди. Бўлисининг ўзи бошига сувсар телпагини кийиб, етти яшар бўйчан ўғли ва уч-тўрт хушомадгўйлари билан каттакон уйининг ёнида турарди.

Бахтиқул оҳиста яқинлашиб салом берди.

Бўлис алқорга бир кўз ташлаб, алиқ олди. Унинг ёши Бахтиқулдан катта эмас: ўттиз беш-ўттиз еттиларда. Аммо савлати туяни ҳуркитгудай эди.

Бахтиқул отдан тушди. Қишлик қўранинг эшигидан қўлида қумғон кўтарган гўла, оқиш юзли бойвучча чиқди. Унинг юриш-туриши тўкин турмушдан ортиқ ризо, мамнун эканини очиқ билдириб турарди. Қип-қизил ҳони оқиб, шохлари тарвақайлаб, эгарда тўнкарилиб ётган алқор унинг ҳам эътиборини тортди. Бойвучча келиб Бахтиқул билан кўришгач, отнинг у ёқ-бу ёнига ўтиб, алқорни томоша қила бошлади. Турганлардан битта-иккитаси унга эргашиди.

Бахтиқул сиполик билан таъзим қилиб:

— Бойвучча, бу ерга желиш учун тонг саҳарда отга минган бўлсам ҳам, ов гўшти тансиқ деб, олдин тоққа чиқдим,— деди.— Тоғда менга шу алқор йўлиқди, сенга деб отдим, кам бўлса ҳам кўп кўриб, уйингга киргизиб ол.

Бойвучча, кўзларини қисиб кулимсираб, «нима қиламиз» дегандай бўлисга қаради. Жарасбой хотинининг ҳаракатига мийиғида кулиб қўйдн-да:

— Киргизиб олавер, нега турибсан?— деди.— Ўзимизнинг тоғдан отибди, бермайман деганда ҳам, зўрлаб оладиган йўлинг бор эмасми?

Шундай деди-да, бўлис ўринли ҳазил қилдим деб ўйлади шекилли, селкиллаб кулди. Бошқалар дарров унга жўр бўлишди.

Ноқулай аҳволга тушганини билдирмаслик учун Бахтиқул ҳам ноилож тишини кўрсатди. Бўлиснинг ёнида турган чоллардан бири:

— Қирғизиб ол, чироғим,— деди бойвуччага.— Бу Жарасбойнинг марҳум отаси билан дўст бўлиб яшаган, ҳозир эса бўлиснинг молини қараб юрган Қайранбой эди.— Қўзибақ овули ёмонлаган билан унинг қўлидан чиққан молнинг ҳаммаси харом бўлиб қолармиди,— давом этди мўйсафид.— Бахтиқул ўзи азалдан мард йигит. Кўнгли тушган кишисидан ёлғиз отини ҳам аямайди. Пешонаси ёримай юрган бир камбағал-да. Бўлмаса беришни ҳам, олишни ҳам ўрнига қўяди. Кам кўрмай қирғизиб олавер!

— Ҳақ гапни айтдинг, қария! Гапирган гапинг жуда тўғри!— деди Бахтиқул чолга миннатдорчилик билдириб.— Бахти очилмай юрган бир бечораман. Бугун бор дардимни айтмай, деб улуғимизнинг олдига желдим. Майлимга қараб, яхши гап гапирдинг. Ишқилиб, айтганинг келсин!

Бу орада бўлиснинг ўғли Жонғози буйруғи билан қўрага бориб, икки келинчакни чақириб келди. Уч-тўрт киши бўлиб алқорни отдан туширишди ва уйга олиб кетишди. Бўлиснинг эрка ўғли алқорнинг олдинги оёқларидан бирини кўтарган бўлиб, келинчаларга бир-икки шўхлик қилди.

Бўлис шуларнинг орқасидан қараб қолди. Бахтиқулнинг гапига жавоб бермади. Шу чоққача индамай турган иккинчи чол:

— Яхши ният ярим мол деб, бир яхшиликни ният қилиб келганга ўхшайсан, бўтам,— деди Бахтиқулга.— Сенга ўхшаганларнинг кўпи ҳаётнинг аччиқ захматини чекиб юриб-юриб, охирида ўз овулини ташлаб кетгувчи эди. Сен ҳам шундай қилмоқчи бўлма тагин?

Бу — Шалқар бўлисидаги бийлардан бири — Сарсен деган чол эди. Бўлис билан қалин бўлгани учун, Жарасбой уни сўнгги сайловнинг ҳаммасида бийликка сайлаб юрарди.

— Гапинг тўғри, оқсоқол. Ниятим катта,— деди Бахтиқул.— Дастлаб юрт оғасининг олдидан бир ўтай деб келдим.

Бўлис кулиб:

— Ростдан ҳам ниятинг борга ўхшайди-ку, отдан тушмай туриб гапирдинг,— деди.— Қолган гапингни уйда айтарсан. Ичкари кирайлик.

Бахтиқул бир қадар енгил тортиб:

— Майли! Сенга айтадиган гапим кўп!— деди.

Қарияларнинг:

— Маъқул, маъқул,— деган овозлари эшитилди.

Улар катта-кичиклигига қараб одоб билан олдин ҳовлига, ундан бўлисининг кенг, ҳашаматли уйига киришди.

Бахтиқул бундай уйда ҳеч қачон бўлмаган эди. Каттакон керосин лампа хонани қуёшдай чарақлатиб турибди. Ерга буруннинг қонидай қип-қизил гилам солинган. Тўрда рангдор кўрпача, пар ёстиқлар. Деворнинг тагида безакдор русча каравот. Каравотнинг тепасига ярқироқ гилам осилган. Уйнинг ичи худди аллақандай нур билан ёнаётганга ўхшайди.

Ифлос йиртиқ кигиз солинган ўтовда яшовчи Бахтиқул учун бундай уйга кириш катта шараф, бахт бўлиб кўринди. Уни бошқалар билан бир қаторда ўтиришга таклиф қилишди. У ўтирди. Катталарнинг сўрови билан аста бошидан кечирган кулфатларини гапира бошлади.

Ўтирганлар унинг гапини индамай тинглаб, кечки чойни узоқ ичишди. Бахтиқул Қўзибақ овулида кўрган хўрликларининг ҳаммасини гапирди. Гапининг охирида Салменнинг авахтада чиритаман деб кучанганини айтди.

Бўлисдан бўлак ҳамма Қўзибақнинг қилмишини чегарадан ошган зўрлик деб топди. Бойвучча ҳам шундай деди. Бундан руҳланган Бахтиқул:

— Ёлғиз бўлганингдан кейин зўравонлар таг-томиринг билан еб ташлайман деб кўнглига келганини қилаверар экан,— деди.

— Қўзибақ сени аямай хўрлабди,— чойдан бир ютиб, гапга аралашди Сарсен.

— Аяш қаёқда! Мен, улар айтганча, бўз бияни олган бўлсам, улар бундан бадтар қилишди-ку. Бари менинг паноҳсизлигим орқасида бўлди. Энди мен қўшчи бўлсам ҳам бир тузук одамнинг уйида паноҳ топмасам, менга ёруғ кун йўқ.

Бахтиқул шу тарзда кўнглини ғаму ҳасратдан бўшатди.

Бўлис чурқ этмади. У Бахтиқулнинг гапини тўғри-
нотўғри ҳам демади, уни гапиришдан ҳам тўхтатмади.
Ичида у Бахтиқулга тан бериб ўтирарди. Унинг сўз би-
лиши, фаҳм-фаросати бўлисни ўзига тортарди. Бахти-
қул ўринли гапи билан бир уни эмас, бошқаларни ҳам
оғзига қаратиб қўйганди. Сўз-гап орасида бойвучча
билан Жонғозининг Қўзибақ овулини ёмонлаб айтган
сўзлари ҳам эшитилди.

Гап охирида Сарсен:

— Бахтиқул, сен яхши ният билан келган экансан.
Энди сўзни қисқа қилгин-да, мана бу бўлиснинг этагини
маҳкам ушлагин. Бунга сендай пишиқ, отганда ўқ, чоп-
ганда қилич бўладиган, юрагида ўти бор одамлар ке-
рак. Унга ука бўлгин-у, мана бу Жонғозига ака бўл.
Қўзибақ бир сенга қасд эмас. У талай одамларнинг
шўрини қуритган. Қани, Жарасбойнинг қўлидан сени
олиб кўрсин-чи! Бўлиснинг уйида хизмат қилиб хо-
тиржам юравер. Қўзибақ тугул, худонинг ўзи ҳам одол-
маслигига мен кафилман. Бугун бўлмаса эртага Қўзи-
бақдан молингни олишга ҳам кўмак берармиз,—
деди.

Бахтиқул ич-ичидан севиниб бош қимирлатди. У
фақат бой овулнинг унга, камбағал бир йигитга бунча-
лик илтифот кўрсатганига ҳайрон, бунинг тагида бир
гап йўқмикан, деб хавотирланар эди. Аслида бу ерда
ҳайрон қоладиган ҳеч қандай сир йўқ. Бу овул Қўзи-
бақ овули билан азалдан бел ушлашиб келади. Жарас-
бой бўлса Бурген бўлиси Сат билан ит-мушук. Шу-
нинг учун улар бир ҳожатга яраб қолар деб Бахтиқул-
ни илиқ қарши олишган эди.

— Ҳамма армонимни ўзинг айтдинг, қария,— деди
Бахтиқул Сарсенга таъзим қилиб.— Мен айтадиган гап
ҳам қолмади. Қуллуқ, оқсоқол, бор гапим шу.

Бўлис яна индамади. Фикрини кўпчиликнинг олдида
айтгиси келмадими, ҳайтовур, бола-чақаси Бахтиқул-
га очиқ чирой билан қараб, унинг тилагига хайрихоҳ
бўлганда ҳам, у бир оғиз гапирмади. Бахтиқул ҳам
эртагача ўйлаб кўрмоқчидир деб, ундан гап сўраб ўтир-
мади.

Тун ўтиб, тонг отди. Ҳар кунги одат бўйича бўлисга
келган одамлар эрталабки чойни ичиб бўлмасданоқ
овулга тўплана бошлади. Бахтиқул чойдан кейин оти-
ни эгарлади-да, бўлисдан аниқ бир жавоб олиб кетай

деб, одамларнинг сийраклашишини кутди. Охири бўлис ташқарига чиққанда, орқасидан бориб:

— Менга жавобингизни айтсангиз, мен аниқ бир гап эшитиб кетсам,— деди.

Жарасбой шошмасдан қўранинг сиртига чиқиб, тозароқ жойга ўтирди-да, орқасидан эргашиб келган Бахтиқулга қаради:

— Менга нима демоқчисан? Мақсадингни айт!

Бахтиқул унинг сўраганига ич-ичидан севиниб:

— Мен энди нима дейман, ака?— деди.— Мақсадимни тунда айтдим-ку. Ўзим етказолмаган бўлсам, Сарсен қария айтди. Энди мени қўлтнғингга олиб, Қўзибақнинг балосидан асра! Шундан кейин керагингга ишлат, хоҳлаган юмушингни қилдир. Отсанг милтиғинг, чопсанг қиличингман. Жонғозининг акаси, ўзининг ҳар қандай хизматингга тайёр қиёматли ўртоғинг бўламан. Шартим шу, мен бу шартдан ўла-ўлгунча қайтмайман!

Жарасбой бир оз юмшаб:

— Яхши, гапинг менга маъқул,— деди.— Қўзибақ овули бир сенинг душманинг эмас. Гапирган гапинг рост бўлса, Қўзибақдан ўч оладиган пайтингни топиб, сенга ўзим айтаман. Сен қўрқма, жонингни Қўзибақ эмас, худо олади. Тунов кунги гап бости-бости бўлгунча кутиб турайлик. Унгача сен бизнинг овулга келиб майда-чуйда ишларга, чорвага аралашиб тур. Кейин ўзим бўлислик ишининг бир ерига жойлаштириб қўяман.

Кўпдан бери ўйлаб юрган армони шу бўлганидан, Бахтиқул ўзида йўқ севиниб, олифта камбағалнинг қилиғини қилди. У қўлидан келган барча яхшилигини аямай қилишини айтиб, бисотида бор дунёсини тезроқ беришга ошиқди:

— Айланай бўлис, менга отам қилмаган яхшилиқни қилишга тайёр эканингни кўрдим. Олдин мен бўйин товлар деб ўйлаган эдим. Энди мен шу ўртага солган дўстлигингга, шу қилган очиқ феъллигингга мана бу остимдаги йўрғамни Жонғозига мингизмоқчиман. Худо олдида қарздорман: меннинг Жонғозига ака тутиниб қилган тортиғим шу бўлсин!

Бўлис индамади. Сукут—аломати ризо деганларидай, бу — қабул қилдим дегани. Бахтиқул бўлис икковининг ўртасида бўлган гапни бойвучча билан Жонғозига билдириб, уларга ҳам ўзининг миннатдорчилигини билдир-

ди. Йўрға отини мақтади. Ёш бўлса ҳам молга ўч бой боласи, хурсанд бўлганидан, шарақлаб кулиб юборди.

Бойвучча ҳам отни рад қилмади.

Уч-тўрт кундан кейин Жонғози Бахтиқулнинг овулига бориб, уй ичини кўриб, йўргани миниб қайтадиган бўлди.

Бахтиқул меҳмондўст бўлис овули билан хайрлашди. Бойвучча унинг хотин-боласига совға-салом бўлсин деб, янги сўйилган семиз тойнинг қўш қазисини, биринки бўлак гўштини бериб юборди. Бу ўлжаларга юраги чиқиб, тунда яхши уйда ётиб, яхши еб-ичганидан оғзи қулоғига етган Бахтиқул, хиргойи қилиб, отини йўрттирганча уйига туш оққанда кириб борди.

V

Жарасбой билан Бахтиқулнинг ўртасида узоққа чўзилган ғалати яқинлик туғилди.

Биринчи қишда ёв тарафидан гап-сўз тарқалмасин деб, бўлис Бахтиқулни идора хизматига олмади. Лекин уни овулига чақириб турди. Бахтиқул бўлиснинг чорвасига қаради. Шу тариқа, у аста-секин бўлис овулининг хизматкорига айлана борди.

Қанақа йиғин, кенгаш бўлмасин, ҳаммасида бўлис ўзининг янги хизматкорини мақтаб, унинг оғир кечмишидан, энди гўё одам бўлиб жетаётганидан гапирар эди. У бебош йигитни одам қилган гамхўр деган ном чиқаришни хоҳларди. Сарсен, Қайранбойлар бошқа бий-баёнлар орасида бўлиснинг одамгарчилигини, унинг камбағалпарварлигини айтиб, Жарасбойни кўкларга кўтаришар эди. Бахтиқулнинг ўзига эса:

— Э, яша, йўлингни энди топдинг. Сени Жарасбой одам қилади,— дейишиб, уни бўлисдан миннатдор қилишга интилишарди.

Бахтиқул биринчи қишда кунни-кун, тунни-тун демай бой овулнинг катта чорва хўжалигига қарашди. У бошқа молбоқар, хизматкорларга нисбатан уқувли, пишиқ эди. Ҳар қанақа қийин юмушнинг иложини топарди. Бахтиқул бурун чорва ишига бунчалик аралашмаган, қилган иши фақат йилқи боқиш бўлган, ўз чорваси эса катта уқув талаб қилмаган бўлса-да, ҳозир уни таниб бўлмасди. Уй иши, қишлик ўтов, чорва борми, ҳаммасига қараб, ёғ тушса ялагудай қилиб, бирпасда саранжом-

лаб қўярди. Унинг уқуви, ғайратига барча, ҳатто ҳеч кимнинг ишини писанд қилмайдиган Қайранбой ҳам қойил эди.

— Чорвани ипидан игнасигача билади, — неча марта мақтади у. — Ҳисобга ҳам зеҳни ўткир. Қайси юмушга қўл урса, бирпасда остин-устин қилиб ташлайди. Бечора пешонаси ёримай юрган экан-да. Бўлмаса камбагал бўладиган йигит эмас.

Йилқининг яйловга чиқиши, қўйнинг отарга ҳайдалиши, кўкламда экиладиган экин, кузда ўриладиган пичан, қишда молга солнадиган чўп, чорвани қиргиндан сақлайдиган қўриқ яйлов — ҳамма-ҳаммасида Бахтиқул маслаҳат бера олади. Уни тилга олишганда, «ишнинг кўзини билади, чорванинг отаси», деб гапиришарди.

Бахтиқул асосан бўлиснинг чорвасига қарарди. Шунинг учун ўз ишига ҳам оз-моз жўз ташлаб туришга имкони бор эди. Юмуш билан у ер-бу ерга борганда, тери-пери сотиб, пуллаб оладиган чоқлари ҳам бўлди. Экин экканда, Жарасбойдан ёрдам олиб, бурунгидан уч-тўрт ҳисса кўп экди. Қишда сўядиган сўқими, еб-ичадиган ун-чойи энди етарли. Бўлис овулидан келадиган даромад Бахтиқулнинг меҳнатига лойиқ бўлмаса ҳам, қашшоқ онлага катта кўмак эди. Онда-сонда бўлис овулига бориб, бойвуччанинг топширган ишларини қилиб юриб, Қатша ҳам уст-бошини бутунлаб ола бошлади. Узидан қолганни, эски-туски бўлса ҳам, болаларига тикиб берди. Ҳаммадан ҳам қувониб гапирадигани, мақтаса арзийдигани — Сейит; у ҳозир бўлис овулида бир мулладан сабоқ олади. Эски одат билан мулла деб аталган бу ўқитувчи аслда русча таҳсил кўрган Юнус отлиқ ёш йигит эди. У бўлисникида Жонғози, яна бир-икки болани ўқитарди. Бўлиснинг руҳсати билан Бахтиқул ҳам Сейитни шунга олиб бориб берганди.

Сейит ўзининг ўткир зеҳни, югурик ақли билан ўқитувчисини хурсанд қила бошлади.

Бахтиқулнинг шодлигига шодлик қўшиб, экини ҳам тоза, текис униб борди. Ёз чиққач, Бахтиқул бутунлай Жарасбойнинг овулига кўчиб ўтди. Утовини бой ўтовининг ёнига тикиб, соя-салқин тоғда қимизга қониб юрaverди. Чорва иши камайгач, бўлис уни «эл иши» деб аталган идора хизматига юмшай бошлади. Отга мингизиб: «Фалон ишни қилиб кел, фалон сўзни етказиб, буйруқин бажариб кел», дейдиган бўлди.

Бахтиқул чопарликни тез ўзлаштирди. У бўлис юборган жойларда дўстига-дўст, яқинига-яқин гапирар, бўлисга тескари кишиларнинг орасига тушганда эса, зуғум билан гапирар, зарур бўлса, ҳатто куч ҳам ишлатар эди. Бахтиқул бўлисга чинакам садоқат билан хизмат қилди.

Гоҳ у кичик йиғинларда ҳам қатнашар эди. Шунда унинг маънили гапи, ўринли маслаҳати кўпни кўрган кексаларни ҳам ҳайратга соларди.

Тирикчилик мана шунақа тузалиб, яхшиланиб бораётган пайтда, эл орасида катта бир фалокатнинг шарпаси сезила бошлади. Бу — Шалқар элида бўладиган сайлов жанжали. Сайлов бу йил фақат Шалқарда эмас, Бургенда, яна бир элда ҳам бўлади. Бий-баёнлар сайловга ҳозирдан ҳам еб, тайёргарлик кўриб юришарди. Тайёргарлик бошланганига олти ойча бўлиб қолган эди.

Бу йилги тайёргарлик олдингиларидан катта бўлиб, кенгайиб, кўп элни туташ қўзғатишдан бошланди. Бу тайёргарлик одатдагича фақат бир бўлиснинг ичида бораётгани йўқ. Бу йилги тортишув бутун уездни бўлмаса ҳам, унинг ярмини оёққа турғизди.

Ҳар бир бўлис ўз ерида хўжайин бўлиб юрганга қаноат қилмай, бошқа эллар билан талашиб-тортишиб, орада чегара жанжали чиқиб, қиш қишловдан, ёз яйловдан даъво кўтариб, қўшни бўлислар ўртасида адоват тобора кучайди. Бу элларнинг барча бий-баёнлари уезддаги иккита йирик партиянинг раъйига қараб икки гуруҳга бўлинди. Бу партиялардан бирининг бошида Жарасбой, бирининг бошида Сат турарди. Уртадаги тортишув бошланганидан бери кучайса кучайдик, лекин пасайгани йўқ. Тортишув худди иссиқ ёзда очиқ далага тушган ёнғиндай кун сайин зўрайиб борарди. Яйловда қимиз ичиб зеркиб ётган бийлар энди тиним билмайди. Шу йўсинда бутун уездни иккига бўлган Сат ва Жарасбой тортишуви тобора улғайиб, йирик жанжаллардан бирига айланди.

Жарасбой ўз элидан унча шубҳаланмаса ҳам, қариндош-уруғи кам бўлганидан, уезддаги тортишувда уруғи кўп Қўзибақ овули ўтиб кетармикан, деб қўрқарди. Шунинг учун у теварагига Сатнинг душманларини кўпроқ йиға бошлади. Бургенга одам юбориб, Сатдан норози бўлиб юрган овуллардан гуруҳлар тузди.

Сат тарафдорлари ўзларининг кўплигига ишониб:

— Жарасбойнинг ўпкасини бирпасда босиб қўямиз. Уни бемалол йиқитиб ташлаймиз,— деб юришарди.

Улар Жарасбойнинг томирини қирқиш учун шаҳар маҳкамасига қайта-қайта шикоят юборишарди, уни ёвузликда, золимликда айблашарди. Лекин Жарасбой ҳар гал шаҳардан оқланиб қайтарди. Шаҳарда унинг томири кучли эди. Сатнинг уруг-аймоғи кўп бўлса ҳам, шаҳарда таниши кам эди. Шунинг учун у шаҳарда кучсиз эди.

Жарасбойнинг талаби билан у бир марта ўн беш кун қамоқда ётиб ҳам чиқди.

Шундан кейин ўртадаги душманлик янада кучайиб кетди. Бурген элининг катталари:

— Отнинг қашқасидай Жанисдан чиққан Жарасбой шаҳар улугига яқинлигини қилиб, бизнинг обрўйимизни тўқди. Битмас-туганмас ерли Қўзибақ элининг Сатдай бўлисини қаматди. Энди биз унинг тазирини берамиз,— дея бошладилар.

Яйловга кўчиш пайтида Жарасбойнинг йилқисидан учта қисир бия ва бир от йўқолди. Дарҳол қидиришга одам юборилди. Орадан бир кун ўтгач, қидирувчилар бўш қайтиб келишди. Отларни Сатнинг укаси Салмен ўғирлатибди. Буни Жарасбойнинг шу ердаги яқин кишилари билишар экан. Қидирувчилар Салменнинг олдига бориб, отларни талаб қилишса, Салмен уларни сўкиб, уришиб, ҳайдаб юборибди.

Жарасбой аламдан туни билан ухламай чиқди.

Тонг отгач, катта бир ариза ёздириб, Сарсен оқсоқолни шаҳарга, улугнинг олдига жўнатди. Кейин бир неча бий-катталарни йиғиб маслаҳат ўтказди. Тушга яқин Бахтиқулни чақиртирди.

Бахтиқул шошилмай кирди. Хонада энг уришқоқ, жанжалкаш бийлар ўтиришарди. Уларнинг орасида Жарасбойнинг ўнг қўли ҳисобланмиш Қўқиш ҳам бор эди. Уларни кўриб Бахтиқулнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Жарасбой бир коса қимиз қуйиб берди-да, салмоқлаб гап бошлади. У кейинги йил ичида Бахтиқулнинг анча тузук ҳаёт кечиргани тўғрисида гапирди. Бунга бўлисининг кўнглидаги яхши ниятлар сабаб бўлгани, у Бахтиқулни атайин майда ишларга аралаштирмай, катта, жиддий ишларга сақлаб юрганини айтди. Бахтиқул бу сўзлардан энди ўзининг тинч ҳаёти тамом бўл-

ганлигини пайқади. Лекин ўзининг эски одати бўйича индамади.

Жарасбой уни синамоқчи бўлгандай бир тикилиб қаради-да, давом этди:

— Қўзибақ элининг тиниб-тинчийдиган туси йўқ. Тинчгина яшайлик десак, молимиздан ўғри, уйимиздан бўҳтон армайди. Энди биз ҳам улар қилган ишни қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бахтиқул. Сен ёнигга ўнта йигит олиб, бугун кечаси боргин-да, тўғри келса Сат ёки Салменнинг йилқисидан, бўлмаса Қўзибақ овулидан биттасининг йилқисидан бир уюрини баримтага ҳайдаб кел,— деди.

Бахтиқул ҳали ҳам индамай турарди. Унинг кўнглига анча нарсалар келди. «Паноҳ топдим, одил жойга хизматга кирдим, бу хизматимга сабаб бўлган одам шу деган эдим. Бу мени қаерга, қандай ишга юборяпти!»— деди ичида.

Юзлари бужмайиб кетган, бўйни йўғон Қўқиш Жарасбойнинг фикрини қувватлаб:

— Қўл бўлмай йўл бўлмайди деганларидай, мол олишни Сатнинг ўзи бошлабди. Бироқ уники ўғирлик бўлса, сеники тўғрилиқ: сен ўз молинг учун баримта оласан. Қаерга борса ҳам, бу иш ҳалол мол учун қилинганини ҳамма тап олади,— деди-да, кулиб:— Нима бало, қўрқиб қолдингми, ботир йигит бундай пайтда ўзи отилиб чиқмайдими?— деди.

Бахтиқул кулмади.

— Ботирлик ўз йўлига... Мени шу ишга юбормасанг нима қилади, бўлис?— деди Жарасбойга қараб бўғиқ товушда.— Ҳозир ўзи ўғирлик қилмаган одамлар ўғри аталиб юрганини кўриб турибсан-ку. Паноҳ топдим деган эдим. Менинг Сат, Салмен билан олишадиган нима бор?

Бўлис пинагини бузмади.

— Бу нима деганинг, Бахтиқул? Сат ота душманинг, ўчингли оладиган жойда қочасанми? Жавобгарлиги сенга эмас, менга келади-ку! Бу ерда сен қўрқадиган ҳеч нима йўқ. Сенга келадиган бало дастлаб менга келади. Бош тортадиган бўлсанг, бошқа ишдап бош торт. Бундай пайти келиб турган жойда чўчисанг, бу — гуноҳ бўлади. Боравер, ҳамма қилиб юрган ишдан юз ўгирма! — деб ўрнidan турди.

Қўқиш Бахтиқулни гапиргани ҳам қўймади.

— Гап тамом. Энди бунн оғизга олишнинг ҳожати йўқ. Бахтиқул боради! — деди.

Бахтиқул индамай ерга қараб ўйлаб қолди.

Шу кун кечқурун у Жарасбой, Қўқиш ва Сарсеннинг йилқисидан ўнга учқур от танлаб ушлатди-да ёнига тўққизта йигит олиб, қош қорайган пайтда йўлга отланди. Булар қароқчи эмас, баримтачи деб аталади. Шунинг учун бўлис уларни ҳеч кимдан яширмади. Овулнинг барча яқин-йироғи, катта-кичиги Қўқиш, Қайранбой ва бошқалар йигитларни жўнатиш учун ташқарига чиқишди.

Йигитлар отларига миниб, овулнинг ёнида Бахтиқулни кутиб туришарди. Уларнинг ҳаммаси бақувват, забардаст йигитлар эди. Устларига енгилгўна чакмон кийиниб, кўкракларини очиб қўйишган. Кулишиб, бир-бирини туртишиб, шўхлик қилиб туришарди.

Уларнинг остларидаги отлар ҳам уч овулнинг энг машҳур отлари эди. Бир ерда турмай, бошларини гижинглатиб, у ёқдан-бу ёққа юришади. Фира-ширада улар паҳлавонлар минган афсонавий бедовларга ўхшаб кўришади.

Ен томондаги кичкина ўтовдан Жарасбой билан бошлашиб Бахтиқул чиқди. У энди буткул ўзгарган, юриши қатъий, қарашлари ўткир. Унинг устида ҳам сизил чакмон; бир сизил белбоғига қистириб қўйилган. Биқинида тўппонча.

Ҳамроҳларига яқинлаб:

— Йўл бўлсин, азаматлар, йўл бўлсин! — деб қатъий гапирди.

— Хайрли бўлсин! — деб гуриллаган товушлар эшитилди.

Молбоқар йигитлардан бири Жарасбойнинг чопқир оқ ёл отини келтириб Бахтиқулга кўндаланг тутди. Бахтиқул бир ерда турмай талпиниб, олдинга сапчиган отга ёндашиб, узангига оёғини қўйди-ю, эгарга қўнди.

— Юринглар! Кетдик! — деб буйруқ қилди.

Отлар баравар қўзғалишди. Йигитларнинг баъзилари сўйилларини қўлтиғига қистириб олишган, баъзилари эса эгарнинг қошига кўндаланг осиб қўйишган.

Овул кишилари уларнинг орқасидан ўзаро гурунглашиб қолишди:

— Юришларини қара!

— Балол..

— Эркак-да, эркак..

Баримтачилар тўдаси тобора кичрайиб бориб, охири кўздан йўқолди: қоронғилик оғушига кириб кетди.

Улар шу кетганча тун бўйи уйқусиз, тинимсиз йўр-тиб, тонг отгунча қорак ишларнинг ҳаммасини қилишди. Улар уриш, бошга тушган сўйил, отилган милтиқ — ҳаммасини кўришди. Оппоқ тонг отган пайтда бўлис-нинг буйруғи бажарилгандай бўлди: йирик бир айғир уюрини олдиларига солиб олишди. Қувғиндан қутулиш-гач, баримтачилар Шалқар бўлисининг чегарасидаги жимжит дарага кириб тўхташди.

Қайтишда Бахтиқул бир-икки йигитни юбориб, йўл-даги овулдан бир қўзи сўраб олдирган эди. Дарага жойлашгач, қўзини сўйдириб, этини остирди-да, ўзи тоғ бошига чиқиб, қоровул бўлиб ўтирди. Атроф жимирла-ган, кимсасиз, қизил тошлоқ. Узоқда яшил саробга ўх-шаб қалин қарағайзор кўринади. Тоғнинг чўққиси оп-поқ қор. Осмонда бургут учиб юрибди.

Қўзибақ овулидан чиққанда ҳам атроф ана шундай жимжит бўларди. Бахтиқул хаёлга чўмди. Бурун у молни Қўзибақ учун олар, Қўзибаққа элтиб берар эди. Бу гал-чи? Бу гал ҳам шунинг ўзи эмасми? «Нимадан қочган бўлсам, яна шунга тутилдим!» — деди ўкиниб. Кейин яна ўзини-ўзи юпатган бўлди: «Менга нима, ях-ши-ёмонлиги бўлса, ҳаммаси Жарасбойнинг бўйнига тушади-ку! Хавф-хатарга тўла тунги юришлар ҳам бир ғанимат-да... Жарасбой — Қўзибақнинг Салмени эмас; бу одам мени ўқинтирмас. Юришга ҳам шундай деб от-лантирди-ку! Энди шу фикрда қаттиқ турайин», деб яна аввалги ҳолига қайтди.

Сойдан буралиб тутун чиқа бошлади.

Осонликча қўлга тушган бу баримта чинакам тала-шув-тортишувнинг бошланиши бўлди. Шундан кейин икки партиянинг ораси тўс-тўполон бўлиб кетди. Тунги юришларга кундузги юришлар, кундузги юришларга тунги бостиришлар уланди. Чўқмор ва сўйиллар қон билан беланди.

Жарасбой молидан олинган баримта билан ўғирлик-нинг фарқига боролмай қолди. Бу уни бадтар қиздирди. Қўқиш ва бошқа бўйни йўғонлар билан бош бирикти-риб, баримта-ўғирликка одам кетидан одам юборди. Шу йўсинда, бир томондан унинг моли камайса, иккин-

чи томондан баримта-ўғирлик билан тўлиб борди. Лекин барибир киришдан чиқим зўр эди.

Бу йилги партия Жарасбойни ўпириб кетди. Бировни алдаб, бировни сулдаб, у қанча-қанча ерга пул-мол қистирди. Жарасбойни ўртаган нарса чиқимларини ҳозир эл бошига сололмаслиги эди. Солай деса, сайлов олдида устаранинг бетидай тойиб кетаманми деб қўрқарди. Бунинг устига кундалик йиғин-кенгашларнинг биттаси ҳам мол сўйишсиз ўтмайди. Кўкламда фалонча деб гердайиб санайдиган молининг ҳошир учдан бири ҳам қолмагандай эди.

Уни бошқа чиқимлар ҳам кемирарди.

Бурген элида Сатга қарши чиқиб, Жарасбой тарафини олиб юргувчи Дўсай деган бир бой овул бор эди. Жарасбой билан бу овул ўртасидаги дўстлик кейинги вақтларда тўсатдан кучайиб кетди. Бунинг сири Жарасбойнинг Сат билан душманлиги ортган сайин унинг бақувват, таги зўр одамларга муҳтож бўлиши эди. Жарасбой бу дўстликни яна ҳам кучайтириш учун бир ўй ўйлади. Дўсай овулининг ҳозирги бошчиси бўлган Байтенда Қалиш деган бир чиройли қиз бор эди. Жарасбой ўртадаги дўстлик тағлик-томирлик бўлсин деб, Қалишни сўратиб одам юборди.

Дўсай овули совчиларни қучоқ очиб қарши олди.

Партия тортишуви Байтенни ҳам чиқимларга ботириб юборганди. Унинг моли Жарасбойнинг молича кўп эмас эди. Шунини ўйлаб, Жарасбой, Қўқош, Сарсен ўзаро маслаҳатлашиб, Байтеннинг овулига унаштириш моли билан қалин молини қўшиб, кўзга кўп кўрипадиган қилиб юборишди. Шунга қарамай, бу тўй ҳаракати катта чиқим — эликта мол ва йилқини кўтариб кетди.

Бу чиқимлар Бахтиқул ва унинг йигитларини қайта-қайта отга миндирар эди. Дастлабки пайтларда олинган моллар баримта деб одамлардан бекитилмас эди, кейинчалик улар ҳеч кимга кўрсатилмайдиган бўлди. Аста-секин келтирилган моллар тўп-тўп қилиб олисларга, русларнинг орасига юбориб сотила бошлади. Лекин Жарасбой бу ишга Бахтиқул ва унинг йигитларини аралаштирмади. Улар — ўғри: улар мол ўғирлайди. Шунинг учун савдодай ҳалол ишга аралашмагани тузук. Бир кун бориб бу ишларнинг миси чиқса, таёқ ўғрининг бошида синади. Шунинг учун ўғри камроқ нарса билгани яхши.

Савдо-сотиқ ишлари Жарасбойнинг Қўқиш, Қайранбой сингари яқин кўмакчилари; ажралмас маслаҳатчилари орқали юргизилад эди.

Бу орада сайлов ҳам етиб келди. Жарасбой яна ўз элида бўлиб қолди. Кўп тортишув-жанжал, мўлкўл чиқимлар билан ўзининг эски ўриши қайта эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо Сат йиқилди; бўлисликдан тушди. Бурген элида Жарасбойнинг яқини Дўсай тарафдорлари ҳам ўз одамини ўтказолмади. Бўлисликни Қўзибақ овулининг тарафдорларидан бири эгаллади.

Куз келиб, юрт қишловга кўча бошлаганда, партия тортишуви бир оз пасайди. Энди Жарасбой ҳам Бахтиқулни баримта-босимта деб безовта қилавермади. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Бундан фойдаланган Бахтиқул, уйига келиб, ўзининг хўжалигига қарай бошлади. Ҳар замонда ҳол-аҳвол сўраб, бир кун, ярим кун қўноқ бўлиб келгани бўлмаса, энди у бўлиб овулига деярли бормасди.

VI

Бахтиқул бўлисдан четлаша бошлагандан кейин партия тортишуви нима бўлгани ва унинг қандай тусга киргани билан иши бўлмади. У ўз овулида: ҳеч қаёққа бормай муқим яшади. Эл орасида юрган гап-сўзга қизиқмади ва ўзи ҳам бировга гап айтмади. Бу вақтда унинг бирдан-бир билган ва эса сақлаган нарсаси: бўлиб билан икковининг душмани бир, бу — Қўзибақ овули деган ишонч бўлди. Буни у ёдда маҳкам сақлади, бошқа нарсаларга эътибор қилмади.

Бир кун туш пайтида чопар келиб:

— Сени Жарасбой чақиряпти,— деганда у, унча ҳаяжонланмади. Отига миниб, чопарнинг орқасидан бўлиснижигга борди.

Бўлисининг овулида, одатдагидай, Шалқар юртининг барча казо-казолари тўпланиб ўтиришган экан. Овулда яна бир нечта бегона одамлар ҳам бор эди. Булар отларини тушовлаб қўйиб, ташқарида тўп-тўп бўлиб ўтиришарди. Бахтиқул четроқда ўтирган Ураз овулининг кишиларики кўрди.

Ураз овули Бурген бўлисида бўлиб, Қўзибақ овулининг яқин тарафдори эди. Бу ёз бўйи Жарасбой билан қаттиқ олишган овуллардан бири эди. Бахтиқул ва

унинг йнгитлари, Қўзибақ моли қўлга илинмаганда, бир-икки марта Ураз овулининг молига ҳам теккан эди.

Бахтиқул, Ураз овулининг кишиларини кўргач, ўзича: «Шуларнинг сўзи билан чақирган бўлса керак», деб ўйлади. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлиб чиқди.

Жарасбой одатига қарши, уни жуда совуқ қарши олди. Саломига қовоғини солиб жавоб берди. Ҳол-аҳвол сўраш ўрнига зарда билан:

— Эй, Бахтиқул, сен ҳаддингдан ошиб кетясан! — деб уни жерка жетди. — Емон йўлга юрмас десам, сен мени булғайдиганга ўхшайсан. Биласанми, мен сенга нималар қилган одамман?

Бахтиқул Жарасбойдан ҳеч қачон бундай сўз эшитмаган эди. Дафъатан шошиб, довдираб қолди.

— Нима гуноҳ қилибман, бўлис? Нега қалтис гапирдингиз? — деди ҳайрон бўлиб. — Ўлдирсангиз ҳам, айбимни бўйнимга қўйиб ўлдиринг. Эҳтимол, биров тухмат қилгандир. Олдин текшириб, тергаб кўринг!

— Тергайдиган ери йўқ! — деди бўлис шовқин солиб. — Шундай ҳам сен экамингни билиб турибман. Бурген бўлисидаги Ураз овулидан икки от ва икки қисир бия олибсан. Ҳозир шуларни эгасига қайтариб бер!

Бахтиқул узоқ индамай қолди. Бўлис айтган отларни олгани рост. Бўйин товламайди. Лекин уларни Жарасбойнинг ўзи олдирган-ку. Буни маъна бу ўтирганлар ҳам билади. Бўлис нега иккиюзламалик қилади? Наҳотки Бахтиқулдан юз ўгирган бўлса?! «Йўғ-э, ундай бўлиши мумкин эмас! Маъна бу ёт кишиларнинг олдида шунақа деяпти. Кейин мени яна ўзи ҳимоясига олади, — деб ўйлади Бахтиқул. — Тўловли қайтариб беради. Шунинг учун ҳозир уни шарманда қилмай, айтганига кўнаверай».

— Олганим рост. Молим ҳам, жоним ҳам сеники, бўлис. Мен сенинг измингдаги одамман. Кўнглингга келган ҳукми чиқариб, Уразни рози қила бер. Бошқа айтадиган гапим йўқ! — деди.

Ўтирган оқсоқол, қора соқолларнинг ҳаммаси бирдан енгил тортиб, қимирлаб, чуғурлаб қолишди. Ўртада Бахтиқулни мақтаб, Жарасбойнинг обрўси, одамгарчилигига қойил бўлиб айтилган сўзлар эшитилди.

— Бечора камбағал мард ўлса ҳам ростини айтиб ўлади!

— Одам ўлдирса ҳам яширмайди...

— Бўлисимиз ҳам хўп одам-да, кишининг кўнглини топиб гапиради!

Бахтиқул бўлиснинг сал чиройи очилганини кўриб, айтган гапидан хурсанд бўлди. У ўтирганларнинг ҳаммасини дафъатан кўролмаган эди. Энди ўгирилиб, уларни кўздан кечирди. Тўрда Жарасбойнинг қайин отаси Байтеннинг ўғли ва унинг жўралари ўтирарди. Уларнинг орасида Ҳазратнинг Салменга яқин укаси — Байтен ва Жарасбойнинг ашаддий партия душмани Асан ҳам бор эди. «Ия,— деди Бахтиқул ичида.— Наҳотки булар энди ярашган бўлса?»

Унинг хаёлини бўлиснинг дағдағали овози бўлди:

— Бундан кейин оёғингни қийшиқ босадиган бўлсанг, мендан яхшилик кутма! Сени яқин кўриб, уйимга киргизган бўлсам, тузук одам бўлиб кетарсан деб ўйлаганимдан шундай қилганман. Энди йўлдан тойган кунинг сен менга, мен сенга ёт, бегона одаммиз!

Бахтиқул унинг авзойини кўриб, бўзрайиб қолди.

— Ҳозир мол эгаси уйингга боради,— давом этди бўлис овозини пасайтирмай.— Тўртта йилқисига тўртта от ёки қорамол берасан. Сўнг айбингни ювиш учун яна битта от ва битта туя қўшиб берасан!

Ҳукм Бахтиқулга қаттиқ ботди. Унинг қўлида қанча мол борлигини бўлис яхши билади. Ҳозирги ҳукми билан шу молнинг ярмидан кўпини юлиб олди. Олганда ҳам ўзи қилдирган, ўзи буюрган иш учун олди. Бахтиқул ўзини зўрға босиб, охирини кутиб индамади. Бўлис ўша куннинг ўзида Сарсен оқсоқолни юбориб, пешонага бултур битган олти нафар молни Асаннинг олдига чиқартириб берди.

Мол аччиғи — жон аччиғи. Умид билан боқиб юрган молининг ярмидан кўпи бирдан кетиб, ўрни бўшаб қолгач, Бахтиқул билан Қатшанинг ичи қаттиқ ачиди. Лекин Бахтиқул бўлиснинг олижаноблик қилишини, кетган молнинг ўрнига ўрин мол беришини кутди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бўлисникидан дарак бўлмади. Кўнглини шубҳа тирнаган Бахтиқул, жон ҳолатда қўшниларга чопди; партиялар ўртасидаги тортишув нима бўлганини суриштириб билмоқчи бўлди. Икки-уч овулга боргач, аҳволни буткул тушунди. Яна уни бўлак-лаб ташлашибди... Одамлар унга аллақандай шубҳа билан қарайди. Бахтиқул ўзини тўдадан қолиб, чанг орқасидан қувган бўтадай ҳис қилди. Бир Бахтиқул

эмас, бошқа камбағал-қашшоқлар ҳам шундай бўлибди. Ёзда ўз жонини аямай бий-баёнларнинг буйруғи билан ўтга деса ўтга, сувга деса сувга тушган азаматларнинг ҳаммаси шу аҳволга тушибди.

Бу ноҳақлик шаҳар маҳкамасининг буйруғи билан бўлибди.

Ёз бўйи бир-бирини ёмонлаб, бир-бирини қоралаб-шикоят ёзган бий-бўлислар энди, сайлов тугаб, орага бир қадар иттифоқ тушгач, камбағал-қашшоқни, хизматчи-малайни қоралаб арз-дод қилиша бошлабди. Ўғри кўпайганидан, халқнинг бузилганидан шикоят этувчи аризалар шаҳар маҳкамасини тўлдириб юборибди. Сайловда йиқилган бий-бўлислар эски касални яна кўзғашибди: янги тайинланган бўлис-бийларни қоралаб, уларни золимлик, ёвузликда айблаб, рост-ёлғонни қўшиб, ариза кетидан ариза юборишаверибди.

Ниҳоят, бир кун жандарм бошлиғининг буйруғи билан барча бий-бўлислар чақиртирилиб, тергов қилинибди. Уезд. чиновниклари билан тилмочлар синалган усул — қўрқитиш, ялғинтириш йўли билан уларнинг тинкасини қуритиб, чўнтақларини порага тўлдириб, охирида:

— Тезда битимга келинглр,— дейишибди партияларнинг бошлиқларига.— Ярашишни хоҳламаган бўлислар ўрнидан туширилади, партия бошилар сургун қилинади.

Чиновниклар дўқ уриб яна:

— Ўғриларни, урядникка бўйсунмайдиган бебошларни тезда йўқотинглр. Бўлмаса халқ бузилади,— дейишибди.

Улуғнинг буйруғини эшитгач, қимиз ичиб қутуриб юрган бўйини ўйғон бойлар дарров ҳовридан тушибди. Барча араз партияларнинг бошлиқлари йиғилиб, шаҳарда катта ўтириш қилишибди. От сўйиб, фотиҳа ўқишиб, худо-қуръонни ўртага қўйиб, энди аразлиқни ташлаймиз деб битимга келишибди. Сўнгра ўзаро маслаҳатлашиб, халқ ичидаги бузуқилар, ўғриларни тийиб оламиз деб қарор қилишибди. Бундай ўғри, бузуқи аслда ўзлари эканини билмаган бўлишибди.

Шу йўсинда Жарасбой шаҳардан барча душманлари, айниқса Сат билан иноқ бўлиб қайтибди. Шаҳарда сўйилган бия гўё шуларнинг тотув бўлишига атаб сўйилгандай иккови жуда қалин бўлиб кетибди.

Жойларига қайтиб келишгач, бнй-баёнлар биринкетин от-бия сўйиша бошлабди. Бир-бириникига бориб меҳмон бўлиш, қудалашш, топишиш-танишиш авжга чиқибди. Съездлар очиладиган кунгача номларидан барча доғ-қорани юшиб ташлаш учун роса уринишибди, бийлар бўлислар билан, бўлислар бойлар билан дўст, ўртоқ бўлишибди. Жарасбойнинг қайниси бўлмиш Дўсай овули ҳам ёвлашиб юрган Қўзибақ ва Ураз овуллари билан ярашиб олибди. Мана шу ярашиш пайтида Ураз овули Жарасбой олиб кетган молини сўрабди.

Бўлисининг йнғинда Бахтиқулга қаттиқ гапириши ва молини олиб Уразга бериши мана шу йирнк фитна, яширин битимнинг оқибати экан. Буларнинг ҳаммасини Бахтиқул эл орасидан суриштириб билди. Лекин у бошига тушадиган бошқа кулфатларни, бошқа фитна, ёвуз шиятларни билолмади.

Шаҳарда Жарасбойнинг енг учиди битадиган ишларини бажариб юргувчи ишончли бир кишиси бор эди. Бу — уезд бошлиғининг тилмочи Тўқпаев эди. У Жарасбойни юқоридан ҳимоя қилиб юрар, пораларини тегшишли жойга етказиб берар, шунга мувофиқ, ўз улушини ҳам олар эди. Бу одам яна уезд маҳкамасида Жарасбой хусусида бўлган гапларни ҳам оқизмай-томизмай етказиб турарди.

Шаҳарда ўтказилган терговдан кейин Тўқпаев Жарасбойни ўзининг уйига чақирди-да, анча сир айтиб, маслаҳат берди. Шу ерда бўлган катта сўзлардан бири Жарасбой хусусида уезд маҳкамасига тушган аризалар эди. Бу аризаларда Жарасбой ўғрилар ҳомийси деб кўрсатилар экан. Аризаларда «Доим киши отлантиради. Жуда кўп мол олган. Қўлида зўр баримтачи йнгитлари бор» деб ёзилар экан.

Тўқпаев бу сирни айтиш билан бир қаторда, Жарасбойга:

— Тезда бу балодан қутул! Бунинг учун бир неча кишини ўғри деб тутиб бер. Ўз бийларинг номидан авахтага ҳукм қил. Кейин шу ҳукм бўйича уларни чопарларнинг олдига солиб шаҳар турмасига юбор,— деди.

Бахтиқул мана шу балодан хабарсиз эди.

Улганнинг устига тепгандай, уни айблаш учун шу орада яна бир баҳона чиқиб қолди. У қўни-қўшниларникида айланиб юрганда, Қўзибақ овулидан бир тўда мол ўғирланди. Мол эгалари ўғрини топишолмади. Шунда

улар, кўр тутганини қўймас дегандай, яна Бахтиқулга ёпишдилар.

Бу гал мол ахтариб келувчилар икки киши эди. Бахтиқул бор гапни айтса ҳам, улар кетишмади; қўра-ўтовни титкилашаверди. Қидирувчилардан бири олдинги сафар Салмен ва унинг одамлари билан келиб, Бахтиқулни саваб кетган эчки соқол, кўзлари қисиқ, малла Азберган эди. У қамчисини ўйнатиб:

— Бултур еган калтагингни яна соғиниб қолдингми?— деб кучанди.

Бўйнида айби йўқ, бунинг устига эски алами унутилмаган Бахтиқул, бу гапга чидаб туrolмади. Ғазабдан титраб, қинидан узун қора пичоғини суғуриб олди-да:

— Ёриб ташлайман сен лагапбардор кўппакни!— деб унга ташланди.

Азберган жанжалкаш, тили узун лопчи бўлса ҳам, аслда жуда қўрқоқ, юраксиз бир одам эди. Бахтиқулнинг дўқи унинг ўтакасини ёриб юборди. Чопарлар отларига миниб, овулнинг тепасида қамчиларини ўйнатиб сўкишиб жўнаб қолишди.

Шундан бир кун кейин Қатша уйдаги қотган-қутганларни пишириб, бўлисникига совға қилиб олиб борди. Лекин бойвучча уни жуда совуқ қарши олди. Қўлидаги совғасига қайрилиб ҳам боқмади. Қатша уларнинг ётсираб қолганини кўрса ҳам, сипогарчиликни қўлдан бермай, индамай ўтирди. Олдидап Сөйитни бултурғидай яна ўқишга топширмоқчи эканини, ўғлининг «бораман» деб уйда ҳеч тинчлик бермаётганини айтди. Лекин бўлис билан бойвучча унга жавоб бермай, сўзини эътиборсиз қолдиришди. Қатшага «ая, аяча» деб ёнида парвона бўлса ҳам, бойвучча ёнидаги оқсоч аёллар ва молбоқар қўшчилар билан кулиб, уни мазах қилаверди. Шундан кейин Қатша тарвузи қўлтиғидан тушиб уйига қайтди.

Бу ва бунга ўхшаш аччиқ кесатиқлар, совуқ гапларнинг ҳаммаси Бахтиқулнинг бошига довул булутдай босиб келаётган катта фалокатнинг белгиси эди.

Шу орада Шалқар бўлисининг съезди очилди.

Бахтиқул биринчи кундан оқ совуқ хабарлар эшита бошлади. Съездга нуқул муттаҳам, золим бийлар тўпланганмиш, съезднинг бошида бўлисининг ўзи қатнашаётган эмиш. Бийлар камбағалларга нисбатан қалтис талаблар қўйибди. Бўлисни ўртага олиб, ўғри, бузуқ-

чиларни аямасликка қасам ичтирибди. Ҳукм катта. Бийлар ўғри, бузуқи деб, йигирма одамни ёзиб олишибди. Булар кимлар — ҳеч ким билмайди, аммо уларнинг авахтага тушиши аниқ эмиш...

Съезддан ҳар куни янги-янги хабарлар келарди.

Қатша қўни-қўшнилardan авахтага кесилганлардан бирининг номини билиб келди. Бу ёз бўйи бўлисининг қовоғига қараб иш қилган, Бахтиқул билан бир неча марта баримтага борган Жадигар эди. Бунни эшитгач, Бахтиқул аламдан титраб кетди.

— Алвасти! — деди Бахтиқул бўлисни сўкиб. — Келиб-келиб авахтага кестирганини қарал..

Энди уни чақириб қолишса жерак? Бахтиқул бошига бўрқини бостириб кийиб, овқат емай, ухламай, оҳ уриб, ҳеч кимга гапирмай ётаверди. «Қачон келишадиди?» — деб азройилнинг йўлига кўз тиккандай, қонхўр бийларнинг чопарини кутди.

Уни узоқ кутдиришмади. Съезд очилганининг тўртинчи куни туш вақтида чопар келиб:

— Бийлар чақиришяпти, — деб уни олиб кетди.

Қип-қизил қилиб безатиб қўйилган покиза уйда бийлар қалин кўрпа ва пар ёстиқларга кўмилиб, семиз гўштни еб, кекириги осмонга чиқиб, мойга бўкиб ётишарди. Уларнинг авзойи молига қиргин теккан овулнинг итларини эслатарди: худди бир нимага ташланадигандай кўзлари қизариб, яллуғланиб турарди.

Бахтиқул дами ичига тушиб, аста салом берди-да, судралиб бориб пойгакка омонат чўққайди. Утирганлардан биронтаси унга қараб ҳол-аҳвол сўрамади. Бахтиқул зимдан кўз югуртириб, тўрда ўтирган таниш бийларни кўрди. Мана, Сарсен қария ўтирибди. Лекин биттасининг ҳам унга қарагиси келмайди. Бахтиқул кўзлари билан салом берай деган эди, ҳаммаси бир-бир четга бурилиб, ундан кўзларини олиб қочди. Жўрттага ўзларини пайқаматган қилиб кўрсатишди. Ёз бўйи унинг тарафини олиб, уни ўз кишисидай кўриб юрган кишилар бугун четланиб, бегоналашиб қолибди.

Бахтиқул ўзига-ўзи: «Шамолнинг қайси томондан эсабошлаганини энди пайқандирсан!» деди. Шунини айтиши билан руҳи бирдан енгил тортгандай бўлди. «Мени сенлар қораламоқчимисанлар?! — деди ичида бийларга ҳайқириб. — Қани, қоралаб кўр. Кучларинг қаерга етар экан. Мен ўғри бўлсам, сенлар ўғри бошисан»

лар!..» Унинг узун мўйлови тарангланиб, сочи игнадай тикка бўлди. Кўзлари аллақандай чўғ билан ёна бошлади.

Тергов бошланди.

Тергов биринчи сўзданоқ Бахтиқул ўйлаган йўсинда олиб борилди. Мол сўровчи Сат билан Уразнинг киши-си экан. Даъвогар «яхшилар»нинг ўртасида ўтирган бир семиз малла киши бўлди. Гап биринчи баримтадан кейин Бахтиқул уч-тўрт йигит билан бориб олиб келган бешта йилқи тўғрисида борарди.

Анвал даъвогар сўзлади. Бийлар совуқ йўталиб, қовоғини солиб, айбдорни қоқиб-силталаб ўтиришди. Лекин улар қанчалик кеккайиб, зуғум қилишса, Бахтиқул шуңчалик хотиржам эди. Бўйин товлашни у хаёлига ҳам келтирмасди.

Бир-икки сўроқдан кейин:

— Яширмайман, олганим рост,— деди.

Орага бир лаҳза жимлик чўкди. Жарасбой тарафининг бийлари дарғазаб йўталиб қўйишди. Қарши тарафнинг пакана, мўйлови ўшшайган бир бийи ўгирилиб:

— Нега олдинг?— деди.

Бахтиқул мўйлови остидан бир жилмайди-да, пичинг отиб:

— Партия бўлгандан кейин олмай нима қилман?— деди.

Шалқар бўлиснинг бийлари жим бўлиб қолишди. Афтидан, улар Бахтиқулдан бундай гап кутишмаган эди. Шунда Қўзибақ овулининг бийларидан бири, тўла, юзи хўрознинг тожисидай қип-қизил киши:

— Бечора партия!.. Сен кимларга хизмат қилмадинг? Энди Шалқарнинг партияси бўлиб қолдингми?— деб хохолаб кулди.

Бошқалар унга жўр бўлишди.

— Сат билан Уразда қанақа партия қасдинг бор эди? Нима, Сат икковинг бирон йиғинда тортишиб қолганмидинг?— деб кесатди яна биттаси.

— Сат билан мен тортишмасам, яқин кўрган бошчим тортишди,— деди Бахтиқул хотиржам.— Мен шунинг тарафини олдим.

— Сен бизга нима учун Сат билан Уразнинг бешта йилқисини олганинг тўғрисида гапир!— деди бийларнинг каттаси.— Бошчилар ўртасидаги тортишувни бу

ёққа қўйиб тур. Уларнинг йўриги бошқа. Улар ўзлари гаплашиб, битимга келиб олишди. Сен бошчим деган одамларинг ўша беш йилқидан бош тортиб ўтирибди. Шунинг учун уларни сендан сўраяпмиз.

— Мен биттами, бештами, қанча мол олган бўлсам, уларни ўз хоҳишим, ўз қасдлимгим орқасида олган эмасман,— деди Бахтиқул.— Мени мол олишга юборган одамлар ўлиб кетгани йўқ. Мана шу қаршимда ўтирган Сарсен билан Қўқиш ёзда мен қилган ишларнинг битасидан ҳам бўйин товлай олмайди!

Қўқиш уйга ҳозиргина кириб ўтирган эди. У Бахтиқулга ўдағайлаб, қўлидаги қамчисини ўйнатиб:

— Партия йўли билан олинган баримта бошқа, буни сендан ҳеч ким сўраётгани йўқ! Сен ўзинг қилган ўғирликларингни бегуноҳ одамларга тўнкайман деб уринма, билдингми? Уладиган бўлсанг, Сарсен икковимизга осилмай ўл! — деди.— Бийлар! Бу ҳали бизга эмас, Жарасбойга ҳам осилар. Ўўқолган отларнинг баримтага ҳам, партияга ҳам ҳеч бир алоқаси йўқ! Уларнинг ҳаммаси ўғирланган мол! Шу гапларни бийларга бориб айт деб, мени бўлис атайлаб юборди. Уғри — мала, қилмиши — бўйинга олиб ўтирган ўғирлиги. Эндиги гапни ўзларинг биласизлар!

Бахтиқул ёни кетгандай бўлди. Ураз талаб қилаётган беш йилқини Жарасбой, Қўқиш, Сарсен учови бўлишиб еган эди. Бахтиқул алам ва ғазабдан ҳолсизлашиб, беихтиёр кўзига ёш олди...

Бийлар бир-бирига қараниб, имлашиб, нима бўлса ҳам, айбини унинг бўйинига қўйиш чорасини қидиришарди. Суд тугаб, ҳукм чиқарадиган вақт яқинлаб қолган эди.

Бахтиқул эс-ҳушини йиғиб олгач, тортишувни қўйди-да:

— Агар Қўқиш гапирган гапни бўлисининг айтгани рост бўлса, мен ҳеч нима демайман! Билганларингни қилинглар, менга деса, оловга ташлаб, ёндириб юборинглар! — деди.— Мен нима кўрган бўлсам, ишонганимдан, соддалигимдан кўрдим. Энди кўзим очилди. Қўй деб бўрига эргашиб юрган эканман!

Бахтиқул ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. У худди маст одамдай, боши оққан томонга санқиди. Бир маҳал ҳовлида уч-тўрт семиз киши билан олдидан ўтиб кетаётган бўлисга дуч келди. Бўлис худди уни кўрма-

гандай, саломини эътиборсиз қолдириб, ўтиб кетди. Бахтиқул, орқадан унинг йўғон, тўқ, улуғвор гавдасига қараб қолар экан: «Хап, шошма!» дегандай тишларини гижирлатди.

Уйдан чопар чиқиб, уни ичкарига чақирди. Бахтиқул кирди. Бийлар беш йилқи ўринини беш йилқи билан қоплашга ҳукм қилишибди. Кейин бунга қўшимча қилиб уч йил қамоққа кесишибди.

VII

Орадан икки ҳафта ўтди. Бахтиқул кимсасиз тоғда қочиб юрарди. У юрт-элдан тамомига безган эди.

Хони бийлар съездда ҳукм чиқаришгач, ўзаро келишиб, Бахтиқулни тутқинга олмоқчи бўлишди. Шу мақсад билан икки йигит уни ташқарига олиб чиқди. Чўлда одамларни қамаш одат бўлмаганидан, ўғрилари қамайдиган махсус бино ҳам йўқ эди. Шунинг учун маҳбусни шаҳарга жўнатгунча кишанлаб қўйишарди.

Бахтиқул олдин ҳеч нима тушунмади ва ёнидаги қуролсиз йигитларга ҳайрон бўлиб қаради.

Йигитлар уни бўлис ўтирган уйнинг қаршисига олиб бориб:

— Шу ерда қимирламай тур! — дейишди-да, ўзлари ичкарига кириб кетишди.

Бахтиқул шулдагила уларнинг ниятини фаҳмлади: кишан олиб чиқишмоқчи... «Аҳа!»— деди Бахтиқул муштини қисиб ва худди ҳеч нима бўлмагандай, ишонч билан отига қараб юрди.

Чопарлардан бири кишан олиб чиққанда, ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Чопар у ёқдан-бу ёққа югуриб:

— Ушла! Уғри қочди! Ушла! — деб дод-вой солди.

Бу вақтда Бахтиқул овулдан чиқиб, довондан ошиб қолган эди. У шартта қарағайзорга бурилди, тошлардан айланиб, изини йўқотиб кетди. Унинг орқасидан тушган қувғинчилар икки қўлини бурнига тиқиб қайтишди. Бўлисининг чопарларни сўкиши, бийларнинг дарга-заб бақариши ҳам ҳеч қандай наф бермади.

Бахтиқул уйига бориб, хотинига бўлган воқеани айтди. Кейин жийроини ташлаб, саман отига минди-да, қўлига милтигини олиб, бир вақтлар бўз бияни сўйган дарага борди.

Бу ерда у кечгача бекиниб ётди.

Хотини унга талқон туйди. Бахтиқулнинг ўзи тўқлиларидан бирини сўйди. Гўшти иккига бўлиб, бир бўлагини бола-чақасига қолдирди, бир бўлагини эса, мешга солиб, ўзи билан олиб кетиш учун тайёрлаб қўйди.

Қош қорайгач, хотини талқонни олиб келди. Қисқагина хайрлашдилар. Бахтиқул саманга миниб, тўриқ отини етаклаб, қачон келишгини айтмай, тоққа жўнаб кетди.

Шундан буён у қочқин; ҳеч қачон кўрмаган ва кўрмасам деб тиришган оғир, эл кўзига ёмон кўринадиган дарбадарликка ноилож бўйин эгди.

Қатша эрнинг орқасидан қараб:

— Келиб-келиб охири шунга етдимми? Худо жапонни бергур, Жарасбой! Илойим қилганинг ўз олдиндан келсин! — деди. Бахтиқул қоронғида кўздан йўқолгунча қараб турди-да, қопдаги гўштни орқалаб уйига қайтди.

Шу кун кечаси бўлисининг чопарлари келишди.

— Тушда ўзларинг олиб кетган эдиларинг-ку, — деди Қатша ўзини билмаганга солиб. — Нима бўлди?

Бўлис қандай бўлмасин Бахтиқулни тутиб жазолашга қарор қилди. Унинг ўнлаб чопарлари тоғда, қарағайзорларда, тўқайзорларда изғиб юришга бошлади. Бўлис кўпинча қувғинчиларга тоғ-тошнинг қадисини яхши биладиган овчи ва ўприларни қўшиб юборарди. Булар тун-кун отдан тушмас, тоғдан қарағайзорга, қарағайзордан тўқайга ўтишар эди. Бўлис қувғинчиларнинг отларини тез-тез алмаштириб турарди. Улар янги отларга миниб, янги куч билан қидиришга киришар эди.

Бахтиқул худди тоғ кийигидай, уларга тутқич бермас эди. Лекин унинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борарди. Бир ёқдан чарчаш, ҳорғинлик эса, иккинчи ёқдан ташвиш, қўлга тушиш хавфи уни кемираб эди. Бу хавф уни бир нафас ором олгани қўймай, оёғини ерга тегизмай учуриб юрарди. Бахтиқул тоғдан тоққа, ўрмондан ўрмонга ўтар, ухлмас, томоғидан овқат ўтмас эди. Унинг юзлари бужмайиб, қовоқлари шишиб кетганди. Қувғинчилар унинг назаридан худди орқадан қисиб келаётган даҳшатли ёнғинга ўхшаб туюларди. У от устидан мудраб, чўчиб уйғонар, сўнг яна тезроқ жойини ўзгартиришга шошарди. Гоҳда у ҳаётдан буткул совуб:

— «Бундай дарбадарликдан ўлим яхши. Бунинг ўлимдан нима ортиқлиги бор?!» — деб умидсизланар, лекин авахтани, Жарасбойни, унинг совуқ, ёғ босган се-

миз бетини кўз олдига келтириб, япа кучга минар, сер-
гак тортар эди.

Шундай пайтларда:

— Нима бўлса ҳам ушлатмайман! — деб муштини қисар эди.— Тириклай қўлга тушмайман! Улсам от устида ўламан!..

Бўлис бир кун ҳам тиним билмас, Бахтиқулни кундуз чироқ ёқиб излатарди.

Сўнгги пайтларда қувғинчилар сони кўпайди, улар тўда-тўда бўлиб ҳар тарафдан кела бошлади. Бир томондан милтиқ, чўқмор, сўйил кўтарган чопарлар тоғтошни титкиласа, иккинчи томондан, эл орасидан чиққан битта-яримта сотқин бий-баёнлар унинг орқасига тушди. Бўлис тоғ орасига жарчи юбориб:

— Кимда-ким Бахтиқулни кўрса, дарҳол ушлаб берсин ёки дарагини айтсин! Бўлмаса шаҳардан отряд чиқади, қўноқ бўлиб, мол сўйдириб, ҳамманинг тинкасини қуритади. Ўғрини яширднинг деб кўп одамнинг бошига сув қуяди! — деган буйруқ тарқатди.

Шундан кейин тоғ ораси жуда хатарли бўлиб қолди. Кўпчиликка ишониб қийин, бири бўлмаса бири тутиб беради. Ундан кейин, ёв учраб қолса унга қаршилик кўрсатадиган тузук қурол ҳам йўқ. Қўлидаги оғзидан ўқланадиган милтиқ билан бир нима қилиб бўлмайди.

Мана шуларни ўйлаган Бахтиқул, бирон чора топиш пайига тушди. У бундан икки-уч йил бурун Бурген бўлисида йилқи боқиб юрган пайтида бир қари рус билан танишган эди. Рус чол ўша пайтда Бахтиқулдай қочқин бўлиб юрган ва ҳатто бир йил авахтада ётиб ҳам чиққан эди. Бахтиқул унга кўп яхшилик қилган, зарур бўлганда остига от, оиласига сўқим бериб турганди. Шунда у: «Раҳмат. Бу яхшилигингни мен ҳам бир кўни қайтарарман» деб қўйганди. Бахтиқул шу рус чолни кўриб борди. У Бахтиқулни қучоқ очиб қарши олди, олти отар тўппонча ва янги берданка милтигини чиқариб берди.

Тўппончани қўйнига солиб, берданкани бўйнига осиб олган Бахтиқул, кеча йўлакай бир овулда қўниб, энди тоғ орасидаги бир танишиникига бораётган эди. У нима бўлса ҳам бир макон топиб, муқим яширинишга қарор қилганди. У отини аста йўрттириб, қарағайлар орасида ўйлаб, хаёл суриб борарди.

Кеча тунда қўнган овули унча ишончли кўринмади.

Қовоғини солиб қарши олиши, тунда эр-хотин иккови-нинг пичирлаб гапириши унга шубҳали туюлди. Бахтиқул бир мизғиб уйғонгач, саҳар пайтида отига миниб, ҳеч жимни уйғотмай чиқиб кетди. Бурун бу овул Бахтиқулга анча яқин эди. Энди бир бу эмас, бошқа овуллар ҳам унга тескари бўлиб қолганди.

Тўриқ от қарағайлар орасидан ўрмалаб бориб, таниш ҳоянинг устига чиқди. Пастда шарқираб Талғар дарёси оқиб ётарди. Тошнинг иккинчи томонида Қатубой овули жойлашган. Бахтиқул шу овулга келаётган эди. Унга кириб чой ичиб, тунда қўниб, эртага тоғ орасига чиқиб кетмоқчи эди.

Бахтиқул панада туриб рэзм солди. Ҳовлида эгарланган от ё бошқа бир нима йўқ. Жимжит. Бахтиқул оҳиста бориб, отдан тушдида, отини қўрага элтиб бойлади. Кейин уйга кирди.

Қатубой, хотини, икки ўғли — ҳаммаси уйда экан. Қатубой Бахтиқулнинг Бургенга кетишда ташлаб кетган милтиғи билан бир кийик отиб келибди. Хотини ҳозир шундан қовирдоқ пишираётган экан. Олов устидаги қумғонда вақирлаб чой қайнарди. Аҳил, тинч оила очиққан, бола-чақасини соғинган Бахтиқулнинг кўзига оловдай кўринди.

Қатубой эллик ёшлардаги очиқ, ювош бир мўйсафид эди. Соқолига аллақачон оқ оралаган бўлса ҳам, ҳали икки юзи қип-қизил, ёқимтой. Биринчи хотини ўлиб, икинчи марта уйланган. Болалари ҳам мана шу иккинчи оиласидан бўлган. Катта ўғли ўн икки ёшда, кичиги — ўнда. Тўладан келган хотини бир қадар эр-какжа ўхшаб кетади. Лекин раҳмдил, кўнгли очиқ аёл; икки бети эриникидай қип-қизил, хушрўй.

Болаларининг иккови ҳам ота-онасига тортган: ширин сўз, покиза болалар.

Қатубой ёзда экин экар, мол-қўрасига қарар, қишда эса тузоқ, қопқон қўйиб, ов қиларди. Бахтиқул уни аввал танимасди. Тоғ орасида қочиб юрган жунларининг бирида оловини кўриб келган ва шунда танишган эди. Ушанда ҳам уни ҳозиргидай очиқ чеҳра билан қарши олишган эди. Бахтиқул буларга бошидан кечирганларининг ҳаммасини гапириб берган ва булар уни жуда ёқтириб қолишган эди.

Қатубой ва унинг оиласи ҳеч қаёққа бормаи, бўлис-бийлардан овлоқда, эл орасида юрган гап-сўзларга қу-

лоқ солмай, ёз экини, қиш ови билан қаноат қилиб, тинчгина ҳаёт кечирар эди.

Бахтиқул биринчи марта желганда, уни яширишдан қўрқмай:

— Бошингга ҳам тушган азамат экансан. «Ёлғизнинг ёри — худо» деганлар. Бирда бўлмаса бирда жонимга ора кирган бир чол-кампир ҳам бор эди деб эсга оларсан. Шу ерни ўз уйингдай кўргини бемалол юрaver. Ёвингдан биз хабар олиб турамыз,— дейишган эди.

Шундан кейин бу овул унинг энг ишончли макони бўлиб қолганди. Олдин куни Бургендаги қари ошнасиникига кетгунча, у шу ерда ётиб юрган эди. Лекин у чол-кампирни балога қолдирмай деб, фақат тунда ётарди. Кундуз эса тоғ-тошларнинг орасида юрарди. Шунинг учун унинг бу ерда ётиб юганини ҳеч ким билмасди. Бахтиқул ҳар куни бир нима отиб келар ва уни ўртада баҳам кўришар эди.

Бахтиқул Бургендан қайтгунча, Қатубой пастдаги қўнини овуллардан анча гап эшитиб келибди.

Фалончи деган бир қочқин бор эмиш. Бўлис шунини ҳеч ким овулига киритмасин, кўрса — хабар қилсин ё ушлаб берсин дебди...

Қатубой яна анча гап эшитибди. Лекин уларнинг бирига ҳам парво қилмабди. Кеча пастдаги овулларнинг бирида қувғинчиларнинг ўзларини кўргандан кейингина бир оз ташвишга тушибди. Қувғинчилар ҳали бу томонларга келиб етмаган экан, чамаси биров айтиб юборган бўлса керак.

Бахтиқул келиб қовирдоқ еб, чой ичиб ўтирганда, Қатубой билан хотини оҳиста шуларни айтишди-да:

— Эҳтиёт бўл, чирғоғим. Энди учрашиб қолар,— дейишди.

Бахтиқулнинг эсига тунда қўнган овули тушди. Тагин шулар орқамдан юборишмасин деб хавфсираб, апил-тапил чойни ичди-да, ўрнидан туриб, чол-кампир билан хайрлашди.

У ҳар гал бу ердан кетганда, хилват ўзан бўйидан юриб бориб, кейин тоққа чиқиб кетар эди. Бу гал ҳам тезгина Талғар дарёсининг бўйига тушди.

Асоп дарёнинг шовқини жуда олисдан эшитилади. Яқиндан у ҳайқириб, қирғоқларга урилиб, ақлни шоширгудай бўлиб кўринади. Дарё йирик қоялар, баланд тошлар орасидан ўтади. Юқоридан отилиб тушаётган

сув қояларга урилиб, осмонга сапчийди, унинг кўпиклари илондай вишиллайди. Кўкламда сув қирғоқлардан ошиб кетади. Ҳозир сув кам. Шундай бўлса ҳам, йирик-йирик тошларни чархпалак қилиб оқизиб келарди.

Бахтиқул сувдан кўзини узмай, қирғоқ бўйлаб борарди. У дарёнинг иккинчи қирғоғига ўтиш учун кечув ахтариб юрарди. Кўприк олис. Шунинг учун яқин атрофдан кечув топиб қўймоқчи эди. Бахтиқул юқори кўтарилиб, кенг очиқ майдонга чиқди. Аммо бу ердан ҳам ўтиб бўлмасди. Сув тўлқинлари бу ерда ҳам бошни айлантиргудай эди. Бахтиқул йўлида давом этди. Бир маҳал тўриқ от бошини кўтариб бир талпинди. Бахтиқул чўчиб олдинга қаради. Қаршидаги ярим чақиримлик тепада икки отлиқ турарди. Қўлларида сўйил, отлари ўйноқи. Бахтиқул дарҳол ён томондаги тўқайга бурилди. Лекин орқадаги тепада ҳам тўрт-беш отлиқ кўринди. Бахтиқул қуршовга тушиб қолганини пайқади.

Отлиқлар ҳой-ҳой солиб, чопиб, қисиб келиша бошлади.

Ўзан тор, яқин-верида ўрмон, дарахт йўқ. Ён томонга қочиб бўлмайди, очиқ тўқай. Бемалол отиб қўйишлари мумкин. Кўп ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Елғиз нажот — отни Талғарга солиш. Ё сувдан омон-эсон ўтиб кетади, ё чўкиб ўлади, икковида ҳам ёв қўлига тушмайди.

Бахтиқул отини қамчилаб, биқинига тепиб, тўппатўғри қутуриб оқаётган дарёга ҳайдади, Итоаткор от бир талпинди-да, бошини энгаштириб, сувга тушди. Дарёнинг иккинчи қирғоғига илинса—қутулди. У томонда ёв йўқ. Қувғинчилар эса ўтишолмайди.

Биринчи қадамданоқ сув отнинг тиззасидан келди. Бахтиқул: «Ё олло! Ё арвоҳ!» деб унинг ёлига энгашди. Тўриқ, тумшугини олдинга чўзиб, дадил юрди. Сув аста-секин кўтарилиб борди, отнинг кўкрагига, кейин қорнига етди. Дарёнинг ўртасига борганда, от бир қалқиб оқди. Бахтиқулнинг назарида қирғоқ, тошлар, олисдаги ўрмон чарх уриб айлангандай бўлди. Лекин от яна ўзини ўнглаб олди. Қаттиқ тошга обғини қўйиб, қирғоққа қараб юрди. Бахтиқул унинг елкасига қоқиб, ёлини силаб борарди. Тўлқинлар яна отни кўтариб кетди. Бахтиқул: «Энди тамом!» деб кўзини юмди. Лекин от иккинчи марта тошга илинди. Бахтиқул кўзини очиб,

икки қадам нарида турган қирғоқни кўрди... Тўриқ пишқириб, энтикиб, депсиниб олдинга интиларди. Аммо тош сирпанчиқ, текис эди. Толиқиб қолган от аста-секин орқага сурила бошлади. Бахтиқул дарров ўрнидан турди ва отнинг ёлига оёқ қўйиб, қирғоққа сакради. У белидан муздай сувга ботди. Тўлқинлар шу заҳоти уни суриб кетди.

Бахтиқул энтикиб, оғзи-бурни сувга тўлиб, қўллари силталаб борарди. Бир маҳал йирик тўлқин уни каттакон қояга келтириб урди. Бахтиқул жон ҳолатда тошни қучоқлади ва юқорипа тирмашди.

У қирғоққа чиққанда, тўриқ гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб, дарёнинг ўртасида оқиб борарди. Иккинчи қирғоқда, баланд-баланд тошларда чўққайишиб қувғинчилар туришарди. Бахтиқул қўйнидаги тўппончаси билан бўйнидаги милтиғини пайпаслаб кўрди. Милтиқ ва ўқлари тугал эди.

— Бир ўлимдан қолдим!— деди Бахтиқул.— Аммо бунинг ҳақини оламан!..

VIII

Орадан бир оз вақт ўтди. Бахтиқул бу вақтда Талғар бошидан кетиб, Шегетидан Бургенга олиб борадиган йўлнинг ўрталарида юарди.

Бу томонга келганига уч-тўрт кун бўлди. Тунда қарағайларнинг тагида паналайди. Совуқдан қақшаган баданини илтиш учун шох-шаббадан гулхан ёқади. Офтоб чиқиши билан Қараш-Қарашнинг четига бориб, кимсасиз йўлга қадалиб ўтиради. Худди бир нима ахтаргандай йўлнинг паст-баландига қарайди, тош-тешикларни синчиклаб кузатади.

Икки-уч кундан бери дам у ерга ўтириб, дам бу ерга ётиб, қулай жой излаб келди-да, охири бугун тонг-отарда ўрта Қарашнинг четига яширинди. Шунча вақт қочқин бўлиб яшаш унга ўз тамғасини босган: юзи худди қони сўриб олингандай сап-сарик. Нафаси хирллаб чиқади. Қўллари бир нимани ушлашга интилгандай ўз-ўзидан мушт бўлиб қисилади.

Бахтиқулнинг қалбини бетоқатлик тиндаларди. У қатъий бир қарорга келган ва энди шу қарорини амалга ошириш учун доводда бекиниб ётарди.

Оғзига шалвираб тушган ўсиқ мўйлови қорда тулки

босиб ўтирган бургутнинг қанотларига ўхшаб кўрнанди. Кўзлари аллақандай қизғиш, оловли. Шегетининг Аси яйловига, илон изидай чўзилган йўлга тикилиб қарайди, кутади...

У ҳозир қилмоқчи бўлган ишини бурун хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин бўйни йўғон бойларнинг зулми ҳаддан ошиб кетди. Ёмон йўлга ўзлари юргизиб, охирида буни қурбон қилишди-да, ўзлари оқ-ҳалол бўлиб олишди. Бир Бахтиқул эмас, бошқа камбағал-қашшоқларнинг ҳам қисмати шундай бўлди.

Бу ноҳақликка қарши қони қайнаб тошса ҳам, кучи етмаслигини билиб, Бахтиқул ўзини босди. «Дунё остин-устин бўлиб кетмаса, бу зўравонларга мен рўпара бўлолмайман»— деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам шундай эди: Жанис — катта эл, бой, бақувват, унинг эли Сари бўлса, йигирма уйдан ошмайди, буving устига камбағал, қашшоқ.

Бўлис бир томондан, яна шу бақувват элга таянса, иккинчи томондан, шаҳарнинг улуғига суянади. Унга тенглашиш, қарши чиқиш Бахтиқул учун ақлга сирмаган гап бўлиб кўринди. Иложсизликдан тинкаси қуриб, қочиб жон сақлаш пайига тушди. Бироқ тоғ-тош ҳам унга паноҳ бўлолмади. Душманлари қувиб келиб уни Талғар сувига ҳайдашди. Бутун қочиб юрган кунлари бир бўлди-ю, шу Талғарда оққан кунини бир бўлди. Шундан кейин унинг нияти бузилди.

Сувда юқиб тайёр ўлимдан омон қолгач: «Нимадан қўрқаман?— деди ўзича.— Охири борадиган жойим барибир шунинг ўзи эмасми? Менга ўхшаган одамлар учун ҳаёт нима-ю, ўлим нима!» Унинг қалбида бераҳм замонга, уқубатли тирикчиликка қарши ғазаб ўти чақнади. Оғиз-бурнини мойга тикиб ҳузур-ҳаловатда яшаётган бўлис-бийларга лаънат ўқиди. Шу ерда унинг кўнглида ёмон ният туғилиб, бугунги ишга бел боғлади.

У олдин Қатубойни отда сойга тушириб, бўлис овулидан икки-уч марта хабар олдириди. Кейин Қарашга келиб яширинди.

Қараш-Қараш қарағай ва арчалар билан қопланган учта йирик тоғ тизилмасидан иборат. Бош Қараш, Урта Қараш, Қуйи Қараш. Езда Бурген, Шалқар бўлисидаги овулларнинг моли ўтадиган доволардан бири шу ерда. Ҳозир куз бўлганидан барча овуллар сойга кўчиб

кетган; онда-сонда Шегетидан қуйига қараб йўртган битта-яримта отлиқ бўлмаса, теварақда жон асари кўринмайди.

Бахтиқул ўз мақсади учун Урта Қарашни танлади. Йўлни, тош-тешиқларни, бурилишларни синчиклаб кўздан кечирди. Унга ёв қувганда осон қочадиган ва тез адаштириб кетадиган жой керак эди. Бахтиқул шунақа жойни топди. Бу — Урта Қарашдан Қуйи Қарашга ошиб ўтадиган доvon эди.

Бу жойда йўл қияликдан ён бағирлаб желиб, йўловчини баланд тошларнинг тагидан олиб ўтар эди. Уртага яқинлашгач, йўл юқори кўтарилар ва бир қоядан айланиб ўтиб тепага чиқарди. Шу ердаги баландликда бири-бирига тутаниб ўсган учта тоғтерак бор эди. Тепаликнинг орқаси чуқур дара, тошлоқ. Қиррадан тушса фақат тажрибакор пиёда тушади, отлиқ яқинига ҳам боролмайди. Даранинг ичи қалин ўрмон. Тошдан-тошга сапчиб, шарқираб Қарашнинг суви оқади. Пастга отни бекитиб қўйиб, тоғ-терақларнинг орасига чиқиб бемалол яшириниб ўтирса бўлади.

Шуларнинг ҳаммасини яхшилаб кўриб, билиб олгач, Бахтиқул Аси яйловига яна бир қараб қўйиш учун тепага қараб юрди. Бу гал қияликдаги йўлдан юрмади. Юқорилаб, кўтарилиб борди-да, Урта Қарашни кесиб ўтиб, Аси томондаги чўққининг тепасига чиқди.

Куз осмони аллақандай рангсиз, губорли, олисдаги тоғларнинг чўққисига салладай ўралган булутлар кўзга совуқ кўринади. Атроф жим, тиқ этган товуш йўқ. Қуйи чиқиш томонда Саримсоқлининг қарағайзори ҳурпайиб турибди. Унинг пастроғида илон изидай буралиб Бурген йўли кўринади.

Бахтиқул энди пайқади: олисда йўл кенг ва текис экан. У эрталабки қуёш нурида худди қон тўкилгандай қип-қизариб ётарди. Қияликларда тарвақайлаб ётган томирлар офтобда қовжираган ўликлардай кўнгилга совуқ ғурбат чўктиради. Қизил доғлар бошқа жойларда ҳам бор эди. Олисда бағридан Бурген суви ёриб чиққан Назар тоғи қорайиб кўринади. Бу тоғнинг атрофи текис майсазор ўтлоқ. У ерда ёз чоқлари кўп овулларнинг моли ёйилади.

Энг узоқда қорли чўққисини булутларга санган Ўжар тоғи кўринади. Ҳар гал йўлга қараганда, у Бахтиқулга алланима деб имлагандай бўлади. Бу сўққа-

бош, қор-совуқни писанд қилмайдиган Ужар тоғ гўё Бахтиқулнинг қийин мақсадини тушуниб, унга далда, мадад беради, «қўрқма, ёнингда мен борман» дегандай бўлади. Ҳозир ҳам унинг руҳини бир қадар енгиллатди.

Бахтиқул чўққининг тепасида кузатиб турарди. Бир маҳал Аси томонда жадал қимирлаётган тўдага кўзи тушиб қолди. У тикилиб қаради. Тўда мол эмас, бир гуруҳ отлиқлар эди, Бахтиқул дарҳол отини буриб, қуйига туша бошлади.

Бир неча дақиқадан сўнг у отини дарага яшириб, ўзи енгил кийиниб, довонга чиқди. Тоғтерақларнинг тагига юз тубан ётди-да, ҳансираб, олдинга қаради.

Бу ердан Ужарнинг қорли чўққиси ҳам, Саримсоқлидаги қарағайзорнинг чети ҳам бемалол кўринар эди. Қаршида баланд таниш қоя осилиб турибди. Унинг таги — қалин ўсган адл қарағайзор. Бахтиқулга улар гўё юқорига тирмашаётгандай ҳозир у қилмоқчи бўлган ишдан шошиб қочаётгандай бўлиб туюлади.

— Майли,— деди Бахтиқул қалин мўйловлари остидан совуқ жилмайиб.— Бу иш шу бугун бўла қолсин...

Бахтиқул яна олдинга қаради. Қарағайлар билан қопланган қияликда майда қизил тошлар сочилиб ётарди. Ужарнинг ёнбошидаги қоялар ҳам қизил. Бу ердан асов Бурген суви тоғ бағрини ёриб кирган унгулга ўхшаб кўринади. Бахтиқул уларга қараб улгурмай, Урта Қарашнинг орқасидан ўн беш чоқли отлиқ чиқди. Кўпининг мингани — йўрға, сайланма отлар. Юриши ўртача, отларни бир меёрда йўрғалатиб келишаётир. Йўловчиларнинг кўпи ёш, эпчил йигитлар. Ораларида тўрт-беш ясанган аёл ҳам бор.

Эгар-жабдуқларнинг кумуш нақшлари офтобда ярқираб кўринади. Эпкинда тиниқ шол рўмол ва оқ кўйлақларнинг этаклари ҳилпиради.

Отлиқлар Урта Қарашнинг пастки йўлидан тоғ бағирлаб келишарди. Йўл кенгайганда улар иккита-учтадан бўлиб қаторлашиб юришар, йўл торайганда эса битта-биттадан бўлиб келишарди. Тўдаларнинг бирида катта оқ ёл отга миниб келаётган семиз киши бошқалардан ажралиб турарди. Бахтиқул унга тикилиб-тикилиб қарай бошлади. Унинг орқасида келаётган аёллар унга алланималар деб гапиришар, шарақлаб кулишар ва эркакни ҳам қайта-қайта кулдиришар эди.

Отлиқлар энди яқинлашиб қолди. Олдингилари Бахтиқул ётган довонга кўтарилиша бошлади.

Юқорига буриладиган жойда қорағат илдиэлари йўлни тўсиб турарди. Шу ерга етганда Бахтиқул отлиқларни бир-биридан ажратолмай қолди. Тоғтеракларнинг қалин барглари ҳам унга халақит берарди.

Отлиқлар қорағатдан ўтиб, очиқ йўлга чиқишгач, Бахтиқул кўзлари билан дарров оқ ёлни қидириб топди. Таниш юзга кўзи тушиши билан унинг бадани жимирлаб, юраги ҳаприқиб кетди. Бахтиқул Ужарга қаради. Кўҳна тоғ; оқ саллали бошини силкитиб, унга мадад тилагандай бўлди. Бахтиқулнинг томирлари таранг тортилиб, қўллари милтиқни жипс қисди.

Отлиқларнинг олди теракларга бараварлашиб қуриқ тошни тақир-туқур босиб ўта бошлади. Бахтиқул чуқур нафас олди-да, киприк қоқмай, соқол ўсиб кетган иягини муздай қўндоққа босди. Берданканинг оғзи совуқ бир хотиржамлик билан нишонга бурила бошлади.

Бахтиқулнинг қаршисидан оёқларини тетик ташлаб бир бўз йўрга ўтди. Унинг орқасича рўпарада таниш оқ ёл пайдо бўлди. Қаршидан отса, орқада келаётган кишига ҳам тегиб кетиши мумкин. Бахтиқул яна бир оз кутди.

Оқ ёл чиройли қадамлар билан теракларнинг тўғрисидадан ўта бошлади. Бахтиқул оҳиста тепкини босди. Унинг қулоғига варанглаган овоз кирмасдан бурун кўзлари тери пўстинда ҳосил бўлган тангадай тешикка ва ундан бурқ этиб чиққан кўкиш тутунга тушди. От ҳуркиб олдинга салчиди. Бўлисининг оғир гавдаси талпиниб бориб чалқанча қулади.

Бахтиқул унинг гурсиллаб ерга тушганини кўрар экан, дарҳол нагста сакради. Ҳой-ҳойлаб, бақириб-чақириб қолган товушлар ичида унинг қулоғига ёш аёлниинг чинқириб:

— Вой! Бахтиқул-у-ул!— деган фарёди эшитилди.

Бахтиқул беихтиёр инграб юборди. Тошдан-тошга ўтиб, қоқилиб-суқилиб тўқайга югурди. Оти қўйган ерида, қулоқларини диккайтириб, безовталаниб турарди. Бахтиқул ирғиб эгарга минди. От уни бир зумда қарағайлар орасига олиб кириб кетди.

Шунча вақтдан бери гавдасини тоғдай босиб ётган дард-алам худди шамол учиргандай йўқ бўлди кетди:

силкиниб, бошини кўтариб борар экан, йўлда учраган бир нотаниш отлиқни тўхтатди-да, совуқ кулиб:

— Мен бугун бир буғу отдим,— деди:

* * *

Бахтиқул авахтада.

Жарасбой ўлгандан кейин шаҳарнинг улуғи ва Жанис элининг бий-баёнлари ёпирилиб уни тутиш пайига тушдилар. Тоғ-дарага тўда-тўда одам юборилди. Киришга тешик қолдиришмади. Энди Бахтиқулнинг ўзи ҳам аввалгидай қочмади. Шундай қилиб, Қараш воқеасидан озгина вақт ўтгач, уни тутиб олишди.

Қўлга тушган кунни еган калтагининг тана ва бошидаги доғлари ҳали ҳам бор. Бу яралар энди қотиб, тузалиб келаяпти. Уша кунни Жанис элининг бўйни йўғонлари йигирма уйли Сарининг чангини осмонга чиқариб, ҳеч нарсасини қолдирмай олиб, Бурген ва Шалқар элидан ҳайдаб юборишди. Улар Қатшани ҳам болалари билан бадарға қилишди.

Бахтиқул авахта бошлиғига ялиниб юриб, катта ўғли Сейитни ёнига келтириб олди. Қатша шаҳардаги бир бой оилага хизматкор бўлиб жойлашди. Кичик болалари унинг қўлида.

Тортинчоқ, мулойим Сейит авахтадаги қозоқ ва рус маҳбусларнинг ҳаммасига ёқди. Маҳбуслар уни севиб-эркалаб, пешонасидан силаб, худди ўз боласидай яқин кўриб қолишди.

Афанасий Федотич деган бир рус маҳбус қоғоз-қалам топиб, мулла Юнусга ўхшаб уни ўқита бошлади. Камгап, тортинчоқ Сейит унинг сўзини индамай тинглар, ёрилиб ўзлигича ҳеч нима деб гапирмас эди. Баъзан қоғозга қараб ўтириб оғир хўрсиниб қўяр, баъзан эса ўзидан-ўзи овоз чиқармай йиғлар эди. Усиб келатган зийрак бола бошига тушган кулфатнинг зўрлиги, ноҳаяқлик эканини сезарди.

Дадасини ушлашибди деган дарак чиқиб, ойиси: «Бечора отангни энди ўлдиришади!» деб йиғлаганда, Сейит оёғи ерга тегмай бўлисникига борган эди. Шундан буён дадасини қутуриб урган Сарсен, Қўқишлар унинг кўз ўнгидан кетмас эди. Тушида уларнинг даҳшатли юзларини, ҳавода учган чўқмор-қамчинни, дадасининг юзидан шовиллаб оқаётган қонни кўрарди.

Кейинги кунларда у кўп алахлайдиган, тушида қаттиқ-қаттиқ гапириб чўчиб уйғонадиган бўлиб қолди.

Бахтиқул авахтада ўғлини эркаламас, илиқ гапириб, пешонасини силамас эди. Лекин бир кун кечқурун узоқ ўйлаб ўтирди-да: «Сейитжон, бу ёққа кел!» деб ёнига чақириб олди. Худди уни ҳидламоқчи бўлгандай, қучоқлаб юзини-юзига босди-да:

— Менинг сенга айтадиган ота насиҳатим ўқишдан бош кўтарма,— деди.— Сени одам қилса фақат шу ўқиш одам қилади. Бўлмаса, кўрдингми, мени нима қилишди, бунинг ҳаммаси менинг ўқимаганимдан бўлди..

— Айб сизда эмас!— деди Сейит.— Сизга улар осилишди!.. Улар!..

Сейит ўпжаси тўлиб, гапиролмай қолди.

— Уқсанг, кўзинг очилади,— давом этди Бахтиқул бўғиқ товушда.— Менга теккандай, кейин сенга тегишолмайди. Бор кучингни ўқишга бер! Менинг сенга айтадиган гапим шу. Бундан бошқа сенга берадиган ақлим ҳам, ҳунарим ҳам йўқ.

Бахтиқулнинг кўзидан ёш томчилади. У Сейитни аста итариб, ўзидан ажратди-да:

— Бор, энди ўқишинга бор!— деди.

Боланинг жароҳатли кўнглига отанинг сўзи малҳамдай таъсир қилди. У энди йиғламайдиган, тушида гапирмайдиган бўлди. У ўқишга яна ҳам қаттиқроқ берилди.

Афанасий Федотич жуда хушчақчақ одам эди. У Сейитни ўқитиш билан бирга, суратли китоблар кўрсатиб, уни овулар, ҳовлига олиб чиқиб ўйнатар эди. Чойни ҳам иккови бирга қайнатарди.

Бир кун у тўсатдан Сейитга.

— Қалай, сеники овулар соғинадими?— деб сўраб қолди.

Сейит:

— Йўқ!— деди.

— Нега? Авахта яхшими?

Сейит унинг тиниқ кўзларига тикилиб:

— Овулардан авахта яхши,— деди.

Уларнинг суҳбатини эшитиб ётган Бахтиқул: «Айланай бўтам-эй! Ёш бошинг билан шу кунларни кўрддинг-а!» деб инграб, ағдарилиб тушди.

Афанасий Федотич Сейитни кўтариб қучоқлаб ол-

ди-да, ёнида житоб ўқиб ётган кекса рус маҳбусга қараб:

— Нима дейди бу? Овулдан авахтани ортиқ дейди-я? Овул... ўйлаб кўринг, бу ... бу даҳшат-ку!— деб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ўқишга ихлосманд бола шу йўсинда авахтада келажакка ишонч, умид билан кун кечирарди. Отаси эса суд ҳукмини, каторгага юборишларини кутарди.



Қаҳратон қиш ўрталари. Туш пайти. Осмонда зарра булут йўқ, ёз кунидек чароғон-у, бироқ ҳаво изғиринли совуқ.

Ерда ҳали қор бор. Уч-тўрт кундан бери чўзилган аёз ҳали ўз кучида. Кун чиқишдан эсан изғирин юзингни чимчилагандай бўлар, аъзойи баданингни музлатар эди.

Ерли халқнинг кўпчилиги қозоқлар бўлган Сибирнинг кичикроқ бир шаҳари қаҳратон қишнинг оппоқ либосига ўралган. Ҳамма уйларни қор босган, баъзи кичкина уйларни бутунлай кўмиб юборган. Кўча юзидаги қорлар одамларнинг оёғи остида топталиб силлиқланган, босган сайин гарч-ғурч қилади.

Бу шаҳар Сибирдаги катта сойлардан бирининг бўйига жойлашган бўлиб, бинолари бетартиб тушган, кўримсиз шаҳар эди. Марказигина сал тузук. Бунинг устига қозоқларнинг шаҳар четидаги ержапага ўхшаш пастак-пастак кўримсиз уйлари шаҳар ҳуснига доғ бўлиб тушган эди.

Шаҳар ўртасидаги бозорга олиб борадиган Земская кўчасида бугун негадир одам кам кўринади. Фақат аҳён-аҳёнда у-бу нарсаларни орқалаб бозорга кетаётган битта-яримта йўловчилар, олиб сотарларгина учрайди.

Баъзида чанасини шиқирлатиб, унга қўшилган туясининг бўжисидан ушлаб олиб «чўҳ-чўҳ» лаб қишлоқдан келаётган савдогарлар учраб қоларди.

Бир оз вақт ўтгач, кўчанинг қуйи томонидан бозорга келаётган бир чана кўринди. Чанадаги одам шу шаҳарда ишлайдиган ўқимишли йигитлардан бири — Мейирхон эди.

Чана бозорга яқинроқ жойдаги дарвозаси кўк бир уй ёнига келиб тўхтади. Мейирхон чанадан тушди-да, ҳалиги уйга қараб тез-тез юриб кетди. Унинг бундай шошилиш келганига, авзойига қараганда, бу уйда бир гап бўлганга ўхшайди. Мейирхон даҳлизга кириб эшик тутқичини ушлаганида эшик очилиб, ичкаридан бир ёшгина аёл чиқди.

Яхши кийинган бу аёл негадир хафа кўринарди. Гўё қаттиқ чарчагандай чеҳраси сўлғин, қора кўзлари киртайиб, киприклари намланган. Мейирхон бу аёлни кўриб тўхтаб қолди:

— Нима бўлди, Хадича? Нега бунча хафасан?

— Билмадим, тузаладими йўқми?— деб жавоб берди Хадича хомуш.— Борган сайин аҳвол оғирлашиб кетаётди. Эрталаб сизни «чақириб кел!» дегандан кейин, атайлаб киши юборган эдик.— У кўзига ёш олиб ерга қаради. Мейирхон уни юпатган бўлиб бир-икки оғиз сўз айтди-ю, уйга кирди. Чоғроқ, икки хонали уйнинг нариги бўлмасида, баланд тўшак устида Мақсуд инқиллаб ётарди.

Ёноқ суяклари туртиб чиққан, рангида қони йўқ, кўзлари қонталашиб кетибди. Бир чимдим қора мўйлови, қайрилма қора қошн, орқасига таралган сочи худди ёпиштириб қўйгандай, лаблари иситмадан қовжираб оқариб кетган.

Ориқ, дармонсиз, дир-дир титраган қўллари билан танасини ҳадеб сийпалар эди. Қўллари сарғайиб, тирноқлари эса кўкариб кетган.

Мейирхон ўртоғини бу оғир аҳволда кўриб нима қиларини билмай, унинг ёнидаги стулга келиб оғир чўқди. Гўё улар бир-бири билан қучоқлашиб кўришгандай, бирпас тикилишиб ўтиришгач, Мейирхон Мақсуднинг ҳол-аҳволини сўрай бошлади.

Мақсуд жавоб берар экан, паст, бўғиқ товушини сал кўтармоқчи бўлиб ҳарчанд уринмасин, барибир чамаси келмади: унинг нима деяётганини тушуниш қийин. Ме-

Йирхон энгашиб тингласа ҳам барибир ҳеч нарса тушуна олмади. Бир оздан сўнг Мақсуд довдираб, алаҳлай бошлади. У ҳадеб ўз ишлари, дарс бергани, тарбия қилган қозоқ болалари ҳақида гапирар эди. У беҳол ётаркан: «Болалар... етим бола... ўз бурчимни оқлаёлмадим... мана энди...— дерди у қорнини силаб,— ҳаётим қил устида турибди... Мени койитманглар. Менда гуноҳ йўқ...— деди-да, кейин яна гапидан адашди.

Мейирхоннинг кўзлари ёшга тўлди. Қани энди оғзига тасалли берувчи бирор сўз келса-чи. Хаста дўстининг кўнгли учун айтган: «Тузалиб кетасан, ўлимни ўйлама!» деган сўзалари ҳам таъсирсиз чиқди.

Бир оздан кейин уйга Мақсуднинг онаси билан хотини Хадича кирди. Хадича кичкина қизини кўтариб олган. Иккаласининг кўнглида ҳам умид билан умидсизлик курашиб, қайси бири енгиши маълум эмасдек, юзларида ҳайронлик, ишончсизлик аломати бор эди. Ёлғиз ўғли — Мақсуддан бошқа суянчи, ишончи бўлмаган шўрлик онанинг кўкси ғам-ғуссадан тарс ёрилгудай, кўзларидан дув-дув ёш тўкилади, у гўё мадад сўрагандай Мейирхонга термилиб қарайди. Мейирхон уларни ҳам юпатган бўлди. Аммо бугун эрталаб касални кўрган докторнинг: «Энди даволаб бўлмайди, одам бўлиши қийин!» деган сўзи иккаласининг ҳам умидини узиб қўйган эди.

Ҳали онаси уйга кирганда Мақсуд унга бир оз қараб ётди-ю, кейин чидаёлмай кўзларини юмиб, девор томонга ўгирилди. У қариндош-уруғеиз яккаю ёлғиз қолаётган шўрлик онасини ўйларди. Бир оздан сўнг Мақсуд онасига ўгирилди-да:

— Бошқалар майлику-я, сенга қийин, сенинг ҳолинг нима кечади онажон? Сени кимга ташлаб кетаман!...— деди ёш боладай йиғламсираб, кейин яна тескари ўгирилиб ётди.

Онаси ҳўнграб йиғлаб юборди. Хадича ҳам сал-пал кўз ёши қилган бўлди.

Шу алпозда бир оз вақт ўтгандан сўнг эшик очилиб уйга Мақсуднинг ўртоқлари: Жумағул, Оқтойлар кирди. Булар ҳам, фақат сурати қолган хаста дўстини кўришгандан кейин, бир оз ҳол-аҳвол суриштирган бўлди-да, индамай ўтириб қолишди. Мақсуд ҳамон девор томонга қараб ётаркан, бошини бурмай деди:

— Хадича... ўлмайди.. Онажон, уни сен туғмаган-

сан... унинг бой ота-онаси бор... ҳеч бўлмаса шуларнинг олдига боради... ҳали у ҳам семи қанча куйдиради..

Йиғидан энди тинган онаси:

— Нега ундай дейсан чирогим? Елғизим...— деб аччиқ-аччиқ йиғлай бошлаган эди, Мақсуд ҳолсиз шивирлади:

— Онажон, йиғлама, нариги уйга чиққин, кўз ёшнинг юракларимни эзиб юборди.

Мейирхон билан бошқа йигитлар кўкси пора-пора бўлаётган кампирни юпата бошлашди.

— Йиғламай, кампир, касал қийналади... нариги уйга чиқиб тура туринг...

— Елғизим, ётақол... кўрар кўзим, сўзлар сўзим ётақол... Мен чиқиб кетай,— деб кампир оғир хўрсинди-ю, аста оёқ учида юриб чиқиб кетди. Индамай турган Хадича ҳам онасининг орқасидан чиқди.

Кўнгли бўш Мейирхон қаттиқ изтироб чекар эди. Шўрлик кампирнинг келажак тақдири унинг кўз олдидан бир-бир ўта бошлади: «Мақсуднинг ўлиши аниқ, кампирнинг ожиз, сўққабош бўлиб қолиши ҳам турган гап. Бироқ мана бу ёш хотин эрининг ҳурматини қилиб, бу уйда турармикан? Албатта турмайди. Бунинг устига у шаҳарда ўсган қиз. Бировнинг этагини ушлаб кетади-қолади...»

Бу каби турли ўй-шубҳалар кўлга чўзилгани йўқ. Қасалнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб, худди чиродай аста-секин сўна бошлади. Бир куни тушга яқин унинг нафаси қисилиб, хириллай бошлади, ҳеч мажоли қолмади. Энди у қимир этмай кўзларини зўрға очиб-юмиб ётар эди. Тепасида турган дўст-ёрлари, таниш-билишлари, энди бунинг одам бўлиши қийин деб умидларини узишган маҳалда, Мақсуд яна кўзларини очди. Тақдирга тан берганлиги кўз қарашидан шундай сезилиб турарди.

У ўз ҳолини тушунолмай:

— Мен борманми... йўқманми?...— деб шивирлади ва кўзларини қайта юмди. Қасалнинг қўл-оёғи совиб, кўзлари чала юмилиб, бир нуқтага тикилганча қотиб қолди. Оғзи юмилмай тишлари кўришиб, юзига ўлим тамғаси босила бошлади. Ҳадемай у жон берди.

Уй ичида йиғи-сиғи кўтарилди. Кампир ҳолдан тсйиб йиқилди. Мейирхон, Жумагул, Оқтойлар ҳам ўз дўстларидан жудо бўлганларига қаттиқ куйдилар.

Одамлар ўша куннѐқ Мақсуднинг ўлиmidан хабар топди. Дўст-биродарлари, ганиш-билишлари, хуллас шаҳарнинг ҳамма зиѐлилари чин кўнгилдан таъзия билдиришди. Ҳамма ҳам:

— Энг олижаноб, асл йигитлардан эди. Бечоранинг онасига қийин бўлди!— деб ачинишди.

Эртасига Мақсуднинг жанозасига жуда кўп одам келди. Улар ўз дўстлари билан сўнгги марта видолашгани желгандилар. Ҳаммаси гамгин, ҳаммаси мунгли.

Бир оздан кейин одамлар мурда солинган тобутни кўтаришиб гўристонга йўл олишди. Улар тобутни аввалдан тайѐр қилиб қўйилган қабр олдига олиб келиб қўйишди; кўп ёшлар мазор бошига келолмай, бир четда туришди. Фақат домлаларгина мазор бошида иверсиб юришар, улар ўз хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг кўзига балодай кўринар эди. Улар мурда устига ёпилган чопон, тобут атрофига ўралган сурпни талашшарди. Бир оз ўтгандан сўнг оқ кафанга ўралган Мақсудни лаҳатга солдилар. Кейин лаҳат оғзини кесак билан бекитиб, унинг танасини термилган кўзлардан яшира бошладилар.

II

Кунлар ўтди, ойлар ўтди, ѐз желиб олам яшариб кетди. Яшил либос ёпинган дарахтлар майин шабадада тебранар, япроқлар шитирлар эди.

Бутун жон-жониворлар уйғонган, қушлар гўѐ гўзал табиатни мадҳ этгандай чарх уриб сайрашади. Одамларнинг ҳам кайфи чоғ, аммо Мақсуднинг уйи бу себинчдан маҳрум. Азадор кампирнинг юзи сомондай сарғайган. Кампирнинг оҳ-воҳи оламни ўртаб юборгудай. Еш Хадича гам-кулфат ва тирикчиликдан қаттиқ эзilib қаддини ростлаѐлмас эди.

Ҳозир у ўзини анча ўнглаб олган. Пугурдан кетиб, қулай деб турган ѐлғиз, эгасиз уй ҳам, ўғлининг дардида адойи тамом бўлган кампир ҳам Хадичани унча ташвишлантормас эди. Унинг қўлини ипсиз боғлаб турган нарса Мақсуддан қолган қизчаси Жамила эди. Жамила кампирга ҳам, Хадичага ҳам эрмак эди.

Мақсуд ўлгандан кейин Мейирхон бу уйга кам келадиган бўлиб қолди. Мақсуднинг дўст-ѐрларидан Жумағул билан Оқтойгина бу уйга тез-тез келиб туришар-

ди. Улар дастлабки кунлари таъзияли уй-ку, деб бир оз тортинишиб туришса ҳам, бора-бора кўникишиб тортинмасдан гаплашадиган, ҳатто ҳазил-ҳузул гаплар билан Хадичанинг кўнглини кўтарадиган ҳам бўлишди.

Айниқса, сўнгги кунларда Жумағул ёлғиз келади-ган, қизиқ-қизиқ гаплар айтиб Хадичанинг кўнглини кўтарадиган бўлиб қолди. Ичидан пишган, сўзида чинидан кўра ёлғон кўп Жумағул марҳум дўсти Мақсудни тилга олмайдиган, кўпинча ўзи тўғрисида, кўрган-билганлари ҳақида гапирадиган бўлиб қолди. У фақат кампирнинг олдидагина Мақсуд ҳақида гапирарди. Шундай қилиб, кампирнинг кўзига «яхши бола» бўлиб кўрина бошлади. Хадича ҳам Жумағулга алоҳида эътибор бера бошлади: унинг гап-сўзлари мойдай ёқадиган бўлиб қолди. Фақат қора кийиб юрса ҳам дарди аллақачон эрдан чиқиб кетганди. У кечалари негадир ухлай олмас, ғам-алам ўрнини аллақандай умид учқуни қоплагандай бўларди. У ўтмишини эмас, кўпроқ желажагини ўйлайдиган бўлиб қолди, кўнгли бу уйдан аста-секин совий бошлади. Узини бутун ширин орзу-умидлари пайҳон этилиб, қафасга тушиб қолган одамдай ҳис этарди. Буларнинг ҳаммаси яқинда бўладиган катта ўзгаришнинг муқаддимаси эди.

Бир кун Мейирхон ишдан қайтиб келиб, ўрнида дам олиб ётган эди, ёшгина, қозоқча кийинган бир йигит кириб келди-да, қўлига кичкина бир хат топширди. Мейирхон хатни очиб ўқиди:

«Дўстим Мейирхон!

Эртага соат ўн иккида марҳамат қилиб тўйимизга кел. Эшитгандирсан, мен Хадичага уйланадиган бўлдим. Тақдир экан, нима ҳам қилардим.

Жумағул».

Мейирхон ҳайрон бўлиб қолди. Кўзларига ишонмай хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Хат олиб келган йигит чиқиб кетди. Мейирхон худди бошига тош келиб теккандай, гаранг бўлиб уй ичидан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин ўтириб хат устига: «Бормайман. Тўйинг қурсин!» деб қисқа қилиб ёзди.

Эртасига Мейирхоннинг олдида тўйга кетаётган икки дўсти кирди. Иккаласи ҳам олифта кийинган, атир сепган, кайфлари чоғ эди. Мейирхон уларга: «Бормаслик керак. Ахир бу дўст кишининг иши эмас-ку! Кечagina Мақсудни кўмиб келиб, бугун марҳумнинг хотини

билан Жумағулнинг тўйига бормоқчимисиз» деган эди, жўралари кўнмади. Улар: «Кўй-э, сен ҳам идеалист бўлиб кетибсан. Нима бўлди, борамиз, тўйгунимизча овқат еймиз, қиттак-қиттак отамиз...» деб Мейирхоннинг оғзини очирмади. Хуллас, улар Мейирхонни ўзлари билан олиб кетишди.

Тўй айна қизиган. Жумағул билан Хадича ҳеч гап бўлмагандай яшариб кетган. Тўйга желган одамлар ҳам гўё ҳеч гап ўтмагандай, икки ёшга чин юракларидан бахт-саодат тилашиб, қадаҳлар кўтаришмоқда. Одамлар қиттай-қиттай ичишиб сал қизиб олишгач, қий-чув, шеърхонлик, ўйин-кулги бошланди. Сал кайф қилган Мейирхон ҳам ўрнидан турди-да, қўлидаги қадаҳни баланд кўтариб:

— Мен Мақсуд учун ичишларингни илтимос қиламан. Яшасин Мақсуднинг руҳи!— деди.

Баъзилар бу гапга кулди. Жумағул билан Хадича ҳам уларга қўшилиб кулишди. Баъзи одамлар эса ҳеч нарсага парво қилмай устма-уст қадаҳ кўтаришарди. Кимдир Мейирхонни «жим ўтир!» дегандай туртиб, ўтқазиб қўйди. Бу — Мейирхоннинг дўстлик бурчини ўтагани эди...

Орадан бир-икки кун ўтгач, Жумағул билан Хадичани қайнатаси Қўндибой бола-чақаси билан бирга яйловга кўчириб олиб кетди. Жумағулнинг дўст-ёрлари яйловга тез-тез чиқадиган бўлиб қолди. Уч от қўшилган извош Қўндибой дарвозасидан кўнғироғини шалдира-тиб чиққанда, Жумағул қаршидаги марҳум Мақсуднинг уйига суқланиб қаради.

Буни кўриб Мақсуднинг бечора онаси икки кўзидан ёш оқизиб, тиззаларининг дармони қуриб ўтириб қолди. Извошни кузатиб қолган йигитлар тўп-тўп бўлишиб, ҳазил-ҳузул қилишиб, кулишиб, бу ғариб уй дарвозаси олдидан ўтиб кетишди...

III

Май ойи. Атроф ям-яшил майса. Табиат ҳуснига яна ҳусн қўшилган. Ўтган йилгидан қолган қуруқ чўплар онда-сонда кўзга ташланади. Уларни янги ўт-ўланлар кўмиб кетган. Яшил гилам каби майсазорда қип-қизил бўлиб очилиб турган лолақизғалдоқ кишининг баҳрини очади.

Тоғ бағридаги сой, ўзанларнинг атрофи ҳам кўм-кўк. Сой ёқалаб экилган яшил дарахтлар, суви тошиб, кўпириб, шарқираб оқаётган шўх сой, ўт-ўлани тиззадан келадиган яшил майсазор, шу атрофда учиб-қўниб юрган турли қушлар — ҳаммаси, ҳаммаси бу теварак-атрофга худди янги тушган келинчакнинг уйидай зеб бериб турарди.

Бу йил сув ҳам мўл. Қаршида ойнадай ярқираган кўл кўзга ташланади. Унинг бўйида қўйлар, қорамоллар, йилқилар ўтлаб юрарди. Туш пайтларида овул ўтовлари узоқдан худди тухумдай бўлиб кўринар эди. Чингиз тоғидан яйловга кўчиб келган овуллар ғоят кўнгилли, нашъали эди.

Қишдан бақувват чиққанлигидан кўк майсага оғзи тегиши билан семирган от-айғирлар, биялар ҳозир миниб юрилибди. Икки-уч кишининг боши қўшилиб қолса, дарров ким ўзди ўйнашар, бир-бирини от устидан ағдаришар, отининг, ўзининг кучини синаб кўришарди. Кўчиб келишлари билан овул каттаконлари: «Қулунлар бўлса етилиб қолди, яйловга қимизсиз борсак уят бўлар, энди бияларни боғлаб соғиш керак»,— дейишди. Шундан кейин бияси бор овуллар ип эшиб, нўхта, саба¹ тиктира бошлади. Жумагул овули ҳам шу ишга киришди. Аммо Жумагулнинг онаси Қамария ёш куниданоқ бундай ишларга пишиқ, саранжом, қаттиққўл аёл бўлганидан ҳаммасини бирпасда тахт қилиб қўйди.

Шунинг учун ҳам Амира оқсоқол бугун овул атрофидаги кўк майсага бияларини бойлай бошлади. Бу ерда овулдаги қўшнилари, баъзи бир камбағалларни демаса, ўзга овуллардан келган ёт одамлар йўқ. Амира оқсоқол ортиқча харажатни ёмон кўрадиган одам. Унинг бу одатини биладиган узоқ-яқиндаги оғайнилари бу пайтларда кам келарди.

Бутун қиш бўйи арқон кўрмай асов бўлиб қолган отлар, қулунлар, бияларнинг бир жойда турмай ҳар томонга ирғишлаб кетиб қолаверишини кўриб Амира оқсоқол: аввало бияларнинг қулунини ушлаб боғланглар, деб буйруқ берди.

Абжир йилқичилар бир-бирига суркалишиб, тўпланишиб, отлар орасида юрган қулунларни сиртмоқ билан тез-тез тутишар, ёш асов қулунлар йилқичи сиртмоғига

¹ От терисидан қилиниб, қимиз қуядиган катта меш.

қандай тушиб қолганини билмай типирчилар, кишнашар эди. Баъзи бир сиртмоқ кўрмаган асов қулунлар сиртмоққа илинганда осмонга сапчиб чинқирса ҳам, йилқичининг миқти қўлларидан чиқиб кетолмасди. Амира оқсоқол ҳар қулун йиқилганда бир марта «бисмилло» дер, йилқичига «эҳтиёт бўл, тағин майиб қилиб қўйма!» деб тайинларди.

Ҳамма биялар бойланиб бўлгач, хотин-халажлар овул одатига кўра уйдан қурт, ёғ олиб чиқишди.

Амира оқсоқол уюр-уюр бўлиб юрган айғирларни тутдириб, сағриларига қатиқ чаплатиб, одамлар тўпланган жойга келди. Қари-қартанглар, ёш-яланглар ҳалиги хотинлар олиб чиққан қурт, ёғларни талашиб-тортишиб ейишарди.

Шу аллозда бир оз вақт ўтгач, одамлар бир-икки кун илгари эшитишган гаплари ҳақида сўз очишдилар. Жумағулнинг шаҳарда уйланганлигини гап қилишди. Ҳали булар аниғини билишмасди. Шундай бўлса ҳам қўшни овулларга келган шаҳарликлар: «Жумағул шаҳарлик Қўндибойнинг қизига уйланибди. Мол-дунёси кўп эмиш, илгариги эри ўлган экан, ундан қолган ёлғиз қизни ҳам Жумағул ўз қўлига олибди. Ўлган йигитнинг ёлғиз онасидан бошқа ҳеч кими йўқ экан, у анча бадавлат йигит бўлган экан. Шаҳарда данғиллама уйи ҳам бор экан. Энди ўша йигитдан қолган мол-мулкка Жумағул эга бўлса керак, деган гап-сўз бор. Келиннинг отаси Қўндибой, эридан қолган ҳамма мол-дунё қизимники бўлиши керак, деб гапнинг учини чиқариб қўйибди. Шундай қилиб, қарабсизки, Жумағулингиз бир кундаёқ бой бўлади-қолади» — деган хабарлар Амира оқсоқол билан Қамариянинг қулоғига эшитила бошлаганиди. Чолкампир бу гапларга ич-ичидан хурсанд бўлиб, ёт кишиларга:

— Ҳа, бойнинг қизини олса олибди-да, ўғлимизни ўқитганда, чол-кампирнинг топганини сарф қил, деб ўқитганмидик? Мол топ, қартайганда бизни боқ, деб ўқитганмиз. Шу кунгача бир тийин топгани йўқ. Энди қачон фойдаси тегади бизга! Бундан кейин ҳам ишлаб мол топмаса, уйга киритмаймиз, деб юрган эдик. Шунини эшитган бўлса керак, — деб важ қилишарди. хўжа кўрсинга.

Йилқи боғланган жойда тўпланишган одамлар:

— Жумағул бир-икки кундан кейин аёли билан келди, улар келгунча қимизни боплаб қўйиш керак. Улар

бу гал фақат меҳмон бўлиб кетсалар керак!— дейишса, баъзи бировлар:

— Анови марҳум йигитнинг мол-дунёсига эга бўлиб ўтирган кампирни ҳам ола келишса яхши бўларди. Энди кампирга дунё керакмас. Энди унинг иссиқ-совуғига қараб турадиган одам бўлса бас,— дейишарди.

Қамария шу гапдан кейин кўпдан бери дилида сақлаб юрган гапини айтиб солди:

— У кампирга менинг боламдан ортиқ бола топи-лармикан? Қўлимда турсин деса, ана Жумағул бориб турсин, йўқ демайман. Агар у кампирнинг ақли бўлса Жумағулни энди бағрига босиши керак...

Кампирнинг бу гапини кўпчилик ўртасида айтганини Амира оқсоқол ёқтирмади. Шунинг учун ҳам у Қамариянинг сўзини бўлиб:

— Қўй, қаёқдаги гапларни гапирма, хотин. Худонинг кўрсатгани бўлар!— деди у.

Дала одатига кўра, одамлар ҳамма гапни ўртага ташлаб, Амира оқсоқол билан Қамариянинг ҳатто бири-бирдан сир сақлаб юрган нарсаларини ҳам билиб олишди. Улар бой-бадавлат болани кўз олдига келтирдилар. Бироқ рўзгорнинг кўзини биладиган Амира оқсоқол уларнинг мақташларига ҳам, хушомадлик билан айтган гапларига ҳам учмади. У ҳеч сир бой бермай, одамларнинг гапини индамай тинглаб ўтирар эди.

Одамлар алламаҳалгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди-да, кейин секин уй-уйларига тарқала бошлашди.

Орадан бир неча кун ўтди. Қош қорайиб қолган пайт эди. Амира қудуқ бошида отларини суғориб, жануб томондаги яйловга ҳайдар, овул атрофида ёйилиб юрган қўзилар тинмай маърашар, Қамария бўлса сут соғувчи аёлларга нималарнидир буюрарди. Шу маҳал қўзи боқадиган бола унинг олдига югуриб келиб:

— Суюнчи беринг, опа, суюнчи! Жумағул акам келдилар!— деди.

Унинг келишини интизорлик билан кутаётган овул одамлари бу хабарни эшитиб, югуриб қолишди.

Елиб-югуриб хотинлар ҳам, чувиллашиб, сакрашиб ўйнаб юришган болалар ҳам, ҳалиги хабарни қудуқ бошида эшитиб бу ёққа келаётган қариялар ҳам, ҳамма Жумағулнинг келишидан жуда хурсанд эди. Овулнинг ҳамма катта-кичиклари Амиранинг эшиги олдида тўпланиб туришганда, узоқдан жадал келаётган қўнғироқли

извош кўринди. Извошчи йигит одамларнинг пешвоз чиққанини кўриб отларни яна ҳам қистади. Извош овулга яқинлашиб қолди. Ҳадемай у Амира уйининг олдига келиб тўхтади. Меҳмонлар извошдан тушишди. Яқин қариндошлар Жумағулнинг юзидан ўпиб кўришди. Хотин-халажлар дарров Хадичани ўраб олишди, Қамарияга ўхшаган ёши ўтганлари унинг юзидан ўпиб кўришди. Меҳмонлар билан бир оз ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳаммалари уйга киришди. Уйда ҳам ҳол-аҳвол сўрашиш, ҳазил-ҳузул гаплар давом этди. Ҳамманинг севинчи ичига сифмайди. Одамлар бир-бирига меҳри қониб, яқинлашиб, кўниккан сайин, янги келган меҳмонлар билан овул ёшлари ўртасида қандайдир бир фарқ борлиги сезилгандай бўлди.

Овулга келиш олдидан яхши, озода, енгил ёз кийимлар кийиб олишган ёшлар худди шаҳарликларга ўхшарди. Ҳатто Жумағулнинг гапида ҳам «сиз, биз» каби сўзлар кўпайиб қолганди, унинг бу муомаласи эса овул одамларига ёт туюлар эди. Бу нарса айниқса, келиннинг муомаласида аниқроқ сезилиб турарди. Унинг қайнатаси, қайнанаси билан «саломатмисиз, яхшимисиз?» деб кўришиши, уйга кириши билан тўрга чиқиб, эрининг олдига ўтириб олиши, у билан шивир-шивир гаплашиши яйлов ҳаётига сира ҳам тўғри келмайдиган одат эди. Келин аслида ўқиб, таълим олиб, ўқимишли кишилар билан бирга юрмаган бўлса ҳам, шаҳарлик ўқитувчининг хотини бўлганидан юзи очилиб, ҳар бир нарсада ўша ўқимишлиларга тақлид қилар эди.

Овул ёшлари унинг бу одатига унчалик парво қилишмаса ҳам, қариялар бунга дарров эътибор беришди.

Бу хил нарсаларни илиб оладиган аёллар ташқарига чиққанда бир-бирлари билан шивирлашиб, қиқирлашиб кулиша бошладилар. Уйдаги баъзи эркаклар бунга сезишса ҳам ўзларини сезмаганликка солишиб, сир бой беришмади. Баъзилари кулган хотинларни койиган бўлиб, ҳазил-ҳузул билан ўзларининг ҳам кўнглидагиларини билдириб қўйишди. Бу аҳволни унча-мунча бўлса ҳам сезиб ўтирган Амира кўнглига бир нима келгандай, индамай қолди. Қамария бўлса, уларнинг келажагини ўйлаб, ҳозирги майда-чуйда гап-сўзларга парво қилмай, Жумағулнинг атрофида парвона бўларди.

Лекин кўп ўтмай улар бир-бирларининг кўнглини топиб, ота билан бола, келин билан қайнана апоқ-чапоқ

бўлиб кетишди. Баъзан нш масаласида улар бир-бирини, ҳатто имо билан ҳам тушунишадиган бўлиб қолишди. Қизиқ, уларни бир-бирига шунчалик тез яқинлаштирадиган нарса нима? Ҳозирги кунда уларнинг олдида кўндаланг турган масала — мол-мулк масаласи. Бу масалада эса ҳаммасининг ҳам ўй-фикри бир жойдан чиқди. Ҳамма гап шунда. Молпарастликка, хасисликка, қаноатсизликка, инсофсизликка келганда келин қайнанасидан, гарчи ўқимишли бўлса ҳам, йигит отасидан қолишмасди. Шундай қилиб, ўқимишли одам билан ғирт оми одамларни бир-бирига яқин қилган, уларнинг бошини қўшган нарса — мол-дунё. Энди уларнинг ўртасидан қил ҳам ўтмайди, ҳеч нарсани бир-биридан сир сақлашмайдиган бўлишди.

Қамария якки сўзининг бирида:

— Чиқимимиз кўпайиб кетяпти, кампир-чолнинг қўлидаги моллар соб бўляпти, энди бизни боқадиган маҳалларинг бўлди. Энди қаердан бўлса ҳам мол топишнинг ҳаракатини қилинглари!— деб ўғли билан келинининг қулоғига қуя бошлади.

Келини олиб келган буюм — жиҳозлар дастлаб унинг кўзига ўлжа кўринса ҳам, бир оз вақт ўтгач, буларни эсидан чиқара бошлади.

Энди ҳаммасининг дарди — шаҳардаги Хадичанинг илгариги қайнанаси қўлида қолган мол-мулкни қўлга киритиш эди. Жумағул билан Хадича илгари бу ҳақда кам гапиришса ҳам, энди яйловга келгандан кейин ўша мол-мулкни ундириш пайига тушиб қолишди. Қамария ҳам ўғли билан келинининг бу масалада бўш келмасликларини билиб, ундай қил, бундай қил, деб ақл ўргатишни қўйди. Бироқ унутиб кетишмасин, деб кампир уларнинг эсига солиб турарди. Буни очиқ айтишнинг иложини топмаса у:

— Дунёга қачон эга бўласан, қизалоғим! Биз қариларга қачон ёрдамнинг тегади? Уша ёмон бувингнинг қўлидаги молни бориб тортиб олмайсанми?— деб гўё Мақсуддан қолган кичкина Жамилага гапирган бўларди-ю, аслида эса Жумағул билан Хадичанинг миясига қуярди. Амира бўлса мол топишнинг бошқа бир йўлини ахтара бошлаган эди. Овулда ўзи билан тенгдош Жонғози деган бир катта бой бор эди. Уша бойга Жамила ёқиб қолиб, бир куни у даладан бирга келаётган Амирага деди:

— Мана бу қизни ўтган йили туғилган кенжа ўғлимга унаштириб қўяй, ўғлингга айтгин-чи, нима дер экан?

Амира буни маъқул кўриб, Жумағулга айтган эди, у:

— Ҳозирча бундай гапларнинг ўрни эмас. Ундай қилсак мен биратўла ёмон отлиқ бўламан. Эртага у кампирнинг олдига бориб, шу етимчани йиғлатмайман, ўз фарзандимдай тарбия қиламан, агар берсангиз мана шу етимчанинг ҳақини берасиз, демоқчиман. Бир томондан қизни баҳона қилиб кампирнинг мол-мулкини олсаг-у, бир томондан қизчани сотмоқчи бўлсак, ахир эл-юрт нима дейди? Уят эмасми?

Амира Жумағулнинг ҳозирча кўнмаслигини билиб, ноилж рози бўлди. Шундай бўлса ҳам:

— Одамлардан яхшилик чиқармиди? Сенинг бойиганингни кўриша олмайди. Одамларнинг гап-сўзи деб улушингдан қуруқ қолиб юрма тағин. «Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури» дейишади,— деб ўғлига панд-насихат қила кетди. Бироқ унинг бояги нияти ушалмади. Энг кам бир йилча сабр қилишга тўғри келиб қолди.

IV

Ешлар яйловга келгандан бери икки-уч ой ўтди. Ёзнинг ярми кетиб, одамлар пичан ўра бошлаган, қиш гамини ея бошлаган, даладаги ўт-ўланлар сарғайиб, ёзнинг файзи кетган эди. Яйловдаги қўниш жойлар, мол суғорадиган қудуқ атрофларининг чанги чиқиб ётибди. Одамлар бошқа жойларга кўча бошлади. Амира оқсоқолнинг овули ҳам кўпчилик билан бирга тоғ бағрига қараб кўчиб келишяпти.

Жумағул билан Хадича бу йил ёзда яхшилаб дам олганларидан жуда мамнун.

Улар шаҳардан озиб, ҳориб келган бўлсалар, ҳозир иккаласи ҳам анча тўлишиб, очилиб кетган. Бунинг устига, овул одамлари орасида обрўлари ошиб, ўйинкулгидан, меҳмондорчиликдан бошлари чиқмади. Мана энди даланинг ана шундай файзли кунлари ҳам тугаб қолди. Энди улар шаҳарга кетиш тўғрисида гапни бир жойга қўйиб, яқин кунларда жўнаб кетишмоқчи эди.

Бир куни кечқурун, йўлга чиқиш олдидан оила аъзоларининг кичкинагина кенгаши бўлди.

Тоғ бағрига кўчиб келаётган одамлар бир жойга қўнмоқчи бўлишди. Фир этган шабада йўқ, осмон тиниқ, ойдин кеча. Ҳар ер-ҳар ерга қўнган одамларнинг ёққан

Ўтлари ярақлаб кўриниб турибди. Ерўчоқда баъзан ловиллаб, баъзан пасайиб ёнаётган олов тун уйқуси билан курашаётгандай бўлади.

Жумағул билан Хадича ўзларининг холироқ жойга қурилган чайласи ичида гаплашиб ўтиришарди. Бир оздан сўнг уларнинг гапига Қамария ҳам қўшилди. Гап асосан Мақсуддан қолган уй билан мол-дунёни қўлга киритиш устида боргани учун, Жумағул бу сафар ҳам қатъий фикр айтишдан ожиз, миқ этмай ўтирарди. У ҳозир табиатидаги қувлик-шумлик одатларини ақл мезонида ўлчаб ўтирган эди. Аммо у бошқаларнинг гап-сўзига халақит бергани йўқ. Хадича билан Қамария бир-бирини маъқуллаб, мол-дунё тўғрисидаги ҳамма гапларини айтиб бўлишди. Уларнинг фикрича: Мақсуднинг яқин қариндоши йўқ, онасининг бўлса тўридан гўри яқин. Унинг учун ўла-ўлгунча иссиқ-совуғига қараб турадиган одам бўлса бас. Мол-дунёнинг эндиги вориси кичкина Жамила. Шунинг учун ҳозир нима қилиб бўлса ҳам, бир амаллаб уй билан мол-дунёни Жамиланинг номига ўтказиб олиш керак!

Шу билан кенгаш тугади.

Амира билан Қамария шу маслаҳатдан кейин овулда қолишди, Хадича билан Жумағул эса шаҳарга жўнаб кетишди. Орадан бир неча кун ўтди, қир сайлидан қайтган икки ёш шаҳардаги тенгқурларининг, ёру жўраларининг ўртасига қайтиб келишди. Келиннинг қариндошуруғлари уларни жуда яхши кутиб олишди. Хадича бўлса онасининг уйига келиб тушди.

Хадича билан Жумағул шаҳардаги таниш-билишларининг ҳол-аҳволларини сўрашиб билишди. Бераҳм тақдир қўлига тушган азадор кампир ҳам Мақсуднинг чироғини ёқиб ўтирган экан. Улар буни ҳам суриштириб билишди. Хадича ташлаб кетгандан кейин, кампир ўзининг яккаю ягона бир оқсоқ қариндошини дастёр қилиб олиб, кунини йиғи билан ўтказар экан. У Жумағуллар келишди, деганини эшитиб, ўша кунни кечаси билан чироғини ўчирмай, мижжа қоқмай чиқибди. Хадича келгандан кейин Жамилани кўтариб олиб кампирнинг уйига кириб чиқди. Кампир Жамилани бағрига босиб, қучоқлаб, «боламнинг кўзи» деб зор-зор йиғлаганида Хадича пинагини ҳам бузмади.

Хадича кампирнинг олдида бир оз ўтирди-да, ҳеч нарса демай қизини кўтарганча уйига қайтиб келди.

Жумағул ҳам келгач, қайнатаси Қўндибой маслаҳат берди:

— Энди вақтни ўтказмай, таниш ўртоқларинг билан маслаҳатлашиб, анови мол-дунёни қўлга олинглар!

Шундан кейин Жумағул билан Хадича ишга киришди. Улар сўраб-суриштириб, охири ўқув бўлимининг ёнидаги ёш ўсмирлар ғамини ейдиган идорани топишдида, унга ариза беришди. Жумағул ўз ниятига етиш учун бор ҳунарини ишга солди. Шундай қилиб, бу идора Хадичанинг аризасини кўриб чиқиб, пировардида: Мақсуддан қолган мол-дунёнинг ҳаммаси қнзи Жамиланинг номига ўтади, қиз эрга теккунча Жумағул унга васийлик қилиши керак, деб қарор чиқарди. Хадича билан Жумағулнинг қўшилишида бошқа ўртоқлари билан бирга Оқтойшинг ҳам қўли бор эди. Бу Жумағул билан сирдош, маслакдош бўлганлигидан энди уларнинг ҳам бой-бадавлат одамлар қаторига киришлари учун қўлидан келганини аямади. Хадича билан Жумағулларнинг тўйи олдидан, уни бир куни оғаси олдига чақириб олиб: «Қўндибойнинг қизидан ортиқ кимни олмоқчисан? Шунга уйланиб, мол-дунёсига эга бўлмай, нима қилиб юрибсан ўзинг! Э, сен ишнинг кўзини билмайсан. Ана, Жумағул болади...» деганда, у сал ўкингандай бўлган эди. Бироқ энди вақт ўтиб, фурсатни қўлдан бой берганлиги учун Жумағулнинг тарафини олмай иложи йўқ эди. Ҳозир уларга елиб-югуриб ёрдам қилаётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Хадича ўқув бўлиmidан бояги мазмундаги фармонни олиб келгандан сўнг, Қўндибой кампирнинг олдига киши юбориб: «Худонинг пешонага ёзгани бўлади. Елғиз ўзи бир уйда шўппайиб ўтиргани яхши эмас, уйдаги мол-дунёсини Жамила билан Жумағулнинг номига ўтказиб, ўзи шуларнинг қўлига келиб ўтирсин!» деб тайинлади.

Кампир бу гапларга Мақсуднинг ўлиmidан ҳам баттар куюнди, қаттиқ эзилиб ёқасини ушлади. Ўғли ўлгандан бери бир кун бўлмаса бир куни, ахир кўраман деб кутиб юргани — зўрлик, ҳақоратга юзма-юз келгандай бўлди.

Аmmo Қўндибойнинг гапини етказган Дуйсен, кампирнинг дардини тушунадиган эмас. Буни сезган кампир бор кучини йиғиб гапирди:

— Мен ўғлимдан, эримдан, ота-бобомдан қолган

мол-дунёни туққанним эмас, туғишганим эмас, душманним Жумағулга нега берар эканман? Уғлим бўлмаса қариндош-уруғларим бор, Жумағулга ўхшаш ётга бергандан кўра, шуларга берсам бўлмайдими. Мен унга ўз розилигим билан бир қатим ип ҳам бермайман. Энди келиб-келиб мен нотавон кампирга зўрлик қилмоқчи бўлдингларми? Майли, қўлларингдан келганини қила-веринглар!

Дуйсен шу гапларни эшитиб жўнаб қолди.

Бироқ у Хадичанинг идорадан олиб келган фармони-ни эшитгандан сўнг, ўзининг ёлғизлиги, нотапонлигини ўйлаб яна ҳам баттар эзилди. Бунинг зўрлик, хиёнат эканини билиб кўриб турса ҳам, унга қарши нима қилишини билмасди. Худога ила қилиб, оҳ-воҳ қилиб ўтирганда, кампирнинг эсига ўғлининг жонажон дўсти Мейирхон тушиб қолди. У шу кунидек оқсоқ қариндошини ёнига олиб, Мейирхоннинг олдига келди. Йиғлади-сиқтади, юрагидаги бор гапни тўкиб солди, Хадичанинг ҳеч нарсаси қолмаганлигини, онасиникидан олиб келган ҳамма мол-дунёларини олиб кетганлигини айтди. Уғлимнинг ҳурмати, ёрдам бер, деб ялиниб-ёлворди. Мейирхон кампирнинг ҳамма гапларига қўшилди. Эртага Жумағул билан ҳам, бошқа ўртоқлари билан ҳам гаплашишга ваъда берди. Кампирнинг ғариб кўнгли анча таскин топгандек уйига умид билан қайтди.

Эртасига Мейирхон Жумағулга учрашиб:

— Дўстим, шу ҳам инсофданми? Ким айтади сени ўқинишли йигит деб? Сен анча ишнинг кўзини биладиган йигит чиқиб қолдинг, хотинни сув текин олдинг, тер тўкмай шунча мол-мулкка эга бўлдинг. Ўзинг ҳам бели бақувват одамсан, бунинг устига, қайнатанг ҳам шаҳарнинг энг катта бойларидан. Нима, шу кичкина қизни боқолмайсанми? Нега кампирни йиғлатдинг, ахир бечорани тўридан гўри яқин-ку. Ҳеч бўлмаса кечагина ўлган дўстинг Мақсуднинг ҳурматини қилсанг бўлмайдими?— деди.

Жумағул, Мейирхон бу сўзларни мени кўролмаслигидан айтаяпти, деб ўйлади.

— Бу ишларни қилаётган мен эмас, Хадича. Мен унга бир нарса деёлмайман. Шунга ҳам айтиб қўяй, дўстим, яхшиси бу ишларга аралашма, чунки биз ҳам қараб турмаймиз,— деди у қовоғини солиб.

Мейирхоннинг гаплари Жумағулга пашша чаққандай ҳам бўлгани йўқ. У қонун асосида иш қиладиган

бўлди. Шундан кейин Мейирхон чор-ночор ғинг деёлмай қолди. Ҳадемай Жумағул билан Оқтойлар: «Мейирхон бировнинг бўлганини кўролмайди, ичи тор йигит»,— деб пап-сўз тарқата бошлади. Кампир Жумағулнинг ниятини эшитиб қаттиқ изтироб чекди, кўз ёши тўкди, охири бу дардга чидаёлмай кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Баъзан ҳушидан кетиб алаҳсирайдиган бўлиб қолди. Ичичипа тушиб кетган сўник кўзлари билан бир нуқтага тикилиб қолар, баъзан ғазабига чидаёлмай ўрнидан сапчиб турар, уйидаги баъзи бир буюмларни ушлаб:

— Бермайман дедимми, бермайман! Ўлдирсанг ҳам бермайман... Эртагаёқ кетаман... Мақсудхошимга олиб бориб бераман! — деб ҳар нарсанинг олдига бир борар, юлқилар, бағрига босар эди.

Уша куни кечқурун Жумағул кампирнинг, мол-дунёни бермайман, деганини эшитиб, қўлидаги фармони билан милиция идорасидан учта солдатни бошлаб кампирни-кига келди. Бир аҳволда ётган кампир милтиқ ушлаган солдатларни кўриши билан ўрнидан сакраб турди-да, худди маст одамдек гандираклаб бориб, тўшакларини ушлади:

— Бермайман... ўлдир мени... ўлдириб кет... вой-дод, ўлдим, ўлдим... Мақсуд... қутқар мени!— деб, у чалқан-часига йиқилиб тушди-да, сал ўтмай жон берди.

Жумағул билан Хадичанинг муроди ҳосил бўлди.



уз тонги ғира-шира отиб келаётган маҳал. Икки овчи қўллариди қушларини ушлаганча ўтовдан чиқиб, бойлоғлиқ турган отларни еча бошлашди.

Урта ёшдан ошиб қолган, мош-гуруч соқолли кекса овчи Бекбўл бақувват тўриқ отнинг жilовини белига қистирганча энди узангига оёқ қўяман деб турганда, орқа тарафдан от-пишқириғи эшитилди. Сур тўн кийган, йўғон гавдали Бекбўл орқасига қараган эди, узоқдан келаётган қашқа отли йўловчини кўрди, елкасига милтиқ осиб олган бир йўловчи жадал келаётган эди.

Бекбўл ерга тушмасдан, тўриқнинг жilовини йўловчи келаётган томонга бурди. Оғир бургут қўниб турган қўлини эгарнинг устига қўйганча, кафтини кўзига соя қилиб тикилиб қолди.

Ҳали тонг отмаган, шунинг учун йўловчининг ким эканлигини дарров таниб бўлмасди.

— Бу ким экан-а?— деди у ёнидаги ёш ҳамроҳига қараб.

Ёш овчи Жонибек Бекбўлнинг нега мунча тикилаётганини сезмаган эди. У ҳам тикилиб қаради. Бу келаётган узун бўйли, йўғон гавдали, юзлари қуёшда куйиб қизарган, қисқа мўйлови энди буралиб келаётган, ўткир кўзли, чиройли, қорачадан келган йигит эди. Овчилар тўпланиб яшаётган бу далада ҳозиргача бошқа аҳоли йўқ, колхоз фермаси бўлса яйловдан кўчиб кетган,

«Октябрь» колхози бу жойда фақатгина шу уч хондонлик овчилар бригадасини қолдирган... Кейинги ўн кун ичида бу бригадага келиб турадиган битта-яримта киши ҳам ўша ўзларининг колхозларидан қатновчилар эди. Аммо колхозга қарашли йилқилар ичида онда-сонда оқ қашқаси бўлса ҳам, бундай тарғил қашқа от йўқ эди. Гира-ширада отининг пешонаси оқариб келаётган отлиқни кўриб, ёш овчи ҳам ҳайрон бўлди.

— Қизиқ, бу гира-ширада келаётган ким бўлди экан?— деди у ҳам.

Қовоғини солинтириб, ўйга чўмган қари овчи индамади.

Шу маҳал Жонибек йўловчини таниб қолди:

— Э, дарвоқе, бу анови от заводининг бригадири Успанқул-ку. Қанақа шамол учирди экан?— деб аввалгидан ҳам таажжубланиб Бекбўлга қаради.

— Нима бўларди, бизларга учрашгани келгандир-да! — деб Бекбўл яна жим қолди.

Шу пайт бақувват тўриқ отнинг эгарига кўниб ўтирган Қизилбалақ қўққисдан қаттиқ силкиниб кетди. У дим, тор ўтовдан тоза ҳавога чиққани учун зийрак торганга ўхшарди. Кўкимтир пўлат сингарни жило берувчи қанотлари қаттиқ силкинган кезде худди шамолда қулф урган қамишдек товланиб кетди. Қизилбалақнинг қимирлаши ҳам бўлакча; қўққисдан силкниб қолса борми — отнинг ҳам, одамнинг ҳам эсини чиқариб юборади. Умри овчилик билан ўтган, кўп қушларни кўрган Бекбўл Қизилбалақнинг қимирлашидан аллақандай ғайрат сезарди. Баъзан бургут силкинса: «Ҳа, худди кимхоб чопонни қоққандай қанот қоқадия, хумпар», — дер эди.

Қизилбалақнинг машқларига кўникиб қолган тўриқ от ҳуркмади-ю, бироқ тукларини ҳурпайтириб, сўлиғини шилдиради тишлаб қўйди.

Жонибек тўхтаб йўловчини кутди. Қўлидаги қўлбола бургут — Қоракер ўнг оёғининг панжаларини кўтариб, юзидан ниқобини туширмоқчи бўларди. Бу қушни Бекбўл яқиндан буён боғлаб ўргата бошлаганди. Ҳали ёмон қилиқлари бор, бесабр қуш. Ҳар маҳал ниқобини тушириб юбориб, ёрўғликни кўзалари билан кўрмоқчи бўлади.

— Типирчилатма! Оёғидаги чилвирни маҳкам ушла. Бир-икки голқир ниқобни туширдингми, бас, кейин

ёмон ўрганиб қолади...— деди Бекбўл Жонибекка. У тағий йўловчига қаради.

Қашқа от минган киши яқинлашиб қолган эди. Йўрғалаб келаётган қашқанинг дупур-дупур туёқ товуши эшитилди.

— Бу ўша Октябрь байрамида пойгага қўшишга мўлжалланган бедов қашқа-ку! — деди Жонибек.

— Ўзи ҳам хўп кетиворган-да, жонивор,— деди Бекбўл.

Шу маҳал Ўспанқул буларга яқинлашиб салом берди:

— Ҳа, оғайни, йўл бўлсин? Молларинг омонми?— деди Бекбўл унга. Туни билан ишлаб тинкаси қуриган Ўспанқул қандайдир алам билан келиш сабабини гапира кетди.

Бугун кечаси Саримсоқли адирида от заводи йилқисидан бир тўпи ёйилиб юрган экан. Ўзи ҳам шу Ўспанқулнинг бригадасига қарашли йилқининг ичидаги чопқир отлар тўпи экан. Тун жуда узун, бунинг устига қоронғи, булутли, довулли эди. Бир пайт уюрдаги йилқилар мудраб турганда, нимадандир ҳуркиб, бирдан дупур-дупур қоча бошлаган. Семиз, тўқ йилқилар эмасми, бўй бермай, чор томонга сочилиб, йилқичилар тонг олдидагина аранг тўплаб олишган. Аммо, тонготар маҳалида Ўспанқул айланиб биттама-битта санаб чиқса, тўққизта йирик йилқи йўқмиш. Йилқичилар билан Ўспанқулнинг тахминига жўра, йилқилар дастлаб бир нарсадан ҳурккан, ўша олатасирда бир гала йилқи ажралиб кетган бўлиши ҳам эҳтимол.

Шундан кейин ҳар томонга одамлар юборибди, Ўспанқулнинг ўзи чегарадаги комендатурага келибди. Яна «Ҳар кун от устида юриб, дашт, тоғ-тош оралайди, эсида бўлсин, кўз солиб юрсин», деб «Октябрь» колхозининг овчилар бригадаси томонига ҳам ўтган экан. Шу гапни айта туриб, сўзининг охирида Ўспанқул Бекбўлга қараб:

— Бек, бекиниб юрган овдан ташқари, Совет ҳукуматининг қурол-яроғлик ёвларидан ҳам талайини тумшуғидан уриб, ушлаб бергансан. Бу сафар ҳам ўша ҳунарингни кўрсат. Келаётган Октябрь байрамида қизил аскар учун бераман, деб атаб қўйган сараланган беш дўнаниннг ҳам учови йўқ. Отингга жадал мингин-у, шу бугун мана шу Керага атрофларини синчиклаб, қиди-

риб бер! — деб чап томондаги ям-яшил тепаларни кўрсатди.

Бекбўл ўйланиб қолди.

— Битта-яримта олганми, ўлжа қилдими, ё ҳуркиб кетганми?... — деган эди, Жонибек Бекбўлнинг сўзини бўлди:

— Ҳозир тинчлик-ку, ҳуркиб кетган-да.

Бироқ Бекбўл Жонибекка қўшилмади.

— Шу деймен, ўша ёвнинг ўзи ҳозир бу горга келмасдан, анови чеккароқдаги Саримсоқлининг нариги тарафида кимсасиз адирда биқиниб қолмадимикан. Чунки унинг мўлжали: кундуз ўша ўрда ётиб, тунда бирдан чегарадан ўтиб олиш бўлса ҳам эҳтимол. Сен қандай бўлмасин, шу орқа томонларни айлансанг маъқул бўларди.

Бу фикр йилқичиларнинг хаёлига ҳам келган экан. Шундан кейин Успанқул ўша жойларни айланиб, роса тинкаси қурибди.

Бу тарафларнинг қаралмаганини эшитганидан сўнг, Бекбўл яна ўйланиб қолди. Кейин аста отга миниб, бургутини балдоққа қўндирди-да, тизгинини тортиб гапирди:

— Бўлмаса хаялласанг комендатурага бор, аҳволни айт. Биз бўлсак мана бу Ужар томонларни айланамиз, — деб ўнг тарафдаги қарағайлар ўсиб ётган кўк тошли жойни кўрсатди. Успанқулнинг ўйлагани бошқа эди. Унинг фикрича — Саримсоқли даштида бўлмаса, ёвнинг биқинган жойи чап томондаги Керагатош бўлиши керак. У Саримсоқли томонга отланган ёв учун энг қулай, хилват, толзор жой. Керагатошга ўхшаган қийин, хилват унгуллари тўлиб-тошиб ётган бу тоғни Бекбўлнинг ўзи қарамаса, бошқаларнинг қўлидан келмасди. Ҳақиқатан ҳам текисликми, архарлар маконими, кечукми, тоштепами, хуллас, у барини беш қўлдайд биларди. Бекбўлнинг бу гапи узоқдан атайлаб, от чарчатиб келган Успанқулга ёқмади:

— Бек, мен сендан ёрдам сўраб келувдим, Ужарга бораман деганинг нимаси? Шундай тўққиз йилқи йўқолган долзарб маҳалда, бир кунги овлайдиган тўрттабешта тулкингдан қолсанг қолибсан-да! — деди.

Успанқул гапга чечан йигит. Ҳозир у чарчаган, ҳам кўнгли тинч эмас. Шунинг учун жеркиб бериши ҳам мумкин. Бекбўл унинг аҳволини пайқаб, дилини

оғритмай дегандек, оғиз очмаса ҳам, юрагида ҳалиги гап эди.

Энди Жонибек билан Успанқул ҳам отларига минишди. Жонибек сўнги икки-уч кундан буён Ужарга чиқишга ишқибоз бўлиб юрувди. Чунки, Керагатош томонларни кечаги кунга қадар Бекбўл иккови роса айлонишган. Унинг қўлбола бургути ҳам дастлабки овини ўша ерда олган. Аввалги уч кунда Қоракер ҳам қаторасига учта тулки олди. Лекин тулкилар бошқа адирларга чиқиб жетган бўлса керак, кейинги икки кун ичида айтарли ҳеч нарса илинтирмагандан, энди нима бўлса ҳам Ужарга борамиз, деган қарорга келишганди. Бундай ўйласа, от заводининг йилқисини ёв олиб кетгани ҳам осон гап эмас. Боядан бери Жонибек иккиланиб индамай турган эди. Энди отини аста юргизиб, Бекбўлнинг ёнига яқинлашди:

— Бек, бугун ё отни қидирайлик, ё эса овга борайлик. Узимизни ҳам овора қилмайлик. Успанқулни ҳам,— деди.

Успанқул Бекбўлнинг сўзидан кўра буниқини маъқулроқ кўрди, аммо икки овчининг пайсалга солишини ёқтирмасдан кесатди:

— Иложимиз қанча. Эҳтимол, сенлар ҳам кўп тулки овлаб, колхозимизга фойда берамиз, деб турган бўлсаларинг керак. Сенларга тўққиз йилқидан кўра тўққиз сичқон афзал... Хўш, нима қарорга келдиларинг?— деди.

Бекбўл савдолашиб ўтиришни ортиқча ҳисоблаб, гапни қисқа қилиб Успанқулга:

— Сен комендатурага борасанми? Борсанг энг олдин Александрга айт: Бекбўлга — Керагатошга чиққин деган эдим, кўнмасдан Ужарга кетди дегин. Биз кечгача ўша ерда бўламиз. Изидан қувиб бориб ушлаб ололмайсан, кўрмагансан, билмайсан қаерга тиқилганини ким билсин. Эҳтиётдан ҳар томонни синчиклаб қараган маъқул...— деди-ю жим бўлиб қолди. У секингина оёғи билан отни ниқтаб, жиловини Ужар томонга бураркан, Жонибекка:

— Юр, биз тулки ҳам овлаймиз, учраб қолса ўғрини ҳам тутамиз! — деб жўнаб кетди.

Успанқул ҳам хайрлашмасдан қашқа биянинг бошини силкитганча йўлга тушди. Бекбўл бақувват тўриққа қамчи босиб, тоғ томонга кўтарила бошлади. Успанқул Бекбўл билан бирга унча кўп ишлашган эмас. Бир-

бирларининг хулқ-атворини ҳам яхши билмайди. Аммо, Успанқул Бекбўлнинг «чегарадан ўтаман деб уринган ёвларнинг кушандаси, чегара отрядига кўп марта ёрдамлашган, кўп меҳнати сингган атоқли колхозчи-овчи», деб эшитган.

Аммо, ҳозирги ўтган гап-сўзлардан Успанқул рози бўлмади. Назарида, ҳозирги гапи билан Бекбўл ўзини сал катта олди. Ҳозир улар кетаётган томонда ёв ҳам йўқ, йилқи ҳам. Энди Успанқулнинг бирдан-бир ишонгани — чегара отряди билан ўз қуши, холос. У қашқа бедовнинг тизгинини ҳиёл бўш қўйиб, дам бергач, отни йўрттириб кетди. Бир оз йўл босгандан кейин, сўнгги марта овчиларнинг ортидан яна бир қараб қўйди. Ичида: «Қайтиб келишмасмикин?— дегандек бўлди.

Бекбўл ўз фикридан қайтмаган. Икки овчи Ужарнинг Саримсоқли дашти томонини мўлжаллаб кетяпти. Қўлларидаги икки бургут гўё жонсиздай миқ этмай қотиб ўтирибди.

Шу пайт кун кўтарила бошлаган, шарқ томондаги кўк жиякка ўхшаб турган уфқ қизил рангга бўялиб, кўл ҳам қизариб гўзалланиб кўрина бошлади.

Икки овчининг олд томонидаги тепалик қалин ўт босган паст-баланд адирдан иборат. Бекбўл ҳушёр келарди. Кечаси булутли бўлса ҳам, ёғин ёғмабди. Утўланларнинг учуда шудринг ҳам йўқ. Тақир дашт, тошлоқ йўлда отларнинг туёғидан чанг ҳам кўтарилади. Кекса овчи икки марта ўнг ёққа тикилиб қаради. Саримсоқли томонга кўз югуртириб чиқди. Орқада қолиб кетаётган Керагатощнинг ҳам ўзига маълум қир-сойларига назар солиб ўтди. Ҳали атрофда чангми, туманми, ишқилиб, кўкимтир булутдай бир нарса бор. Утлари сарғайган дала бағрида жимжит ётган битта-яримта тошлар тўрсайиб кўринса ҳам аммо дала кўкимтир гиламдай теп-текис.

Осмон беғубор. Кузнинг ёқимли очиқ куни бошланмоқда. Бир оз юргандан кейин яна бошқатдан ўгирилиб қараб, Керагатощнинг дўппайиб-дўппайиб турган тошлари устига кун шуъласи туша бошлаганини кўрди. Ёқимли дала шабадаси эсарди. Ужарнинг сирт томонидан боравериб, ўртасига яқинлаган сайин тоғ қучоғидан чиққан тунги салқин билина бошлади.

Бекбўлнинг қўлидаги Қизилбалақ бир-икки топқир чинқириб қўйди. Кекса овчи бардош қилиб, жим келар-

ди. Қушининг танаси соғ, ўзи бақувватгина. У миқти кўк тумшугини кўтариб олиб мудраб келарди.

Шу тарзда бир оз юриб, Ужарнинг ўрталарига етган маҳалда Жонибек Бекбўлнинг бугунги юришига ҳайрон бўла бошлади. Кекса овчи тоғ томонга қараб юриб, тоғ ичига киришининг ўрнига яланг четлаб, олислаб айланарди. Тоғ ичига эртарақ кирилса битта-яримта ўлжалли бўлиб қолиш ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Шундай маълум толзор чўққилардан бир-иккитаси орқада қолиб кетди. Жонибек:

— Бу ёққа юрмаймизми?— деб эслатиб ҳам қўйган эди. Бекбўл индамасдан йўлида кета берди.

Мўлжал билан Саримсоқлига етиб қолган вақтагина Бекбўл боядан буён келаётган ҳолатини ўзгартириб, Ужарнинг Қабансой деган томонига бурилди.

Жонибек орқада келарди. Бекбўлнинг кетидан у ҳам тез қайрилди. «Боядан бери бошқа йўлдан келаётган Бекбўл бир нарсани ўйлаган бўлса керак»,— деб хаёлдан ўтказди. Бекбўл тоғ томонга тўриқ отни ниқтаб кетди. Жонибек ҳам отини елдириб, Бекбўл билан қаторлашиб олди.

Жонибекнинг эндиги мўлжалли — шу рўпарадаги бир кичикроқ тош эди. Унинг нариги томонида ҳам, чап томонида ҳам иккита чўққи бор. Уша жойлардан ўлжа топармиз, деб келяпти. Соё қирғоғига яқинлашганда Бекбўл секин юра бошлади. Ов ҳуркмасин дегандек, Жонибек ҳам секинлашди. Унинг икки кўзи бояги тошнинг атрофида. Шу аҳволда Бекбўл бир ўй ўрнидай очиқ жойга келгач, отининг бошини тортди. Бир оз тўхтаб тургач, ҳалиги ялангликнинг атрофини айланиб келди-да, сўнг Жонибекка:

— Қани, бола, сен бу ёққа кел-чи,— деди.

Жонибек отини йўрттириб, Бекбўл ёнига келганда, у икки-уч туёқ изини кўрсатди.

— Ҳалиги нуқул йирик йилқи деганди-я? Мана бунинг ичида бир қулун, бир той ҳам бор-ку!..— деб эгилиб қарай бошлади. Жонибек ҳам қулун билан тойнинг изини пайқади. Бироқ, негадир, у кулиб юборди:

— Оббо, Бек, бу бўлмаган гап! Кеча шу ўртада ўзимизнинг отлар ёйилган эди. Мана буниси Симоқнинг қулунли биясининг изи эмасми?— деб яна кулди.

Бекбўл индамай ҳалиги изларнинг кетидан илгари юра бошлади. Бироқ ўтларнинг қалинлигидан баъзида

из йўқолиб кетай деган. Бекбўл олдинроққа юрди. Беш-олти қадам нарида тўхтаб Жонибекка яна гапирди:

— Кеча биз отларимизни тушдан оғиб қолганда шу ердан қайтарган эдик-ку, мана бу тезакни қара, бу тезак кеча тушдаги эмас, янги, кечаси ёки тонгга яқин тушган тезак! — деди-ю, тағин олдинга юра бошлади.

— Чироғим, кўриб ол, у тезакларнинг бунчалик сочилиб туриши — йилқининг елиб кетишидан. Ёйилиб юрган йилқилар бундай қилмайди, — деди у. Шу билан Бекбўл ўз кўнглидаги тахминни исбот қилгандай бўлди. Жонибек ичида: «Ёйилган йилқилар ҳам бир-бирини тишлаб, тегиб, қувиб юради. Уғри юрадиган жой Керагатошда дедик-ку. Бу ерни қанча қарамай, барибир, йилқидан асар тополмайсан, — Бекбўл унинг сўзини менисимагандек бепарво тинглади.

Шундан кейин Бекбўл бир тақирроқ ерга келиб, яна тўхтади.

— Хўш, мана бунга нима дейсан? — деди Жонибекнинг кўнглидаги шубҳасини пайқаб, ўша билан талашган каби гапирди, — мана бу ўтларнинг топталганини кўриб қўй. Бу қаттиқ зарб билан босилган туёқнинг топташи. Ана у учиб тушган тошни кўряпсанми? Аввалги ётган ўрни мана, — деб ердаги бир чўнқир изни кўрсатди, — у чопиб келаётган йилқининг туёғи тегиб учиб кетган, — деб тасдиқлаб ҳам қўйди.

Шу жойда Бекбўл ўзининг боядан бери бошлаган кузатувиининг хулосасини ясамоқчи эди. Бунга сабаб бўлган энг катта далил худди ўзи турган ерда, ўнг томон узангининг тегида ўсиб турган бир туп янтоқ эди. Унинг чекка бир шохи теги билан қўпорилиб, анчагина наридаги отқулоқнинг танасига илиниб қолибди. Бу ердан йилқи чопиб ўтганлиги шубҳасиз бўлиб қолди. Яна йўл ёқасида анчагина белгилар бор. Бекбўл Жонибекка энди бир йўла қолиб кишидек қараб, салмоқлаб гапирди:

— Узица чопган йилқи бунақа чопмайди, — деди. Жонибек ҳеч нарса айтолмади. Гапини тугатгандан кейин Бекбўл тез бир қарорга келгандек бўлди.

— Йилқининг Ужарга келганини билсак ҳам, қаерда тикилиб, қаёққа кетганини қандай биламиз. Ужар — катта тоғ. Бундан ташқари, ўшанақа ёв ҳозир тоғ-тошлар орасига айғоқчилар қўйиб, икковимизни ҳам кўриб турган бўлса керак. Булар изимизга тушганга ўхшайди,

деб ҳушёр бўлиб қолса яхши бўлмайди Жонибек,— де-ди Бекбўл, кейин қўшиб қўйди:— Бўлмаса, бекор турмайлик, икковимиз ҳам овчимиз. Овчилигимизни қилиб тинч юра қолганимиз маъқул. Тулки овлаган бўлиб, аста-секин душманнинг маконини аниқлаймиз. Тушундингми?

Жонибек уқиб, ўзи ҳам шуни маъқул топди.

— Бўлмаса, Бек, сен мана бу чўққига чиқа қол,— деб чап томондаги хилват тепани кўрсатди-да, отини ниқтаб илгари силжиди.— Назаримда, мана шу рўпарада тулки борга ўхшайди. Шуни овлаб бераман.

Бекбўл маъқул дейишдан аввал тўриқ отни депсиниб, сўл томонга қараб ўрлаб кетди. Сал фурсат ўтмасдан у баланд тепанинг устига чиқиб, Қизилбалақнинг бошидан ниқобини олди.

Йиртқич парранда ниқоби олинган заҳоти кўзи ёниб, қовоқларини бир марта пирпиратди-да, қаттиқ силкиниб, Жонибекнинг рўпарасига тижилди. Жонибек онда сонда эгар қошига тақиллатиб уриб, секин-секин ҳуш-так чалиб катта тошнинг атрофида у ёқдан бу ёққа бориб-келиб юрибди. Бу унгурдаги тулкилар ҳали овчи юзини кўришмаган. Кечаси билан ов қидириб юра-юра ҳолдан тойиб, тош маҳалда келиб энди тошнинг тегида биқиниб ётган тулки бирданига қочиб ҳам кета олмайди. Шунинг учун Жонибек теваракни жуда синчиклаб қарайди.

Қизилбалақнинг қип-қизил чағир кўзлари «қаёқдасан» деган каби сойнинг нариги томонларига тижиларди. Бекбўл тулкини қушига ишонади. У Қизилбалақнинг ниқобини олиши билан чилвирини белига қистирди-да, ўзи Ужарнинг қалин қарағайли баланд-пастликларига кўз югуртириб чиқди. Ҳозирча қимир этган бирорта жон йўқ. «Ужарга яшириндими? Ёки ўтиб кетдими? Қарағай ичига беркиндими, ё тош орасигами? Сон-саноксиз хилватгоҳлардан қайси бирини танлади экан? Ужарга Қабансой томондан кириб келганига қараганда чалкаш тепаликлар ичида йўқолиб кетишни мўлжаллаган бўлса керак. Муттаҳамлар бу жойларни беш қўлдай биладиган шумлар бўлса керак! Ёки бошлиқлари шу ўрталик битта-яримтасидир. Хуллас, ичларида шу ерлик биров бор!»— деб турли гумонларга борди. Шу тезда Жонибек ов кўрган пайтидаги одати бўйича ҳайқириб бақириб юборди. Бу товушни эшитар-эшитмас

бир лаҳзада Қизилбалақ ҳам Бекбўлнинг балдоқ тутиб турган қўлидан силкиниб, ҳавога кўтарилди. Қуш фақат товушни эшитиб эмас, худди овни кўриб учгандай жон-жаҳди билан олға ташланди. Қанотини икки-уч марта шиддат билан силкитиб, Ужар даштининг устидан борган сари юқорилайверди. Ҳозиргина ҳавога кўтарилганига қарамасдан, худди анчадан буён қаноти ёзилиб келаётган қушдай зувиллаб олға учди.

Қушнинг бу йилги ови кўп йиллардан буён бўлмаган баракали ов эди. Унинг ҳозиргидай бир зумда қўлдан чиқиб, ўзини ўқдай ҳавога кўтариши — ўткирлигини билдириб турибди. Жон-жаҳди билан юлқиниб юриб кейинги ўн кун ичида бир ўзи колхозга 300 тулки овлаб берди. Қуш керагича баландлаб олганидан кейин, энди Жонибекни мўлжаллаб қалқиб учабошлади. Бекбўл отини оёғи билан ниқтаб, чўққининг тепасидан сой томонга тушиб келаверди. Икки кўзини Қизилбалақнинг қилт этмай, ҳавода шўнғиб бораётган қорасидан узмасди. Жонибек ҳам отини чоптириб бормоқда. Бекбўл ҳали тулкини кўрганича йўқ. Тулки тошларни паналаб қочиб қутулиш пайида. «Қизилбалақ Жонибекнинг боши устидан шўнғиб ўтиб, яна бир марта осмонга кўтарилди. Кўтарила-кўтарила бирдан пастга ўқдай қуйилди. У шу қуйилганча катта тошнинг нариги тарафига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Жонибек ҳам чопиб бориб отдан ирғиб тушди-ю, аланг-жалаңг бўлиб қолди.

Қизилбалақ ўлжаси устига тушган кезде Бекбўл отини чоптириб «Қандай тушар экан, чангаллаб кўтарармикин ёки шу ернинг ўзида тугатармикин?» деб келаётган эди. Бекбўл ҳар қанақа вақтда ҳам оғир мулоҳазали, ҳушёр, ҳовлиқмайдиган, уста овчи. Мана шунақа долзарбда ҳам Қизилбалақни ўзининг ўткир назаридан қочирмади. Энди нима бўлса ҳам бўлди, деб оҳистагина пойлаб, катта тошнинг устидан ошиб тушди.

Жонибек бу пайтда каттақон тулкининг тилини сўғуриб олиб, бургутга бериб турган экан. Бекбўл от устидан тушмасдан сўради.

— Нима гап? Қалай тушибди?

— Тепганга ўхшайди, белини синдириб юборибди, мана,— деб қизил тулкининг букланиб кетган белини кўрсатди,— шўрликнинг дамани чиқармай қўйибди. Бу йил бунақа тутилган овни биринчи кўришим.

Қушнинг чиндан ҳам ўткирлиги маълум бўлди.

Шу маҳал буларнинг устидан қанот-қуйруқлари шувиллаб бир қуш учиб ўтди.

Жонибек бир марта қараб қўйди. Бекбўл от устида турганича ҳалиги қушга қадалиб қараб қолди. Шунчаки, оқбош қуш экан.

— Қаёққа кетаётибди? Бир нарсани кўриб учган бўлса керак бу қузғун.

— Кўрса ҳам Қизилбалақнинг учгани билан тулкини кўргандир-да,— деб Жонибек тулкининг атрофида ўралашаверди. Бекбўл:

— Агар бизни қора тортиб учган бўлса, шу атрофда айланишар эди. Асли қорни очиб, чанқаб учиб кетаётган кўринади. Ужар тепаликларини мўлжаллаб кетаётибди!— деб орқага бурилди-да, яна осмонга қараб қўйди.

— Тўхтаб тур-чи, мана яна ўшанақа биттаси кўрииб қолди! Афтидан бу ҳам ўша ёққа учяпти. Бу бежиз эмас! Тулкини хуржунингга солиб, тез отингга мин!— деб шошилди Бекбўл.

Жонибек одамшаванда, эпчил йигит. Овда юганда Бекбўлнинг гапини икки қилган эмас. Бирпасда шайланди. Шундан кейин Қизилбалақни Бекбўлга олиб бериб, ўзи ҳам тош устида ўтирган Қоракерни олди-да, отига минди. Бекбўл ҳамон айланиб-айланиб осмонга қараб қўярди. Ҳозирча бояги учиб ўтган иккита қора қушдан бўлак бошқа кўрингани йўқ. Агар Бекбўлнинг шубҳаси рост бўлса, бунақа қушлар яна учнши керак. Энди Бекбўлнинг назари Қоракерга тушиб, бир оз ўйланиб турди.

— Сеп мана шу катта тошнинг устига чиқиб, қўзғалмай тур. Мен ҳув рўпарадаги Тектурга чиқиб тушман,— деб қамчисининг дастаси билан сойнинг нариги ёғидаги баланд қизил тошни кўрсатди,— ўша ёқдан «учир» деб ишора қилганимда Қоракерни қўйиб юборгин. Қизилбалақ ов кўрмаса учмайди, у инжиқ қуш, хумпар. Қоракерни учқур қилиб тарбиялаш учун талай меҳнатим сингган. Ўзи гўштга ўч, қўлбола қуш, чинқириш одати ҳам бор. Шунинг ҳаммаси ҳозир асқотадиган хонаси. Хўп, сен шу ерда қолгин!— деб тўриқ отини қамчилаб, сойдан ўрлаб чўққи томонга жўнади. Жонибекнинг «ҳа, йўқ» деганини ҳам кутиб турмади.

Салдан кейин бояги Тектур деган чўққига чиқди-да, Бекбўл «учир» деб қўл силкиди. Ниқобини олар-олмас Қоракер осмонга парвоз қилди.

— Ҳақиқий овчи бўлсак, шу қушни бошқа қушлардан яхшироқ қилиб, ўзи учиб, тулкини ўзи қувлаб, ўзи оладиган қилиб тарбиялаймиз,— дерди Бекбўл. Сўнги бир ҳафта ичида қуш қидирувчан, учқур бўлиб ўргана бошлади. Тўғриси, баъзан бу учинлардан фойда ҳам, зиён ҳам бўлиб туради. Ов кўринмаса Қоракер у ёқдан бу ёққа учиб юриб, итга, болага қараб ёки овул устидаги бирор қизил нарсага қараб ўзини уради. Лекин ҳали айни ўрганадиган пайти. Нима десанг ҳам чатоқлик қилмайди, дарров жўнайди. У ёввойи қушга ўхшаб узоқ учадиган, қанотлари ҳам бекамн-кўст бўлиб етилиб келаётган эди. Жонибек қушини учуриб юборган заҳоти осмонга қаради. Бояги иккита қуш учиб кетган томонга энди тўда-тўда бўлиб уч-тўрт қора қушлар галаси келаётганини кўрди. Қоракер даставвал ўзича кунда ўрганган машқларига қараб, сойнинг устидан учиб ўтди. Аммо рўпарасига ҳалиги қушлар етиб келганда бу ҳам бирдан баландлаб кетди. Шундан кейин кетма-кет учиб келаётган қора қушларнинг кетига тушиб, орқаларидан қувди. Қоракер зувиллаб учиб кетяпти. Жонибек бунни кўриб «қушимдан айрилдим-ку!» деб ташвишланиб Бекбўл томонга қараб чопди. Етиб борса, Бекбўл бепарво турган экан. Ҳалиги осмондан учиб ўтган қушларнинг галабоши ва охирида соқчисн бор экан. Бекбўл фақат ўша ёққа тикилиб турарди. Жонибек унинг олдига бориб бир нима демоқчи эди, у лом-ним демасдан қўлидаги Қизилбалақни узатди:

— Энди бошқа сўзни қўй. Мана. Бунни қўлингга қўндириб ол!— деди. Жонибек: «Бу Қоракердан айрилдик дегани-ку! Эҳтимол, бунни унинг ўрнига бераётгандир, тентак чол!»— деб ўйлаб, олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай, довдираб қолди.

— Вой тентаг-эй, боши бутун бермоқчи эмасман, ма, ушлаб тура тур.— Йигит бургутни олиб қўлига қўндирди.— Қоракердан айрилганимиз йўқ, Индама, ҳозир йўқотганимизни топадиганга ўхшаб қолдик!— деб ошиқмасдан носидан отиб олди.— Бояги ёв шу Ужарга яширинган экан. Ҳар ҳолда мана шу қирнинг нарёғида, ҳалиги қора қушларни овқатга чақирган ҳам ўшалар. Назаримда, улар номаълум бир хилватга биқиниб олиб, ҳалиги ёлғиз қулунни сўйишган. Ютоқи хумларларнинг ўлармонлик қилиб, куппа-кундуз сўйганини қара!— деди.

Бу сўзлар Жонибекка маъқул бўла бошлади. Бекбўл ўз мўлжалини бирма-бир айтди:

— Уша қулунни бугун улар ермикин ёки биз ермикинмиз?— деб қиқирлаб кулди у.— Сен мана шу қушни қўлингга олгин-у, жадал комендатурага — Александрнинг ёнига югур. Сенлар келадиган пайтда бир илож қилиб Қоракерни учиршига уннаб кўраман. Иложи бўлса, ўшаларнинг ўртасидан учириб юбораман. Уларнинг биқиниб ётган ерини кўрсатадиган ишорам шу бўлади. Қани, йўлга туш, жигарим, йўлинг бўлсин, тезроқ!— деди.

Сўз аниқ ва қисқа бўлди. Жонибек «хўп» деди-да, севиниб жўнади, тошларнинг устидан тушибоқ отини чоптириб кетди. Қўлида болдоғи-ю, чилвири қолган кекса овчи тўриқ отининг жиловини бўш қўйиб, қора қушлар борган қир томонга ўрлай бошлади. Тепалардан ўтиб, пастликдаги қарағайзорга кирди. Жонибекни жўнатган пайтда кун терак бўйи кўтарилган эди. Ёш йигитнинг комендатурага етиб, қайтадиган мўлжалини қуёшдан чамалаб қўйди. Қуёш Ужарнинг ғарб томонига қийшайган пайтда Бекбўл ёв ётоғини топиб, ўзи ваъда қилган белгини бериши керак. Аммо, Ужар машаққатли тоғ. Тез юргизсанг от чарчаб қолади, тинкаси қуриydi. Қандай бўлмасин толзор, хилват, яқин йўллар топиб юришга ҳаракат қилиш керак. Шу сабабдан худди тўғри Ужарга олиб борадиган қирларнинг теги билан кетмоқда. Ҳозирги кириб келган қарағайзори ҳам йўлдаги мана шундай манзиллардан бири. Бир оз зах ҳиди анқиб турган қарағайзор ичидан юрди. Онда-сонда битта-яримта зағизгонлар қичқириб патиллаб учади. Гоҳ-гоҳда баланддан қалқиб тўрғайлар учиб ўтади. Бошқа ҳеч қандай сас эшитилмайди. На кишнаган, на пишқирган йилқи овози ҳам йўқ. Қоракер ҳам чинқирмаяпти. Ҳушёр бўлиб, атрофга қулоқ солиб келаётса ҳам, Бекбўл Ужар тарафдан йилқининг овозини эшитмади.

Салдан кейин у қарағайзордан ўтиб олгач, Ужар тоғи этагидан кўтарила бошлади. Суғур телпак, кулранг тўнли ёлғиз йўловчи жимжит, унсиз-суронсиз тошларнинг қатланиб ётган бағрига кирди. Тоғ устида ўзгача бир тинчлик. Айни гўзал куз куни. Мана шунақа тонгги паллаларда тиниқ, тоза ҳавони қанча ютсанг ҳам тўймайсан, нафас олавергинг келади. Бекбўл ҳам анча енгил тортиб, фикрлари ҳам равшанлашгандай бўлди.

Энди бир иложини қилмоқ керак. Бир каттакон тош ёнига келгач, отини панароқ томонида қолдирди-да, юқорига чиқа бошлади. У жарнинг нариги томони яққол кўринди. У ёқда ҳам яланг тош, қарағайзор. Қарағайзорнинг ораларида чуқур-чуқур жарлар. Ҳар жой-ҳар жойда қарағайлардан ажралиб, худди ўркакча ўхшаган харсанг тошлар ётибди. «Бу жарларнинг қайсисида бўлса экан? Сойдами, пастликдами? Тошлар панасидамикин ёки қарағайзорга тиқилиб олганми?» Бўйини чўзмасдан ғадир-будур харсанг тош орқасида паналаб турган Бекбўлнинг хаёлига бундай чигал саволларнинг нечтаси келиб, нечтаси кетди. «Тағин бу ёқда қолган бўлмасин», деб энди кафтдек аниқ кўриниб турган орқа томонига бир кўз югуртирди. Баланд тоғнинг икки унгури билан ҳув олисроқдаги кўм-кўк бўлиб кўриниб турган экинзорлар, колхоз, от заводининг далалари — ҳаммаси шунчалик гўзал, қадрли, бари ўзиники. Жон фидо қилиб меҳнат қилиши, кўз қорачиғидай сақлаши керак бўлган ўлка! Покиза, тинч, яшнаган, шу қадар бой, бахтли ўлкасининг омонлик, тинчлигига доғ туширмоқчи бўлган йиртқишлар Бекбўлнинг няғи остида мана шу унгурга тиқилиб ўтирибди. Қоронғи тунда ўғирлик қилиб изғувчи бўрилар қўш нуридан яшириниб, Бекбўлни адаштирмоқчи, Бекбўлнинг ғайрати жўш уриб кетди:

— Уларни топмай қўймаганим бўлсин! — деб юборди. — Боядан бери изма-из келиб, энди адашсам Бекбўл отимни бошқа қўяман!

У отига миниб ёлғиз турган бир тошнинг ёнига келди, унинг тепасига чиқиб, яна атрофга синчиклаб боқди.

Бояги қушлар ҳам кўринмайди, ҳеч қандай нишон йўқ. Ужарнинг қоқ ўртасидаги икки чўққи бу ердан кўзга жуда чиройли бўлиб кўриниб турарди. Буларни белгилаб қўйди. Толзор сойлар шу эди. Бу ерга бақинмагани рости. Берироқдаги тошларда ҳам ҳеч қандай белги йўқ. Яна отига миниб, энди аввалги сафар чиққан тошнинг чап томонига ўтиб, тағин бир мартадан атрофга синчиклаб қаради. Энди назари қарағайга келиб тўхтади. Энсизгина, узоқ-узоққа чўзилган қалин қарағайзорнинг чап томонига тушди-да, от устида туриб тева-ракни кузатди. Бир маҳал рўпарасидаги сершоҳ, баланд қарағайнинг устида бир шарпа сезилгандай бўлди. «Чинми ёки хаёлми?» дегандай кўзини артиб, қайтадан

тикилди. Сал-пал билиниб турган бу яшил дарахт бошқаларидан кўра қуюқроқ эди. Бунинг устига у худди жойидан жилгандай бўлди. Учи осмонга унча кўтарилмаса ҳам, бошқа дарахтлар билан тутшиб жетган. Бекбўлнинг эътиборини бир нарса ўзига тортди.

— Э-ҳа, тутун...— деб тагин алламаҳалгача бақрайиб қолди. Тутун аввалгидан тўхтаб қолди-да, кейин яна қуюқроқ чиқди.

— Турқнинг қурғурлар,— деб Бекбўл ундан кўз узмай тура берди, бошқа бирор яланг, очиқ далада ўтёқишга ботинадиган юракли одамлармиди булар! Тошпи қўйиб, қарағайзорнинг ичига кириб олибди-я, ифлослар! Оловни сербутоқ дарахт тагида ёқишяпти. Тутун бутоқларни оралаб чиққунча таралиб, йўқ бўлиб кетади, деб ўйлашган бўлса керак. Яна ўтни гуриллатмасдан, тутантириқ билан майда-чуйдаларни ёқиб ўтиришганларини қара! Шошганидан тузукроқ жой ҳам қилиб ололмапти-да!

Тоғ-тош орасида сал товуш ҳам жаранглаб акс-садо беради. Анчагина йилқи. Бири бўлмаса бири кишнаб қолса ҳам «мен бу ердаман» дегани бўлади. Қарағайзорда қалин бутоқлар ичида ҳар қандай товуш ҳам секин, жучсиз эшитилади. Бекбўл буни яхши билади.

— Қоракер нега овоз бермаяпти?— деб ўйлади у.— Унинг овозини ўчириш учун қон ичириб қўйишганга ўхшайди. Белгимни бузиб қўйишди-я...— деб жадал бориб отга минганча йўлга тушди.

Тоғ тепасида кўзлаб туриб бир-бир режа тузиб қўйган эди. Қарағайзор ичига кирганда ҳам ўша мўлжали билан тўғри адашмай бораверди. Сал вақтдан кейин у тўсатдан душман ётоғи устидан чиқиб қолди. Қуюқ дарахтзор, Бекбўлни кўришдимикин, йўқми? Нима бўлмасин Бекбўл энди тўппа-тўғри боравермоқчи бўлди. У бепарво ўткинчи бўлиб душманнинг қанчалигини билиб олмоқчи бўлди. Бу ерда одам қораси кўринмади. Фақат отлари бор. Катта йўл босиб, энди совутишга қўйилган отлар қалмоқча бойланган. Қозоқча эгарланган икки тўриқ от бир жойда. Бир қулун билан яна бир жийрон нарироқда. Отларнинг эгар-жабдуқларига қараганда Қизай, Сибан уруғларининг молига ўхшайди. Нариги ёқининг одамлари бўлса керак. Ҳаммаси чапдаст, абжир отлар бўлса ҳам, бугунги қийин сафар буларни жиққа терга бўқтирган. Умровлари ҳам, сонлари ҳам

тер қотиб ола була бўлиб кетган. Эҳтиёткор ўғрилар бошқа йилқиларни ҳам яйловга чиқармаган. Қафтдек жойдаги ҳар бир дарахтга иккита-учтадан нўқталанган от, биялар бойланган. Бу отлар ҳам миниладиган отлардек терлаган. Отлар ўғриларнинг ҳужумига учраб, азоб тортган. Қўлга тушган совет моли Успанқулларнинг ҳалол меҳнатини кўз-кўз қилиб тургандай ҳар бири йирик, келишган.

— Жониворларнинг қўлга тушганларини қара!— деб Бекбўл ичидан ачиниб қўяди. У яқинлашиб қолса ҳам ҳеч қаерда одам қорасини кўрмади.

— Ухлаб ётишибдими дейман,— ўйлади Бекбўл,— ундай бўлса уйғотмасдан бошқа йўл қидирай,— деган каби отнинг жиловини хиёл тортди.

Бироқ, худди шу лаҳзада бунинг бутун ҳаракатларини пайқаб, бундан кейинги ўйларидан хабардор бўлгандек, орқа тарафидан бир шанғиллаган товуш эшитилди:

— Тўхта!

Бекбўл бургутнинг балдоғини сал жилдириб, ошиқмасдан орқага қайрилди.

Қараса, ҳозиргина ўзи ёнидан ўтган чап томондаги катта дарахтнинг ўрта белида, башарасида қони йўқ, сурбет ўғри милтиқ ўқталиб турибди. У боядан буён дарахтнинг тепасидаги қалин булоқлар ичида ўтириб олиб Бекбўлнинг ҳаракатларини кузатиб турган қоровул экан. Энди у булоқларни очиб, боши билан кўкрагини кўрсатиб турибди. Бекбўл кўзларига куч йиғиб тикилиб қараса ҳам унинг башарасини танимади.

— Отдан туш!— деб буйруқ берди ўғри.

— Хўп, тушай, чироғим!— деб Бекбўл бемалол отдан тушди. Тизгинни эгарнинг қошига илди.

— Чўчима, чироғим, сен ҳам туш. Дўстмисан, душманмисан, деб сўрамайсанми? Овчиман, қушимни йўқотиб юрибман!— деди.

Бу сўзларни бемалол, мўмин-қобил кишилардек тинч туриб гапирди.

Ўғри унинг сўзига ишонса ҳам, ишонмаса ҳам дарахт тепасидан сакраб тушди. Кела солиб овчининг қўлидан тўриқнинг жиловини юлиб олиб, индамасдан, апил-тапил Бекбўлнинг орқасига ўтиб, милтиғининг учи билан буйруқ бергандек бошини қимирлатди. Бекбўл индамай итоаткорона ўша томонга юрди.

Яна бошқа уч ўғри дарахтнинг тагида писиб ўтирган экан, милтиқларини ўқталиб рўпарасидан чиқишди. Қоракер ҳам шу ерда экан. Уртароқдаги соқолли ўғрининг олдида ёғочда аллақандай кўк чандирни чўқилаб ўтирарди.

Бекбўл яқинлаб бориб, қушнинг нариги томонида ўтирган ўша кексароқ ўғрига кўз ташлади. Бирдан ўзгариб, таққа тўхтаб қолди. Шу заҳоти ўғри ҳам буни таниди. Турқида ҳам ажабланиш, ҳам совуқ бир нарсанинг акси пайдо бўлган эди.

— Бекбўлмисан?— деди ҳалиги одам ҳам хунук бир оҳангда. Бекбўл дарров ўзига келди-да, кўпдан буён соғиниб, ҳумор бўлган кишисини кўргандай ҳаяжон билан:

— Сатбек? Оббо Сатбек-ей, тирик экансан-ку! Омонмидинг?— деди қувонган бўлиб.

Икки ёқдан етиб келган икки ўғри энди Бекбўлни ўраб туришарди. Бекбўл уларга бир-бир қараб олди. Йчларида таниши йўқ экан.

Сатбек Бекбўлга яқинлашиб сўради:

— Дўстмисан, қасдмисан?

Бекбўлнинг кўриниши душманликдан олис бўлса ҳам, аниқлаб олмоқчи шекилли. Икки томондаги икки ўғри билан орқадаги бояги ҳайдаб келган ўғри Бекбўлчи тинтув қила бошлади. Кийимларини юлқиб, қўйни-қўнжиларигача титишди. Бекбўл ўз ихтиёрини уларга бергандек Сатбекни таниб, севинган ўша ҳолатида турарверди. Тикилиб, кўнглини тўла-тўкис очгандек гапирди:

— Дўстман, дўстингман, Сатбек!

— Чинданми?

— Чиндан!

Ўғрилар ҳамма ёғини тинтиб чиқишиб, ҳеч нарса топиша олмади. Сатбек ҳам «қўйинглар» дегандек ишора қилди. Афтидан, бошлиғи ўшанга ўхшайди.

Чўққи соқолига оқ оралаганини ҳисобламаса, Сатбек ўша-ўша, беш йил аввалгисидай.

Ўнғурдаги энг қинғир, эгри оёқларнинг биттаси шу эди. Мол-мулки кўп бўлишига қарамасдан, ўша кездаги бўлис ҳукуматининг тепасида турган йигитлардан бирига қизини бериб, ўша йигитнинг паноҳида қулоқ қилинмай, вақтида жуфтак уриб қочиб қолган эди. Ор-

қасидан эшитилган ҳар хил миш-мишларга қараганда, бировлар:

— Сибирда экан деса, бошқа бировлар: Тошкент томонларда ишлаб юрган эмиш дерди. «Ўлибди» деган овозалар ҳам чиққанди. Ҳар жойга бир из ташлаб, овоза тарқатиб юрган бўлса керак. Дастлаб йўқ бўлиб кетган, 29 йилда Сибирь тарафларини ҳам, Тошкент томонни айланиб чиққани ҳам рост бўлса керак.

Сатбек ҳам овчи. Бекбўл шу Сатбек яшаган томондаги камбағаллардан. Умри Сатбекнинг отасида қуш боқиб ўтган, биттагина отли хизматкор эди. Замондошга ўхшаб юрса ҳам, Сатбекнинг ит феълидан Бекбўлнинг ўзи, уй ичлари талай азоб тортган. Бекбўл Сатбекнинг тагин бир сирини билади. У ўлса ҳам ҳийлакорликни қўймайдиган уччига чиққан ёлғончи. Ҳозир бундай хунук ишнинг тепасида турганда ундан ҳар нарса кутса бўлади. Бекбўлнинг эндиги ҳаёти хавф остида эди. Кўпдан бери кўрган оғирлиги ҳам шу эди. Нима бўлса ҳам аввалги Бекбўл бўлиб кўринишдан бошқа илож йўқ. Сатбек уни бошдан-оёқ синчиклаб, заиф томонини излагандай бўлди:

— Гапинг рост бўлса, бу ёққа юр!— деб гулхан томонга бошлади. Ўзи қора пақирнинг тагига тутантириқ ёқа бошлади. Бекбўл келмасдан олдин ёқилган ўт ҳам шуники экан.

Унинг берган саволларидан бири шу бўлди:

— Нечта овчи эдинг? Ҳамроҳинг ким? У қаёқда?

— Ҳамроҳим йўқ, ёлғизман. Бўлмаса қушимдан айрилиб қолармидим?— деди Бекбўл.

Бу гапга ишонар-ишонмас Сатбек Қоракерни кўрсатди.

— Бу ҳалн ёш, учраган гўштга ўзини урадиган ўжар қуш экан. Сен олиб юрадиган қуш бундай бўлмас эди-ку? Бировники эмасми?

Ўғри икки кўзини Бекбўлга тикиб гапирарди. Вазият жуда қалтис. Аммо Бекбўл шошмасдан кулиб жавоб берди:

— Гапларинг рост, Сатбек! Бир ёш йигитнинг қуши экан, шунақа қилиқлари бор.

Сатбек индамай қолди. Аммо кўз остида таъқиб этарди. Шу пайт Бекбўлга илк бор дуч келган қайсар ўғри ҳам гап орасида савол бера бошлади. Унга бошқа икки ўғри ҳам қўшилди.

Буларнинг сўрагани: «Қувғин йўқми? Мол қидириб йўқловчилар борми? Кеча кечқурундан буён кимни кўрддинг?»— каби сўзлар эди. Бекбўл қушидан бошқа ҳеч нарса билмайдиган, кўрмаган, мўмин, содда чол бўлиб қўя қолди. Бу ҳолат Сатбекка яна бир нарса билдиргандай, у қайта сўради:

— Дўст бўлганинг чин бўлса, бизга қўшил, Нима депсан?

— Ҳа, ҳа, шунга нима дейсан?— деб бошқалар ҳам қўшилишди.

Бекбўл чиндан ўйга чўмиб, андиша қилгандай, Сатбека қаради-да, бирдан гапириб юборди:

— Эй Сатбек, мен келишим биланоқ сизларга қўшилдим десам, гапимни ёлғон дер эдинг. Сен мени, ўша қадимги Бекбўл деб қабул қилавер. Бунинг савдолашадиган жойи борми?— деди.

Шунда Сатбек жавоб ҳам бермасдан ўз шерикларини ишора қилиб четга чақирди. Тўрт ўғри нарироққа бориб, хиёл маслаҳатлашди. Сатбек ўша ёқдан туриб, кўз узмай бунга қараб турганини сезган Бекбўл сир бермаслик учун қимирламади.

Салдан кейин ўғрилар сўзлашиб секин-секин қайтишди. Аввалги қора ўғри Сатбек билан чиндан уришгандек, зардали кўринди. Бошқа икки ўғри ҳам шунақароқ. Сатбек ёлғиз қолганга ўхшайди. Ҳалигилар келиша Бекбўлнинг устига ташланишди. Урнидан турғизишиб, эсини йигиб олишга қўймасдан қора ўғри сариқ пичоқни ярақлатиб чиқарди. Пичоқни кекирдагига энди тақанган пайтда, Сатбек қора ўғрининг билагига ёпишди.

— Эй йигитлар, мени десаларинг, ўлдирманглар. Замондош, қурдош эдим. Ҳеч бўлмаса гапирсин.

Бекбўл бу бир найранг эканини сезиб индамади. Охирини кутмоқчи бўлди.

— Нимани гапиради? Гапнинг нима кераги бор?— деб устидаги босиб ётган ўғрилар дўқ уришди.

— Жуда бўлмаса бу бечорадан бир нарса тилаларинг. Урнига қўймаса, кейин ўлдир!— деди Сатбек. Гап бу ёқда экан. Бекбўл ўзлари гапирсин деб, тагин индамади.

— Бўлмаса: «Нима бўлса бирга кўрдим, ўлсам бирга ўламан, сизларга қўшилдим!» десин бу чолинг. Йўқ деса, бўғизлаб кетаман. Эгилган бошни қилич чопмайди,— деб қора ўғри Бекбўлни яна қаттиқроқ босиб ол-

ди. Бекбўл ҳеч қўрқмади. Ичида душманга ғазаб қайнарди. Сатбек илгариги ҳақ-ҳуқуқсиз камбағални алдаб еб юрган шум, муттаҳам, қонхўр, ялмоғиз. Мени ялинтирмоқчисан, ўша йўл билан ўзига ром қилиб, мени ажратиб олган киши бўлмоқчисан. Яна мени «қарздор» қилиб қўймоқчисан, деди у ичида. Душманлар қанча азобласа ҳам бундан сас чиқмади. Сатбек аччиғланди:

— Тилинг, борми ахир? Нега индамайсан? Мен сенга ёрдамлашиб, жонимни аямай турибман.

Бекбўл аччиғланган тусда:

— Бўлмаса мана буларингни устимдан нари ёққа ол!— деб тебранди. Дўқ қилиб турган ўғриларни Сатбек осонгина турғизиб юборди.

Бекбўл бўшагандан кейин Сатбек:

— Хўп, сенинг бошингга мен кафил бўлай, фақат бизга қўшилиб, бугун кечаси бир илож қилиб исини чиқармасдан мана шу молни йўлдаги отряддан олиб ўтиб кетишга ёрдамлаш. Нарини ёққа ўтгандан кейин миннатдорлигимни кўрасан. Боягидек сен Бекбўл, мен Сатбек бўламиз. Розимсан? Бўлмаса, мана бу турганлар сени бўғизлаб ташлайди!— Сатбекнинг биринчи бор очилиб гапиргани шу эди.

Бекбўл индамай, шошмасдан ўтириб, ҳамма гапларни гапиртириб олди. Энди чўзишнинг ҳожати йўқ. Қуёшга кўз ташлаб, унинг Ужарнинг нариги томонига қараб ёнбошлаб кетаётганини кўрди.

— Эй Сатбек, эй йигитлар,— деб Бекбўл ўнгланиб ўтириб олди.— Уша деганинг дуруст! Сўз битта бўлади. Мана бу гўштингни пишир, еб, отга минайлик. Ўзимнинг ўйлаганим ҳам шу эди. Фижиллашадиган ўрни эмас. Йўлимиз бўлсин,— деди.

Ўғриларнинг ҳозиргача тушиб турган қош-қовоқлари хиёл очилди. Сатбек яна бир карра пишиқлаш учун:

— Барибир энди қўлга тушсанг чегарада биз билан бирга тушасан. Ундаги ўлимдан сен ҳам қутулиб кета олмайсан. Тўғрими!— деди.

— Э, сўзни калта қил, оғайни! Қўлга тушмаймиз. Соғ-саломат ўтамиз. Бўлди!— деб Бекбўл энди гапни улардан ҳам ошириб юборди. Шундан кейин Сатбек билан Бекбўл ҳол-аҳвол сўрашиб кетди. Гўшт пишди.

Бекбўл дастурхонга ўтириш олдида Қоракерни қўлига қўндириб, қўшни яна бир чамалаб кўрди:

— Қани, тез овқатланиб, отга минамиз-у, чегарага кира беришдаги тоғнинг ичига етиб оламиз. Бўлинглар,— деди, ўзи ҳам ошиққан каби кўринди.

Ўғрилар унинг бу гапини маъқул топишди. Қун бўйи бир жойда ётишни улар ҳам лойиқ кўришмади. «Хўп» дегандек, кўниб турганини кўргач, Бекбўл эндиқушни кўтариб ўрнидан турди.

— Мана, туғилиб ўсган она еримизда Сатбек иккиламиздан ёдгорлик бўлиб қол. Оёғингдаги ипингни олмаман. Бор, жонивор, учавер, хайр!— деб Қоракерни осмонга учуриб юборди.

Қорни тўйиб қолган қуш учмай қоладими, деб аввал қаттиқ хавфсираган эди. Аммо Қоракер овчининг кўп меҳнатларини оқлай дегандай, баландга парвоз қилди. Уйнаб-уйнаб учиб, гир айланиб юқориламоқда. Бекбўл қуш кетидан бир оз қараб турди-да, кейин гулхан ёнига келди. У ҳам гўшт ейишга ўтирди. Мўл қилиб пиширган оемиз қулуннинг гўштини бошқалар апил-тапил юлиб ейиш билан овора. Лагансиз, кир рўмол устида буғи чиқиб ётган гўштга гулхан томондан келиб Бекбўл ҳам қўшилиб ея бошлади. Олов устига пақир осилган экан. Аммо, ўти ўчай-ўчай деб қолибди. Гўштни чайнаб ўтириб:

— Шўрваси совиб қолмасин!— деди-да, боя чамалаб қўйган бир ҳовуч япроқ билан қуруқ хашакни чаланинг устига ташлаб, пуфлаб ёндирди.

— Э, пуфлама, бу нимаси?— деб Сатбек норози бўлди.

— Нима қиларди? Шўрва совимасин!— деб ҳеч нарсадан хабарсиздек гўштга қўлини узатди. Кўм-кўк тутун қарағай устида қалқиб, ҳавода кўриниб ҳам қолди.

Гўштни еб, энди тугатиш олдида нарироқда қалмоқчасига бойланган якки тўриқ отнинг қулоғи бирдан чимирилди.

— Эй, отлар бир нарсани кўришдими?— деганча Сатбек чап томонга милтиғига ташланди. Бошқалар ҳам тапир-тупур қуролларини қўлга ола бошлади.

— Аттанг, қоровул қўймабмиз!— деб Бекбўл ҳам афсусланган бўлди. «Энди хавф-хатар йўқ. Атрофда қунан от чопиб боргунчалик жойгача тирик сичқон ҳам

учрамайди»— деб яна ҳамманинг кўнглини жойига туширди.

Ўғрилар дарахтлар панасига югуриб кетишди. Сатбек отига яқинроқ бир дарахтга қараб ташланди. Бекбўл унинг орқасидан югурди. Булар йигирма қадамча нарига борар-бормас бояги қорачадан келган ўғри милтиқ отди. Сатбек билан Бекбўл ҳеч кимнинг қорасини кўришмаган эди. Милтиқ товушига ялт этиб қарашиб, иккалови ҳам жавобан отилган милтиқ товушини эшитишди. Шу лаҳзада қорачадан келган ўғри чалқанчасига ағдарилди. Кетма-кет айтилган қозоқча-русча буйруқ эшитилди:

— Сдавайся!

— Қуролингни ташла!— деб атрофдаги қарағайлар буйруқ берган каби бўлди. Шеригининг қулаганини кўрган заҳоти Сатбек Бекбўлга қараб оғзини қийшайтириб, милтигини қайира бошлади.— Улдириб ўламан. Ешлигим...— деганида, Бекбўл қичқириб:

— Ташла қуролингни!— деганча сакраб ўғрининг милтигини ушлади, ўзи тиззасидан тепиб юборди... У эски душмани, ашаддий ўғри билан олиша бошлади. Аммо бир силташдаёқ Сатбек шилқ этиб Бекбўлнинг тагига тушиб қолди. Бекбўл ҳали душманни йиқитарли ҳаракат қилмагандай эди. Қараса, Сатбекнинг орқасидан келиб, эзиб, икки буклаб тушган Александр экан. Бекбўлнинг кўп йиллик дўсти, талай курашларда қатор юриб, бирга синашган, ишонган дўсти Александр — комендантнинг ўзи. Атрофни ўраб босқин қилай деб турган вақтда Александрнинг хаёлида фақат Бекбўл турган эди. Қуршовда қолган ўғрилар Бекбўлга бирор шикаст бермаса эди, деб чўчиган эди. Отларнинг ёнига келгунга қадар атака қилмаслигининг боиси ҳам шу.

Бир ўғри ўлди. Уч ўғри асир бўлди. Успанқул, Жонибек ҳам барча қизил аскарлар бойлоғлиқ йилқилар томонга юришди.

Бекбўл Александрни қучоқлаб олганича, Сатбекнинг олдига бошлаб келди-да, муттаҳамнинг кўзига тикилиб:

— Сатбек деган одам мана шу бўлади! Мен туғилган йили бирга туғилиб, Совет ҳокимияти ўрнатилганга қадар соқолим оқаргунча елкамга миниб, қонимни сўриб келган зулук эди. Сатбек исмини кўп эшитган бўлсанг керак?— деди.

— Кўп эшитганман, яхши биламан!— деди Александр.

— Ана шу Сатбек шу!— деб Бекбўл Александр томонга бурилди-да, кулиб рус тилида гапирди:

— Шу билан мен нечанчи қочоқни ушлаб бердим, Александр?

Александр Бекбўлни қўлтиқлаб олиб, холироқ жойга чиқди-да:

— Но Бекбўл, табриклайман. Бу сен ушлаган ўн тўққизинчи нарушитель!— деб кекса овчи дўстининг қўлини қаттиқ қисганча узоқ силкитди.

* * *

Орадан бир неча йил ўтди. Яна октябрнинг кўркам, кўнгилли кунларидан бири. Катта, бадавлат колхознинг яп-янги тоза уйлари. Ҳаммасида тўқ, қувноқ ҳаёт сезилади. Шу колхознинг энг ўрта бир ерида қизил темир тунука томли гўзал бир уй бор. Бу — Бекбўлимизга қарайди. Кекса овчининг ўзи катта хонада бояги содиқ дўсти Александр билан бирга ўтирибди.

Тажрибали кексанинг сўнгги йиллардаги иши аввалгисидан ҳам ўтиб тушадиган. Ҳозирги ишларининг саноғи Сатбекни ушлагандагисидан ошиб кетган. Ҳозир Бекбўл ҳурматли, ордендор колхозчи. Фақат ўзи эмас, у ҳозир Жонибекни ҳам худди ўзи сингари эпчил, чапдаст, олғир қилиб тарбиялади.

Анови остонада турган Қизилбалақ ҳам аввалгича. Йил сайин у колхоз бойлигига 130—140 тулки қўшиб туради. Ватан душманларига қарши жон фидо қилиб курашадиган ҳурматли кекса овчи Бекбўл билан молтопар, қайтмас жангчи Қизилбалақ — икки шерик ҳали-вери қаридик, чарчадик дейдиган эмас. Қайтанга ҳозир энг навқирон йигитлик пайтимиз дегандай бўлади.


Бунинг биринчи белгиси — Бекбўл сўнгги икки йил ичида зеҳн қўйиб, Александрнинг гапи билан русча хатни танийдиган бўлиб қолди. Бурун тилга чечан бўлса, энди ўзинча газета, китоб ҳам ўқишга уста бўлиб қолган. Мана бугун ҳам Александрни атайлабдан меҳмонга чақириб, бир қиммат баҳо китобнинг қайси бир тушуниксиз жойларини ундан сўраб олди. Икковининг ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб турган юпқа китобчанинг

устида олтин ёзувлари бор. У қозоқ республикасининг конституцияси.

Юз ўн биринчи модда устида Бекбўл қўйган бир белги бор. У шуни ўқиди: «Ватанни қўриқлаш — СССР граждaнларининг муқаддас бурчи...»

Бекбўл Александр билан бирга сайлов Низомини ҳам пишиқлаб билиб чиқишга аҳд қилишган. Икки дўст буни жуда улуғ, зўр бурч деб билишади.





Кораадирнинг қарағанзор сойи бўм-бўш. Атрофда пасту баланд олачипор адирлар, улар устини пастак бўз қараған, тўбилғи босиб кетган.

Сой бўйида май ойининг салқин нафаси бор. Кўкариб япроқ ёза бошлаган қалин қараған шабадада шитир-шитир чайқалади, теварак-атрофдан ёввойи саримсоқ ва кўкатларнинг ҳиди анқийди.

Узун, кенг водийни қоплаб ётган қарағанзорнинг ўртасида чуқур бир жарлик бўлиб, бош томонида, қалин наъматак орасида бўри ини бор эди. Бу инни атрофдагиларнинг ҳаммаси яхши билишарди. Ёз кира бошлаши билан икки бўри келиб уни ўзларига макон этди. Илгари наъматак ёнидаги кичкина майдончада одам зўрға сиғадиган учта ин бўлар эди. Бу йил яна бир ин пайдо бўлиб қолди. Унинг лабида яқинда қовланган тупроқ ётибди. Бўрилар бошқа-бошқа инда яшасалар ҳам, бири-бирига ер остидан йўл очиб қатнашади. Атрофда бўрилар ўйнашган бўлса керак, нозик майсалар янчилиб, топталиб қолибди. Қараған учларида илиниб қолган бўрининг оппоқ жуни кўзга ташланади. Қишдан қолган тивити ҳозир ҳам ҳар жой-ҳар жойда мана шундай тўкилиб ётарди. Инларнинг ўртасида икки туп қалин чачир бор. Ҳозир шунинг тагида обдан тулаб бўлмаган оқ

бўри ётибди. Бағрида майда-майда бўри кучуклари ги-мирлашади. У ўзини офтобга тоблаб ётибди. Кўзи дам йилтираб очилиб, дам юмилиб мудрайди. Ийиб турган елинларини болалари тортқилашади. Унинг тепасидаги чачир шабадада тебранади. Теваракдаги қараган билан наъматакнинг бошлари чайқалади.

Бир маҳал бош томондан чий, тўбилғи, хашакларни шатир-шутур қилиб, шарт-шарт синдириб, бир нарса келаётгани сезилди. Оқ бўри эсини йиққунича у шовқин-сурон билан ёнига келиб қолди. Оқ бўри сапчиб турди... Бағридаги кўк кучукчаси шошганидан қоқилиб-сурилиб, юмалаб қолди. Оқ бўри озиқ тишларини кўрсатиб ириллади.

Худди шу пайт унинг олдига қараганларнинг устидан оша бир қизил қўзи тўп этиб тушди. Унинг кетидан кўк чиноқ бўри етиб келди. У энтикиб, келган бўйи оқ бўрини айланиб ҳидлади, у ер-бу ерини ялади. Шундан кейин типирчилаётган қўзини кўриб қолиб, ириллаганича бориб босди.

Қўзи бечора икки ваҳшийлар оғзида қонга беланиб, бўлак-бўлак бўлди, мурғак суяклари қирс-қирс синди. Уни бирпасда очофатдек бўрилар ямлаб ютди. Тумшуги, боши, бўйин жунлари қип-қизил қонга беланган бўриларнинг кўзидан ўт чақнар эди.

Сал вақт ўтмай иккови фақат қўзи ўрнинигина қидлаб қолишди.

Олдинроқ туғилиб, кўзлари очилган бўри болалари тўпланишди. Кейинроқ туғилган икки кучукча гавдасини кўтара олмай гандираклар эди. Онаси уларни бағрига олиб, эмиза бошлади.

II

Эртасига туш пайтида ёт ҳид келди. Йироқдан аллақандай шарпа эшитилиб, яқинлаша бошлади. Оқ бўри кучукларини гарданидан тишлаб, инларига олиб кириб ташлади-да, ўзи қараган ичига кириб кетди.

Инга томон тасир-тусир, дупур-дупур қилган туёқ товушлари яқинлашди; шовқин-сурон кучайди, бўри ётган жой олатасир бўлиб кетди. Ин устидан ташланган ёғочлар ерга тарақ-туруқ қилиб тушар, ин оғзида нималарнингдир оёқ товуши эшитилди. Ўткир кўзлари ин ичига тикилгандай бўлди. Бўри болалари бирига-бири

мингашиб, гавдасини ердан кўтаришга ҳоли желмай, яқин жойда ётар эдилар. Бақувват сиртмоқлар уларни гарданига тушиб, ташқарига судраб чиқди. Еттитадан бештасини кўзларига қараб ўлдиришди-да, иккитасини тирик қолдиришди. Қетаётганларида уларнинг биттасини ҳам тирсагидан пайини узиб ташлаб, энг кичигини олиб кетишди. Икки бўри ташлаб жетган боласини тишлаганча кўтариб қаёққадир ғойиб бўлди. Ин ҳувиллаб қолди...

Шу воқеадан кейин яқин жойдаги овулда бир ҳафта давомида куни-туни қий-чув бўлиб турди. Қўй яраланди, қўзи йўқолди. Бузоқлар ўлдирилди. Далада қулунлаган бияларнинг қулунлари еб кетилди.

Тутиб олиб кетилган кўк бўри овулда қолди.

III

У овулга келтирилгандан сўнг икки кундан кейин кўзини очди. Юрт бўри боласини асрашга рози бўлди. Кичкина Қурмаш унга Кўкёл деб от қўйди. У эртаю кеч бўри боласи ёнидан жилмасди. Унга алоҳида овқат қўйиладиган итялоқ ҳам тайёрлади, гавдасини кўтариб юра бошлаши билан бўйнига бўйинбоғ солди. Кўкёл уй ичидан чиқмас, уни Қурмаш кечаси ёнида олиб ётар эди. Шу мақсадда у бувисининг қўйнида ётишдан ҳам воз кечди. У алоҳида ётади-ю, ёнида ёки оёқ томонида, кўрпа тагида Кўкёл ётади.

Ёзнинг ярми ўтди. Кўкёл катта бўлиб, семириб қолди. Бироқ даладагидай эркин ўсолмас, ўзи ҳам овулдаги тенгқур кучуклардан у қадар катта эмас эди.

Бу пайтгача Кўкёл овул итларидан жўрадиганини кўрди. Бирорта ит ҳам уни дўст тутмайди, ўзига яқин йўлатмайди. Довюрак бўрибосарлар эса уни талаб ташлар, бошқа кўлгина итлар ириллаб-ҳуриб, гоҳо панд бериб, ҳар жойидан тишлаб ҳам кетадилар.

Қурмаш ёнида бўлганида у жалтак емайди. Кўкёл катта бўла борган сари эгаон унинг ёнида кўпинча бўлмас, шундай пайтларда Кўкёлга овул итлари дуч келадиган бўлиб қолди.

Бир сафар катта уйнинг каттакон ола-була кўппаги уни осонгина ерга босиб, роса ағанатди. Буни кўрган ўзга итлар ҳам югуриб келишиб, чопидану сонидан чўзгилаб ўлдиришларига оз қолган эди. Шовқин-суронга

болалар, катталар тўпланиб, итларни уриб ҳайдаб, базўр ажратиб олишди.

Бироқ Кўкёл ҳали ҳозиргача ҳеч қачон вангиллаб думини қисиб қочмаган. Итлар таламоқчи бўлиб югуршса, елка ёлини ҳурпайтириб, қаққайиб туриб олади. Тиши ботиб, жонидан ўтса, тишларини товушсизгина иржайтиради.

— Бу колир, қайсарни қара! Эгилай демайди-я!— деб овул кишилари ҳайрон қолишади.

Шундай қилиб овулдаги хотинлар Кўкёл ҳақида ҳар хил олди-қочди гаплар тарқатиб юришди.

— Уғри, асраганинг билан мол бўлмайди. Насли ёв-ку, унинг!— дейишади.

Баъзи бировлари:—«Кечалари қўзиларнинг қуйруғини ҳидлаб юради. Қўйларни ҳуркита беради. Тунда далада юришни яхши кўради. Фақат итдан кўрққанидан уйда ётади»— дейишади. Қурмаш бу гапларнинг бирортасига эътибор бермасди.

Дарҳақиқат Кўкёл ўлгундай очкўз эди. Агар одам қараб турса олдига қўйилган овқатга қарамайди. Борди-ю, одамнинг кўзи шамғалат бўлди дегунча, бирпасда йўқ қилади қўяди. Яна қорни оч бўлса-ю, овқат беришмаса, барибир топиб ейди. Кўзга ташланиб турган чий-тўсиқ ичида гўшт ёки ёш тери осилиб турган бўлса, қозонда иримчиқ, қатиқ бўлса — барини худди ўзининг идишига қуйиб қўйишгандай ҳидлаб еб-ялаб кетади. Гоҳо шундай қилганида қўлга тушиб, калтак ҳам ейди. Бошига шақ этиб теккан ўқлоғи-ю, бўйнига шип-шип тушган қамчини ҳам кўп марта тотиб кўрди. Бунга у фақат тишларини иржайтирибгина жавоб қайтаради.

Қурмаш қанчалик тарбияламасин, Кўкёл ўғирлик билан ҳалол овқатнинг фарқига ета олмади. Баъзан одамлар овқат бериб «е» дейишади. Баъзан шундай овқатни ўзи топиб еса уришади. Шу сабабли олдига атайлаб қўйилган овқатни ҳам емай кўз қири билан ён-верига қараб-қараб ётар эди.

Ҳар қалай Кўкёл узиб-юлиб еб юриб, оч қолмас эди. Кунига икки марта овқатланиш унинг одатига айланган. Ўз қўллари билан икки маҳал овқат қўйишмаса, шу кунни Кўкёл ўз ихтиёрича бориб бир нимани еб келар эди.

Шундай қилиб юриб ёз оққан пайтда Кўкёл жап-катта кўк чиноқ бўри бўлиб етишди. Энди уни олапар кўппак ҳам талай олмайди. Елка ёли тиккайиб, кўзлари

яшилланиб, барча тишларини жүрсатиб, оғзини йириб очиб иржайтирганида анча-мунча итлар вангиллаганча думини қисиб қочиб қолар эди.

Бундай пайтда Қурмашнинг ўзи ҳам унга «ёт-ёт» деб қўрқа-писа яқинлашар эди.

IV

Кўкёлнинг тишлари ҳали яхши етилмаган, бироқ ўзи асл арлон эди. Ҳозирча ранги кириб, тўлишганича йўқ. Бутун жуни тим кўк. Елка ёли ҳурпайиб бошидан то думигача туташ бир текис, у камалакдай эгилувчан; чопса садоқ ўқидай тез учадиган ғалати одати бор.

Ўзи ҳеч кимга яқин йўламайди, тегмайди ҳам. Ит хотига асло йўламайди. Ҳали — ҳозиргача бирор марта яйраб ўйнамаган, фақат ўз отини билади. Қурмаш билан бувиси чақирсагина келади. Унда ҳам чопиб келмай қуйругини билтанглатиб, елиб келади. У бу қилиқни фақат оч қолганидагина қилади. Бўлмаса кўпинча ер остидан суқ билан ялт-юлт қараб, индамай ёта беради. Бориб турткилаб, ўрнидан турғизсаларгина уйга қараб юради. Улғайган сари унинг турқи совуқ бўла борди. Унинг бу ҳолатини пайқаган кексалар:

— Энди бунини ўлдириб, терисини шилиш керак, бу кобир сира ҳам эл бўлмайди,— дейишар эди. Бироқ Қурмаш кўнмади.

Шундан бир оз кейинроқ Кўкёл Олапар кўппакка майдонда ўз кучини кўрсатди. Олапарнинг эгаси Жумаш бола ёз бўйи Қурмашга:

— Қашқир бўлса бўлар, менинг Олапарим унингни шундай олади-ю, ерга босади. Сен ажратмасанг аллақачон ўлдирар эди,— дея берар эди.

Бир куни тушда Қурмаш Кўкёлни ташқарига олиб чиқиб, овқат бериб турганида, нарироқдан силапчиннинг шалдираётган товушини эшитган Олапар шундай муйилишдан чиқди-ю, ўзини йўқотиб йўлда туриб қолган Қурмашга ҳам қарамай югурганча келиб, Кўкёлнинг биқинидан шартта вишлади.

Авваллари бундай пайтда овқатини ҳам емай, одамга қўрқа-писа қараб-қараб қўйиб, чиқиб кетадиган Кўкёл энди қаттиқ ириллаганча Олапарни томоғидан ғиппа тишлади. Унинг оғиз урган жойи қулоқчаккага яқинроқ эди. У кўппакка бўйнини буришга ҳам қўймай маҳкам

тишлаб, силтаб-силтаб юборганида каттакон кўппакнинг орқа қуймичи тўлғаниб-тўлғаниб бориб, Кўкёлнинг ёнига гурсиллаганича йиқилди.

Атроф-теваракдан одамлар тўпланиб қолишди. Кўкёл Олапарни томоғидан бир оз бўғиб туриб қўйиб юборди-да, ёлини ҳурпайтириб, даврадан чиқиб кетди.

Ғолиб ёвнинг қийноғидан зўрға қутулган Олапар вангиллаганча думини қисиб, қаёққадир кетди.

Шу воқеанинг эртасига кечга яқин овулга яқин жойда ётган қўрага бўри чопди. Дўнг тепасидаги чўпоннинг ҳайқириғини эшитган овулдаги ёшу қари, пиёда ва отлиқ бўлиб итларни олқишлашиб, қувиб кетишди. Қурмаш: «Кўкёл ҳам кетди», деб одамлар кетидан югурди.

Бироқ бўрига бирорта ҳам ит ета олмади. Қирни ошиб тушмасданоқ, итларнинг бари, одамлар ҳам тўхтаб қолди. Кун ботиш томондаги сариқ тепадан бир-бирига эргашиб чиқиб кетаётган иккита йирик қора кўринди. У бўри эди. Уларнинг орқасида тумшугини ерга осилтирганча тўхтамай йўрғалаб Кўкёл кетиб бораётибди. Бир оздан кейин у ҳам тепадан ошиб тушди. Қурмаш билан болалар: «Кў-ўк-ёл!» «Кў-ўк-ёл!» дейишганча чақиришиб, орқасидан югуришди.

Роса қош қорайгандагина Кўкёл ёлғиз ўзи бир-бир босиб, овулга кириб келди. Бироқ уйга жирмай, нарироқда туриб, қайта-қайта ерни таталаб чангитади. Сариқ тепага қараб-қараб қўйиб, нари-бери юради-да, ерни ҳидлайди. У тинчлана олмагандай эди.

Қурмашнинг дадаси Кўкёлнинг ҳолатини пайқаб:

— Войбў, манави кофирнинг икки кўзи ям-яшил бўлиб кетипти-я! Узининг бўри зотидан эканини сезибди-да, юзи қора. Қўй, болам, энди буни ўлдириб, терисини шилайлик,— деди.

Қурмаш бу гал ҳам кўнмади... Бироқ шундан икки кун кейин Кўкёл бир кечада ғойиб бўлди қолди. Қурмаш уни қочиб кетди, дейишга тили бормай атрофдаги чий-қамишзорни, жар-жираларни текис қидирди. Топа олмади. Шу билан одамларнинг бари уни кетдига чиқаришган эди, орадан уч кун ўтганда эрта тонгда Кўкёл худди осмондан тушгандай қаёқдандир ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолди. Қурмаш билан бувиси бўрининг бу одатидан қувовиб, хурсандчилик билан қарши олишди. Бу гал Кўкёлнинг икки биқини қалишиб, лойга беланиб, шалтағи чиқиб, бир аҳволда келди. У овулда бир оз

яшагач, яна илгариги ҳолатига қайта бошлади, семириб, кундан-кунга ўса борди.

Бу улкан бўри бўлиб улғайишининг белгиси эди. Узининг шу ҳолатини сезган бўлса керак, қора довулли куз кечаларининг бирида Кўкел яна ғойиб бўлиб қолди. Бу сафар қайтиб келмайдиган бўлиб кетди. У юмроққозиқ, жуён каби овларни тутиб еб, ўзини асрайдиган бўлиб олди. Шундай қилиб, қишга ҳам етиб олди. У қирдан-қирга йўртиб, атрофга алахлаб шамол томонга тумшугини тутиб, ҳид олиб юриб, бир қишловнинг тепасидан чиқиб қолди. Қишлов яқинидаги бўз қараған ичида, қорли адирда у ёққа-бу ёққа юриб, кўп пойлади.

Қўрадан ажраб чиққан битта ҳам мол йўқ эди. Қишлов қорайиб кўринади, чақчайиб қараётган кўзлар каби ҳар жой-ҳар жойда олов ёқилганди. Пичан тепаси-ю, қўранинг у ер-бу ерида ётган итлар тинмай ҳуради. Қишлов ҳушёр, уйғоқ..

Бироқ шу қўрадан димоғни ёриб қўй иси ҳам желади.

У қўрага яқинлай деган эди, итлар чувиллашиб ҳуриб, яқинлаштиради. Қаттиқ изғириндан тумшугининг учи, лаблари ачишиб чидаб бўлмас даражада совқота бошлади. Товонидан ўтаётган зах ҳам оёқларини титратиб, қотириб бораётибди. Қайта йўртиб адирга чиқди.

Биринчи бор ноилжликдан кўкка қараб улиди, кучли улиди. Бу Кўкелнинг илк бор улигани эди.

Қорли кимсасиз адирни бошига кўтариб улиди. Тинмай узоқ-узоқ улиди. Унинг товуши чиққан сайин-овул итлари вовиллар, вангиллар эди.

Кўкел думини чотига қисиб, букилиб, оч биқини дам-бадам лўкиллаб олиб турганида худди ёнгинасида ўзиникига ўхшаган бир товуш эшитилиб қолди..

Бу Кўкелнинг товушини эшитиб, шу атрофда юрган қанжиқ экан. Бирини-бири кўриши ҳамон иккови икки томондан интилди. Бири-бирига яқинлашганларида ириллашиб, тишларини тегизмай тиржайтиришди. Озиқ тишлари шақ-шақ этди. Кўкел қаттиқроқ ириллаб, яқин йўлатгиси келмай, нари-бери салчиб тушиб, тез айланиб, ғазаб қўзғагиси келди. Оқ бўри эса унинг атрофида айланиб гингшиб, изини ҳидлади. Бир оздан кейин қуйруқ томонидан ҳидлаб сийрағини ялаб ўтди. Шундай қилиб иккови танишиб олди. Кўкел ҳам айланиб ҳидлай бошлади. Бир мартадан жағларини ялашди.

Қўшилишиб, сойга қараб жўнашди. Иккови ҳам қаттиқ йўртиб кетди.

Қўра ёнидаги сариқ тепани ёнлаб кўтарила бошлаганларида жуни ҳурпайган Олапар изларидан тушди. Бу Кўкёл билан ёз бўйи ириллашиб ўсган кўппак эди. Бўрилар қўрқиб қочганлари йўқ. Кўкёл оқ бўрини олдига солиб ўзи ўнгу сўлга ялт-ялт қараб, чуқурликка томон чопа бошлади. Кетидан итларни эргаштириб, ҳаллос уриб желаётган Олапар чуқурликка тушиб энди ўзини тўхтатмоқчи бўлганида, Кўкёл кетига бурилди-ю, унга ташланди. Бошқа итлар тепанинг устида серрайиб туриб вовиллашар эди.

Оқ бўри ҳам айланиб келиб, Олапарнинг йўлини тўсди. Икковига тоб беролмай чап бериб қочишга юз тутган Олапар қуйруғини ликанглатиб-ликанглатиб юқорига қараб югургани учун улардан қутулиб кетолмади. Оқ бўри етиб келиб бир тишлади. Олапар орқа томонидан кўтарилиб учиб бориб тушса-да, йиқилмади, юзмаюз келиб ириллаб туриб қолди.

Шу қоқ уларга етиб келган Кўкёл Олапарни қулоқ-чаккасидан олди-ю, кўз очиб юмгунча ўтган вақт ичида пийпаб, остига босди. Иккала бўрининг елкалари дўппайиб, ёллари тикка-тикка бўлиб кетди. Оғизлари олдин жунга тўлган бўлса ҳам, кейинроқ иссиқ қонга, юмшоқ гўштга, қисир-қисир синган суякка тўлди. Оёқларининг остида топталган қалин қор атрофга бурқ-бурқ сачрайди. Иккови ҳам илиқ, юмшоқ гўштга тумшукларини тиқиб, товуш чиқармай, очкўзлик билан гўлт-гўлт ютарди.

Охирлаб қолганларида иккови икки сонни ўртасидан шарт йиртди-ю, ҳар ёққа судраб кетишди. Салдан кейин Олапарнинг ҳар жойда жуни сочилиб қора товони-ю, қуйруғигина қолди.

Иккови ойдин кечада қайта Қораадирга қараб йўл олди. Олдинда Кўкёл, кейинда изма-из оқ бўри борарди. Улар адирга кираверишда бир оқ қоянинг тагида ағанаб-ағанаб олишди.

V

Шу кечасдан бошлаб икки бўри бир-биридан ҳеч айрилмади. Енига шерик эргашгандан бери Кўкёл зўрайиб, тез ўсди. Оёқлари йўғонлашиб, жунлари ўсиб,

йўғон, миқти бўлиб олди. Қиш ичи яна ҳам елкаси дўп-пайиб, бўйни йўғонлаб, семириб кетди.

Ҳаммага таниғлиқ бу икки бўрининг дастидан Қора-адирдаги овуллар кўп жабр тортди. Далада чўпонни бақрайтириб туриб қўйини тортиб еб кетадиган, яйлов-даги молга чопиб бузоқдан тортиб улкан сигиргача бўғизлайдиган ҳам шу иккови эди. Февраль, март ойлари ичида уч-тўрт туя ҳам ейилди. «Одамдан қўрқмайди. Айниқса ичида бир кўк чиноғи бор. Қўйни олиб қочиб ичини ёраётганида сўйил бўйи жойгача яқинлашсанг ҳам қочмайди. Даладаги қўйга олдин биттаси келиб чопади, унга чўпон алданиб юрганида, иккинчиси бош-қа томондан келиб олиб кетади»,— дейишар эди одам-лар.

Бўронли, изғирин тунларда бўрилар гоҳо-гоҳо қўрага ҳам тушиб туришди. Бир камбағалроқ овулнинг қўра-сига ёлғиз Кўкёлнинг ўзи тушиб, ўнгача қўйини бўғиз-лаб, қутулиб кетган пайтлари ҳам бўлди. У бир неча овулнинг «Бўри билан олишишига ярайди», деб юрган итларини ҳам писанд қилмай қўйди. Яна шартлашган-дай улар Қораадирнинг қишловларига навбат билан ҳужум қилади. Бир неча кун бир-икки овулни сурунка-сига айлантириб юриб, кейин бир ҳафта-ўн кунча бу атрофда кўринмай, йўқ бўлиб кетади.

У пайтда иккинчи, учинчи овулдагилар аввалги овулларнинг ҳолига тушади. Ҳар овулнинг рўпарасида бўрилар кўриниш бериб келадиган қоровул тепалар бў-лади; яширинча яқинлашадиган сой, ўзанлар бор. Кўкёл овга чиқиш учун мазгил танламайди: эрта тонгдами, тушдами, тундами барибир. Кунига бир марта овқатлан-маса кўнгли ўрнига тушмайди.

Одамлар анави тоғ орасидан, анави чий, анави қа-раған босган сойдан келади дейишади — худди улар айтгандай шу жойлардан бекиниб келади. Булар айлан-тириб юрган овуллар молларини якка-ёлғиз қўймай, кўздан йироқ қилмай, четга чиқармай жуда эҳтиётла-шади. Бироқ, кундузми-тундами, ишқилиб, бирор тасо-диф юз бермай иложи йўқ. Кўкёл худди ўша жойда, ўша одамнинг рўпарасидан чиқади-туради.

Қиш қаттиқ. Қор қалин. Бўрини қор кўтаради. Отни кўтара олмайди. Шу сабабли неча бор ют совутиб, кал-так ҳозирлаб қувиш иштиёқида ёнган йиғитлар бўлса ҳам ҳеч нарса қила олишмади. Фақат бир сафаргина

Арслонбек ўзининг пойгаларда танилган жийрон оти билан уларнинг изидан тушиб, қувиб кўрган эди. Кўкёл адирдан-адирга қочиб, уни адаштириб кетди.

Яқин йўлатмай милтиқ отиб қўрқитмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Кўкёл улардан ҳам тап тортмади. Заҳар солганлар бўлди, емади. У заҳарни итлар еб, қирилиб қолган вақтлар ҳам бўлди.

Бу гапларнинг бари Қораадир теварагида яшайдиган элда содир бўлган эди. Сўнгги ой ичи бир овулнинг одами иккинчи овулга боргундай бўлса, йиғинларда кўпчиликнинг боши қўшилса бўлди, ўрталаридаги гап шу икки бўри ҳақида кетарди.

Кўкёл ана шундай донг чиқариб семираётган, ўсаётган эди.

Шу билан бирга Кўкёл чет, кимсасиз жойда жуда шўх ўйноқи эди. Туш пайтида, ёки эрта тонгда бир молни овлоқда ағанатиб еб олиб, одам турмайдиган хилват жойдаги инига қайтади. Бу пайт оқ бўри йўл юриб, ҳориб-чарчаб келиб ётгундай бўлса, Кўкёл унинг атрофида қорни бўратади. Шамолдай учиб келиб тишлаб олади. Оқ бўри бошидан ошиб, ағанаб тушади. Гоҳо оқ бўри ириллаб, тишини шақиллатиб, қулогини қисиб, аччиғланиб даф қилади. Бундай пайтда Кўкёл ҳам қаттиқ ириллайди. Баъзан у сакраб келиб, оқ бўрининг елкасидан тишлаб, бўшатмай туриб-туриб, кейин қўйиб юборади. Иккови шу билан ажрашади, талашмайди. Кейин Кўкёл яна ўйнаша бошлайди.

Ҳаво кундан-кунга исий бошлади. Бир неча бор кун чарақлаб очилиб, ҳар жой-ҳар жойнинг қори эриб ўйдим-чуқур қора ерлар жўрина бошлади.

Илиқ кун жишининг уйқусини келтиради, овқатдан кейин шол-шол қилиб кишини бўшаштиради, баданни жимирлатади. Оқ бўри ҳам ўйинқароқ бўла борди. Ўзи келиб Кўкёлни ҳидлаб ялайдиган, қайта-қайта осила берадиган бўлди. Фингишиб, тишлаб-тишлаб ҳам олади. Куйикди... Иккови қалин қараган орасида юмалашиб ҳам олишди.

Ҳаво юришиб, ёз кирган чоқда икки бўридан Қораадир халқи сал тинчигандек бўлди.

Қораадир сиртида, одам боласи яшамайдиган жойда икки улкан, суви шўр кўл бўлиб, уларнинг оралигидаги қалин чий ичида эски ин бор. Кўкёл билан оқ бўри шу жойни макон қилишди. Яқин ерда қамиш, ундан нарида

кўл. Хавф-хатарсиз. Одам кўзидан овлоқроқ. Бу ерга оқ бўри бошлаб келди.

Ёз чоғида Кўкёл бошқа томондаги овулларни айлан-тирди. Оқ бўри эса ин атрофида қолиб, қамиш оралаб, қушларнинг тухумини еб юрди.

Бир кун Кўкёл инга қайтиб келиб, нуқул қуйруқ қусди. Илгарилари оқ бўри чиқиб, уни қарши оларди. Ундай қилмади. Кўкёл ин оғзини таталаб чанг-тўзон кўтаргандан кейингина оқ бўри зўрға чиқди.

Ин ичидан чиқаётган ёт ҳидни сезган Кўкёл боши билан гавдасини суқиб, ириллаб бориб кичкина, кўримсизгина кучукчани тишлаб, судраб чиқди. Оқ бўри беҳолгина ириллаб, унга ташланди. Аммо, қаршилик кўрсата олмади. Кўкёл шунда ҳам тўхтамай кўк бўри-ваччани ерга пийпаб уриб, қовирғаларини кирт-кирт синдириб, ўлдириб ташлади. Кўкёл оқ бўрига қаради. Оқ бўри бу пайт, Кўкёл билан иннинг ўртасида ётар, майда-майда бўриваччалар унга томон ўрмалаб келишар, тумшукларини оналарининг елинига ботиришар эди. Кўкёл қовоғни солиб яланди-да, бир четга бориб ётди.

Оқ бўри у билан овга чиқадиган бўлди, кўп узоққа бормади-ку, ҳар ҳолда, унга эргашадиган бўлди.

Бир кун иккови бир кўзини еб келишаётган эди, инларининг устида жуда кўп ёв турганини кўриб қолишди. Қамиш орасига яширинишди. Ёв йироқлашгандан кейин келиб қарашса, фақат биттагина бўривачча қолибди. У ҳам буралиб ўрнидан тура олмайди, кейинги оёқларини боса олмайди. Оқ бўри уни тишлаб олиб келиб, қамиш ичига яширди. Иккови қайтадан Қораадир томонга қараб кетишди. Пойгалашиб,- дам биттаси, дам иккинчиси ўзиб етиб келиб, даладаги сурукка чопди. Кечаси қулун еди, той еди.

Бетўхтов эски излари билан елиб, ўша илгариги овулларни қон-қақшатди. Икки бўри бурунгидан ҳам бадтарроқ қутурди..

Оқ бўри ўйнамас, фингийберар, овқат егани билан семирмас эди. Баъзан ёлғиз ўзи санқиб кетади. Кўкёл орқасидан қидириб юриб, базўр топади. Гоҳо Кўкёл тез юриб кетганида у юрмай тўхтаб қолади. Кўкёл қайта айланиб келади.

Гоҳо бир-икки кунлаб оч қолишади ҳам.

Бироқ, Қораадирдаги халқ икки бўрини унутгани

йўқ. Бирор гап бўлса шу икковидан кўришади. Энди ер қуриган пайтда шамолдай учқур айғирлар қайта минилди.

Бир сафар зўр қувди-қувди бўлди.

Уч отлиқ икки бурини тўбилғи бутазоридан чиқариб олиб, изма-из тириқтириб қувишди. Иккови икки ёққа қочди. Оқ бўрининг елини обдан қотмаган эди. Қувиб келаётганларнинг бари бирдан унга ёпирилишди.

Кўкёл, ноилож, йўлларини тўсиб чиқиб, уч отлиқнинг олдига ўзи тушди. Оқ бури билан ёнма-ён Қораадирга томон қочди.

Отлиқлар уларни ўз эркига қўймай ёнлатиб қувиб, тоққа чиқармади, қайриб олди. Оқ бўри пастга қараб қочди. Кўкёл бўлса тоққа қараб қоча берди. Уни битта отлиқ, иккита отлиқ эса оқ бўрининг кетидан кетди. Кўкёл беихтиёр оқ бўридан ажради, орқасидан дупур-дупур қувиб келаётган кучли туёқлар уни оқ бўрига қўшмади. Шундан кейин у адир ичига кириб, бир-икки қир ошганидан кейин қувувчиларни адаштириб, қутулиб кетди. Бироқ, шериги йўқолди.

Уша қувди-қувди бўлган кун кечаси билан Кўкёл оқ бўрининг изига тушиб, йўртиб қидирди. Бир тепанинг тагига етиб келганда ҳид ҳам, из ҳам йўқолди. Шеригининг ҳиди йўқ. Унинг ўрнига от, одам ҳиди анқиди. Оқиб, уйиб қолган қон кўринди. Ҳидлаб, ялаб, мазасини татиб ҳам кўрди.

Тун бўйи улиди. Тонг отгунга қадар ер таталаб чанг-тўзон кўтарди, ёнгишиди, ағанади. Ойдинда у ёққа-бу ёққа санқиб юрди. Энди унинг қошида фақат кўланка-сигина қолган эди.

Яна ўзи ёлғиз йўрта бошлади...

VI

Ёз бўйи якка ўзи тирикчилик қилди. Шўр сувли кўлнинг чап қирғоғига жойлашган беш-олти овул Кўкёлдан яна жабр торта бошлади. У кундузлари келиб, кўл бўйидаги қамиш ичида ётади.

Кечалари эса бир овулнинг қий-чувини иккинчи овулнинг шовқин-суронига улаб тўс-тўполонларини чиқаради. Ёз бўйи еган қўзи, бузоқларининг сони эллик-олти мишга етди.

Икки марта қувғинга учради. Бироқ ҳар иккаласида

ҳам кўл ўртасига сузиб бориб, сувга ётиб олди. Саёз сувли, атрофи ботқоқ, қалин қамишзор, шўр сувля кўл унга катта қўрғон бўлди.

Кўкёл, айниқса, шамолли зулмат кечалари ёгин ёққан кезларда қаттиқ қутуради.

Тун ичида овулдаги қўрага чопганида кузатувчининг ҳай-ҳайи, итларнинг вовиллаши — бари унга қор қилмайди. Аҳён-аҳёнда тун ичида ярқ этиб, қарсиллаб милтиқ ҳам отилади. Кўкёл унинг овозидангина бир оз сесканади. Сал узоқроққа кетади-да, одамлар тинчланадиганда яна етиб келиб, қўрага чопади.

Ёшлигида икки марта овқатланиб ўрганган Кўкёл овулга яқинроқ келганида очикқанидан кўзи тиниб йиқилиб қолай-йиқилиб қолай дейди. Шу сабабли овулга яқинлашуви биланоқ секин юради. Қўрага худди ўт тушгандай, ёки ер титрагандай қўйларни гур-гур қувиб, ёриб ўтганида оғзига камида бир-икки ошам думба илинмай қолмайди.

Кўкёл бу ёзда ниҳоятда семирди. Аллақачон тулаган, тақир, жунлари худди йилқининг қирқилган ёлидай, ғайратли, қаттиқ эди. Баданининг тўлишгани, бўйинининг баландлиги, зўрлиги — айниқса бу йил бошқача.

Куз фаслининг қоронғи, довулли тунларидан бирида, тонг пайтида, Кўкёл йилқига чопди. Бир қисир биянинг семиз осов тойини тирақайлатиб қувиб етиб, қуйруғидан тишлаб туриб қолганида, той қимирлай олмади. Бир оз тортиб туриб, қўйиб юборганида той зарб билан ўмбалоқ ошиб тушди. Кўкёл эса жадал келиб, томоғидан олди. Той қўзғалолмай Кўкёлнинг остида жон берди.

Яна бўронли, қорли қиш келди. Совуқ изғирин, кимсасиз узоқ далаларда очлик тунлари бошланди. Кўкёл аччиқ устида ер таталаб, қор бўралатиб кўп улиди. Бир вақт, ойдин ғира-ширада бир гала бўрини кўрди. Улар қатор тизилиб, қор чангитиб етиб келиб қолишди. Уларнинг тиллари саланглаб, оғизлари катта очилган, ҳарсиллашар эди. Кўкёл уларга қараб юрди. Катта галанинг олдида келаётган бир думи чўлтоқ зўр бўри унинг олдидан вов этиб ўтди. Кўкёл ҳам аччиғланганидан тумшугини иржайтириб, тишларини қисирлатди. Иккови қайта юзлашганларида бир-бирига интилмай, фақат яқин келиб ириллагина туриб қолишди.

Кейинча етиб келган урғочи бұрилар Күкелни ұраб олиб ҳидлаб чиқишди. Бир улкан оқ бұри келиб, унинг жағини ялади, у ҳам ялади. Бошқалари билан ҳид олишди. Фақат каттакон кўк, чўлтоқ эркак бўригина ундай қилмади. Бари ағанаб-ағанаб, қорни қолиб-қолиб олди. Күкел ҳам шундай қилди. У қўшилган гала ҳали яқинда яйловдаги йилқидан бир тойни еб келаётган экан.

Күкел уларга қўшилиб, адирга қараб жўнади. Бу галадагиларнинг сони ўнтача эди. Бошлиқлари кўк чўлтоқ бұри экан. Қолганлари урғочи бұрилар бўлиб, уч-тўрттаси бўривачча кучуклардан иборат экан. Уларнинг ичида эркаклари ҳам бор. Бироқ улар, кўк чўлтоқ билан Күкелдан ҳайқишади, кўп ўйнашади, катта бұрилар билан ириллашмайди ҳам, талашмайди ҳам.

Күкелга урғочи бұрилар кўп тегажоғлик қилишади. Галада Күкелдан дуркунроқ бұри йўқ эди. Бўй ва гавдада у билан фақат кўк чўлтоққина тенглаша оларди. Унинг бўйни Күкелникидан ҳам йўғонроқ, фақат яғринигина уникига ўхшамайди: тик эмас, сал ялпоқроқ. Югуришга келганда шомолдан ҳам тез, аммо узоқ югуришда Күкелга тенглашолмайди.

Бу қутурган, очофат бұрилар галасига ҳеч нарса қарши тура олмади.

Улар бўронли кунда оқиб келаётган бир қўра қўйларга ўзларини уриб, бўлиб-бўлиб олиб кетиб, анчасини яралаб еб-қириб чиқдилар. Күкел қўшилгандан бери бұрилар галасининг биринчи бор чопуви шу эди. Овқат мўл-кўл бўлганидан ҳар қайсиниси битадан қўйни якка-якка бўлиб олиб, талашмай-ириллашмай ейишди.

Бұрилар қор ялаб, ағанаб-ағанаб, яна биргаликда илгарига қараб чопганча кетишди. Қўйлар кетидан одамлар етиб келиб ажратиб олганларида кўп қўй нобуд бўлган, яна анчаоли яраланган эди. Ҳар ер-ҳар ерда еб кетилган қўй қолдиқлари — калла, туёқ, жуни сочилиб ётар эди.

Бўри тўпи йилқига ҳам чопди. Бироқ, битта-яримта тойнинг ўмровини ўйиб, жағини синдиргани бўлмаса, бирорта отни ҳам йиқитиб бемалол еб кета олмади. Йилқичилар кўплашиб қувиб бұриларни йўлатмади.

Бұрилар бир кун оч қолишди. Далада, сариқ тепанинг устида улишди-да, кун ботиш томонда қорайиб кўринган овулга қараб йўл олишди.

Оч бұрилар галаси ётар пайтда овулга қайтаётган

икки-уч отга ҳужум қилишди. Отнинг иккитаси етказмай овулга қараб қочди, биттасини Кўкёл қори қалин жойга томон буриб қамаб, ҳадис билан йиқитди. Бу кичикроқ ғунан эди.

Бўрилар уни ўраб олиб бирдан ёпирилишди. Аллақачон қорни ёрилган ғунаннинг буғи осмонга чиқар эди. Бўрилар ғунанни кезак-кезак билан бош-кўзларини қонга белаб, елка ёллари ҳурпайиб, жон-жаҳдлари билан ер эдилар.

Кўкёл, эски одатини қилиб, ўлжанинг ичига тумшугини тикиб юлиб еяётганида, бир нарса ириллаб, унинг елкасидан таппа тишлади. Галада бу ўрин кўк чўлтоқники эди. Кўкёл ўлжадан бошини суғура солиб кўк чўлтоқни осилиб турган оёғидан тишлаб устидан отиб ташлади. Иккови ҳам ўлжадан бир оз узоқлашиб ириллаб туришди-да, яна ғўштга интилишди.

Талаша-талаша еб олишди. Кейинги бир сон қолганда, бўриваччалар билан ургочи бўрилар четга чиқиб, кўк чўлтоқ билан Кўкёлгина ғажишда давом этдилар.

Узгалари улар еб бўлгунча қорда ағанаб-ағанаб олишди. Бир нечтаси тўшини ерга бериб кутиб ётди.

Улар ўлжа тамом бўлгач, яна адирга қараб изгишди. Олдинда икки йўлбошчи бирига-бири йўл бермайди. Бири-бирининг олдига тушгундай бўлса, тирсақларидан тишлашиб, ириллашиб қолишади. Қозиқ тишининг биттаси синган кўк чўлтоқ аламзада эди. Ириллаб ғазаблана беради.

Улар икки кун оч юришди.

Йилқи бурунги жойида йўқ. Бўрон бўлибди, қалин қор ёғиб, излар босилиб кетибди. Гала кимсасиз бир жарликни ёқалаб келаётганда бир қуён миндан чиқиб қочди. Бўрилар жарнинг икки томонига бўлиниб, қувлаб кетишди. Бир оздан кейин қуён жарнинг Кўкёл кетаётган томонидан далага чиқиб олиб, адир ёққа қараб қочди. Кўкёл қуёнга яқинлашиб қолганда, кўк чўлтоқ, йўлни тикка кесиб, қуённи жар бўйига қисиб келди-да, тўғри Кўкёлнинг олдига тушди. Бошқа бўрилар чуваб, кейинда қолиб кетишди. Икки бўри адирга кирди. Бир неча тепадан ошиб ўтдилар. Кўкёл кейинроқ етиб келса кўк чўлтоқ бир чуқурликда қуённи пийпалаб ётган экан. Кўкёл кела қуёнга ёпишди. Иккови юлқилашиб тортишганда қуённинг боши билан гавдаси кўк чўлтоқнинг оғзида қолди. Кўкёл оғзидагини ямлаб ютиб яна ёпишди.

Кўк чўлтоқ қуённинг бошини ташлади-да, Кўкёлнинг оёғидан таппа олди. Чуқурликда қор тепкилашиб, оёқ остларининг тўзонини чиқариб юборишди. Сапчиб келиб ириллашади, тишлари бир-бирига шақ-шуқ тегиб, ғарч-ғурч чайнашади. Сапчиган бўйи тикка олишиб турганда Кўкёл рақибининг бошини буриб юбориб, кўк чўлтоқни қулоқ-чаккасидан олди. Бу унинг ёшлигида овул итларидан ўрганган ҳадиси эди. У қаттиқ тишлаб, юлқиб, бураб юборганда кўк чўлтоқ майишиб бориб, остига гуп этиб тушди. Кўкёл устидан босиб, оғзини қулоқ-чаккаси аралаш тишлаб келиб, ҳалқумидан гиппа бўғди. Бўйин суягини кирт-кирт чайнади. Кўк чўлтоқнинг оғзи карнайдай очилиб, дармони қуриб, типирлашга ҳам ҳоли келмай қолди.

Бу пайт кейиндан чопқиллашиб етиб келган бўрилар кўк чўлтоққа оғиз уришди. Сирқиб оқаётган қизил қоннинг ҳиди оч қоринларни маст қилиб, томоқни қитиқлар эди. Чопидан, қўлтиғидан, яланғоч тўшидан, бақувват ўткир тишлар юлқиб-юлқиб тортганда кўк чўлтоқнинг қони тирқираб оқиб, ичидан буғи бурқираб чиқди. Барча оғизлар бирваракайига ёпишган эди. Дам ўтмай кўк чўлтоқдан ён-ёққа сочилган жуну, тўртта товонгина қолди.

Энди бўрилар галасининг биттаю битта йўлбошчиси Кўкёл бўлиб қолди. Улар излаб юриб отардаги йилқини топиб олди. Яна ўша тўққиз бўри ҳақида дув-дув гап тарқалди.

Йилқичилар кундуз кунлари йилқиларни қанчалик эҳтиёт қилишса ҳам барибир битта-яримта той-ғунан йиртқишларга ем бўлар эди.

Кўкёл кетидан эргашган гала оч қолгани йўқ. Ҳаммаси семириб, қутуриб, миқти, чопқир бўлиб олди. Ҳаммаси ҳам Кўкёлдай юракли. У нима қилса, булар ҳам шуни қилади. Ора-чора йилқини қўйиб, яқин ўртадаги овулларга овга боришади. Тўққизтаси оралаган жой сел босгандай, ёв теккандай бўлиб қолади. От, сигир каби йирик моллар бутунлай йўқ бўлиб кетадиган бўлди.

Бир сафар бўрилар галаси карвон йўлига ҳам чиқишди. Кечадан бери овқат емай очикқан эдилар. Ёлғиз отлик чанада кетаётган йўловчини тўсишди. Бўрилар атрофдан қор сочишади, баъзан олдига, иккинчи галаси орқа томонига ётиб олади. Улар қочмас, борган сайин яқинлашар эди.

Эс-хушини йўқотган йўловчи оти юра олмай қолгандан кейин саросимага тушиб дод-вой қилиб қоча бошлади. Бўрилар отни йиқитиб, талаб-тортишиб ея бошлашди. Улар шу иш билан ўралашиб ётганида Кўкёл ёнига бир-икки урғочи бўрини олиб қор бўратиб, йўловчининг изидан тушди. Йўловчи бўрилар яқинлашганида қўрқиб йиқилди. Бироқ олдидан отлиқлар бақиришиб, тасир-тусир от чоптириб чиқиб ҳалиги кишини ажратиб олишди.

Бу Кўкёлга алам қилди. Ҳукмига кўнмаган бўри болаларини, югурганда кейинда қолиб кетадиган урғочи қари бўриларни юмдалаб талади ҳам.

Яна бир сафар бўрилар атрофини қалин чий ўраб олган беш-олти уйлик овулнинг устидан чиқиб қолди. Кундуз кунни ҳаво аёзди эди.

Четки уйдагилар буларни кўриб қолишди. Бўрилар қорда ағана шайтанда овулдан бир туя чиқди. Устида бошига оқ ёпинган одам бор эди. У тўғри бўриларга қараб желяверди.

Бу отлиқ эмас, ундан қочмаса ҳам бўларди. Бироқ, туя яқинлашиб келганда бўриларнинг бари ўринларидан туриб, далага қараб йўрғалаб қолишди. Кўкёл гала кетидан аста қўзғалди-да, кетига қарай-қарай жўнай бошлади. Туя гоҳо бақириб қўяди-да, ёлини ҳилпиллатиб лўкиллади. Бўрилар қимсасиз ялангликка қараб қочиб қолди. Уларнинг кетидан Кўкёл ҳам чопиб борар эди.

Туя бурилса керак, деб қараб қўйишади. Бурилмайди. Кўкёлнинг қорни оч эди. Нафси ғалаён қила бошлади. Баъзан йўртиброқ бориб, олдингиларга етиб олади-да, уларни тўхтатиб, ўзи узала тушиб, туяга қараб ётади. Туя яқинлашганда бўрилар тисарила бошлайди. Кўкёл ҳам уларнинг орқасидан эргашади.

Ахири улар овулдан анча нари кетиб қолишди. Узга бўриларни олдинга ўтказиб, Кўкёл бир кичик бўри билан улардан ажралди-да, ўнг томондаги чуқурликка томон йўл олди. Одам туясини қистаб, гала билан икки бўрининг ўртасига кира бошлади. Туя ҳамон бўзлайди. Унинг ҳиди, мазаси Кўкёлнинг оғзидан сувини келтиради. У туянинг орқасига ўтиб олди. Аммо ҳали ҳозирча яқинлашганича йўқ. Туя энди юришини секинлатди. Баъзан тўхтаб олди-ортига қарайди. Оқ ёпинган одам у ёқ-бу ёққа ўгирилади.

Туя тўхтаганда Кўкёл ҳам тўхтайди. Турган ерида қор тўзғитиб талпинади. Бир вақт у қадамини тезлатиб, туяга яқинлаб келиб, ёнидан айланиб ўта бошлаган ҳам эдики, туя устида бир нарса шундай олдинга чўзилди-ю қарс этди. Ута қаттиқ овоз далани янгради, ҳаммани чўчитиб юборди. Бўриларнинг бари қор тўзғитиб ура қочди.

Кўкёл ҳам тўхтамай қочди. Бир неча қир, бир-икки чуқурликдан учиб чопиб ўтди. Узга бўрилар алоҳида, у алоҳида кетди.

Туя кейинда қолди. Кўкёл югура-югура келиб, тошлоқ сойга кира берганида орқа оёғи сирғаниб йиқилиб тушди. Йўл бўйи тўхтовсиз қон оққанидан ҳолсизланиб қолди. Ярасининг оғриётганини ҳали тўхташ олдидагина сезди.

У ғингишиб ётиб, қонини ялайди. Яна қон оқади. Бир туради, бир ётади. Турганида ҳам бир оёғини кўтариб туради. Юрганида эса уч оёқлаб оқсоқлайди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бу вақт ичидан у сой ичидан чиққан йўқ. Очликдан ғужанак бўлишга айланди. Лекин оёғи бир оз босишга келиб қолган эди, у бир-икки қирдан ошди. Бир сойда уч-тўртта от ёйилиб юрган экан. Биқиниб ёнига келди. Четроқда ориқроқ чавқар от турган экан. Шунини қопиб, ажратиб ҳайлаб, чуқурга олиб келиб қамади. Пишқириб, қўрқиб турган отни ҳалқумидан олиб бўғизлади. Сонини юлди, ўмовини ўйди. Чуқур қордан чиқармай йиқитиб олди. Мириқиб еб, кейин ўз маконига қайтди. Кундузи кеч бўлишини кутади. Қоронғи тушиши ҳамон бориб, ўлжадан қолган-қутганини ёйди.

Шундай қилиб, беш-олти кунни ўтказди. Яна елкаси дўппайиб кучга кирди. Оёғи ҳам обдан босишга келди.

Ели ҳурлайган ғазабнок Кўкёл яна овга чиқди. Узининг сарқити тамом бўлганига икки кун бўлди. Шундан бери оч. Йўртиб ўтириб ҳалиги Қораадир устидан чиқди.

Тушга яқин пайт эди. Тепа-тепадан туриб кўз югуртирди. Шамолга тумшугини тутиб ҳидлаб-ҳидлаб кўрди. Йироқдан желган таниш ҳид димоғига урилди. Атрофга ялт-ялт қараб, қирдан-қирга, адирдан-адирга чопиб ўтиб, кун ботишга қараб кетди.

Кўп қидирди. Ниҳоят кечки пайт бир тепанинг бошида турган отлиқ чўпонни кўрди. Унинг атрофида ўша тепанинг устида чочилган чочувдай қўйлар ёйилиб

юрарди. Бироқ овул яқин жойда. Шундай бўлса ҳам у йироқдан эҳтиёт бўлиб яқинлаша бошлади. Қорасини кўриб қолган чўпон бақириб, унга қарши чолди.

Чўпон катта киши эмас, товуши ёш боланикига ўхшайди, чўчимади, қўйлар ҳуркиб чўпонга қараб қочди. Кўкёл бир қизил қўйга яқинлашиб оғиз солишга чоғланганида ҳалитдан бери бақираётган чўпон ёнига келиб қолибди. Бўри ноилож бир томонга салчиб бурила берган эди, чўпон кетидан изма-из қува бошлади.

Албатта Кўкёл қўрққанидан тирақайлаб қочгани йўқ. Шунгами, ёки аслда ўзи чопқирми, бўз от устига бостириб келиб олди. Кўкёлнинг орқасига енгилгина калтак шақ этиб тушди.

Шу бўлди-ю, Кўкёл кейинига бурилиб, «ҳап» этиб отлиққа сапчиди. Қарнайдай очилган оғзига бир нима тушди. Ҳа, бола тўнининг бари илинган экан, шуни йиртиб юлиб тушганида, бўз от пишқириб сапчиб кетди. Бола чўчиб бақирди, орқасига қайрилиб таниланганида мункиб кетган бўз отдан, ерга ағдарилиб тушди. Бу пайт Кўкёлда илгари ҳеч қачон кўринмаган бир ғазаб, ўч жўш урар эди. Туғилганидан бери кўрган бутун азоблари шу икки оёқлидан эканини билгандай юмалаб ётган болага қараб югурди. Қўққисдан сапчиганида сонидоғи яраси очилиб, жиз этиб ачишган эди. Шу илгаригидан ҳам бадтарроқ ғазабини келтириб, қутуртириб юборгандай бўлди. Бўз от қочиб, узоққа кетиб қолди. Қўй ҳам йўқ, Кўкёл сапчиб ириллаб келиб, болани тагига босди.

Бу бола Қурмаш эди. Чўпон оғриб қолгани учун даси уни қўйларига қарашга чиқарган, остига мингани ўзининг югурик бўз дўнани эди. Бўри ириллаб устига миниб олганида кўзини бир очиб-бир юмди. Қурмаш уни танигандай бўлди: ўзига томон ўрадай очилиб келаётган оғзидан юқорида ўзига таниш қулоқ кўринди; тилик қулоқнинг ярми шалвираб турибди. Боланинг охирги бор сезган-билгани фақат шу бўлди...

Кейин боланинг уни ўчди. Бўрининг оғзи тегмасданок жон берди. Кўкёл ириллаб бошини силтаб юборганида, боланинг бир кўзини ўйиб ўйнатиб юборган эди...

Боланинг ўлигини кечаси топиб олишди. Унинг атрофида той туғидай катта-катта бўри изи тушиб қолган эди.

Қурмашнинг жаназасига тўпланган Қораадир халқи Кўкел тўғрисида неча хил ҳангамалар айтишди. Кўпчилик уни чиябўри бўлса керак деб тахмин қилишди. Баъзилар қутурган бўри эмасмикан, деб ўз гумонларини айтишди. Бироқ қутурган дейишга ўрин йўқ. Агар қутурган бўлса битта бола билан тўхтамас, овулга ҳам чопар эди. Қўйларни ҳам қувалар эди. Шу йиғинда қандай қилиб бўлса ҳам унинг изига тушиб уриб олишга, ўлдиришга аҳд қилишди. Бу гап, асосан, Ҳасандан чиқди. У атоқли овчи. Азалдан қуш солиб, ит югуртиб юрган. Ўзи шу атрофдаги бақувват йигитлардан. Шаҳарда бир иниси хизматчи. Шу иниси орқали бу йил кузда узоқ юртдан бир бўрибосар ит олдирганди. Ҳозир бутун Қораадирга, яқин атрофдаги ўзга юртларга ҳам донги кетган Оққашқа шу Ҳасаннинг ити.

Оққашқа келиши биланоқ куз пайтида битта бўри боласи, битта улкан бўри тутган. Ўзи икки ёшга кириб, ҳозиргача олти бўри олибди.

Оз вақт ичида бутун бир бўлис халқи оғзида дoston бўлган Оққашқанинг асл насабини текширувчилар ҳам кўп эди. Таги эрейман ити наслидан деб туриб, бобо калонини қадимийлаштириш учун: «Бу қанжигали чол Бўгамбой итининг тухуми», дейдиганлар ҳам бўлди.

Йиғиндагилар Кўкелни қидириш тўғрисида бир қарорга келишгач, жаназадан тарқала бошлашди. Ҳасан ўз овулига келгач, беш-олти йигитни ёнига олди-да, Оққашқани эргаштириб, адирга чиқди.

Пешин маҳали эди. Шу сабабли ҳарна вақт ўтмасин дейишди. Ҳеч бўлмаса изини, турқини аниқлашмоқчи бўлишди. Бунинг устига яқинда қор ёққан, яна қор ёғиб қолмасдан олдин изидан, юзидан Кўкелни таниб қўйишмоқчи бўлишди.

Ҳасан Қурмашнинг отаси билан яқин қариндош эди. Елғиз фарзанди — Қурмашнинг ҳалокати дадасига қаттиқ теккан эди.

Унинг уй ичи баъзан бўтадай бўзлаб, йўқлаб ингра-ниб йиғлаганини кўрган тирик жон борки, барининг юрак бағри эзилиб кетди.

Қурмашнинг дадаси Ҳасанга:

— Шу ёлғизимизни ўлдирган бўрини қўлимга олиб

келиб бериб, кўзини ўйдирмасанг, сен менга қариндош эмассан,— деди.

Бошқалар ҳам Ҳасанга: «Бугун Оққашқа ё ўлсин, ёки ўлдирсин! Итингнинг биттаю битта ҳожати шу!» дейишди. Бу сўзлар Ҳасанга тинчлик бермай қўйди.

Қурмашнинг овули билан Ҳасаннинг овули яқин. Шунинг учун ҳам овчилар кўп вақт ўтмасданоқ Қурмашнинг ўлиги топилган жойга етиб боришди.

Оппоқ қорнинг устида бодрайиб каттакон из ётибди. Из одам яшамайдиган Тошқудуқ томонга қараб кетибди. Овчилар изга тикилиб туриб, бўрининг бунча катталигига ҳайрон қолишди.

Оққашқа аввалги эринчоқлик одати бўйича изга етгунча ўзини кейинга ташлаб, бир-бир босиб келган эди. Изни кўриб бир оз ҳидлаб олгач, бошини осилтирганча тумшугини издан олмай яланғоч адирга қараб чопди.

Овчилар унга эргашиб, отларини елдириб-йўрттиришади. Оққашқа тўхтамас, орқасига ҳам қарамас, бетўхтов йўрттар эди. Ҳали қор қотмаган. Қалин ҳам эмас, қиш ўртаси бўлса-да, бу йил қор юпқароқ эди.

Овчиларнинг таъбири билан айтганда айни бўри билан тулки орқасидан ит қўядиган пайт эди.

Оққашқа Ҳасаннинг қўлига келгандан бери фақат учта бўри олди. Буларнинг иккитасини кузда ер қорайганда, учинчисини қор тушганда овул устида олган. Ҳасан ўзининг бир-икки йигити, яна бошқа ов қилишни севадиган тўрт-бешта тенгдошлари билан яқинга қадар от совутиб юрган эди.

Узоқ ердан югуриб келганига эти кўпчиб кетган Оққашқани қишда югурганда ҳарсиллаб қолмасин, деб совутиб, тобига желтириб юрган эди. Илгарироқ Оққашқани бир оз қуёнга чоптириб, икки-уч совутган ҳам. Кейинги вақтда кўпинча унга қуртава қўшилган суюқроқ ош берар эди. Икки марта тулаган ҳам. Шундан бери қисқа жунни етилиб, ялтиллаб, пахмоқ бўлиб ўсган.

Фақат бугун эрталаб унга озгина ош беришган эди. Шунинг тўқи бормикан, деган хавфи бор.

Ундан бошқа Оққашқанинг елкаси дўллайиб, мушаклари сиртига тепиб, баданидаги жиру, ичидаги чувалчанглардан халос бўлган пайти эди.

Оққашқанинг бўйи бўриникидан паст эмас. Оёқларининг йўғонлиги ҳам ундан кам эмас. Унинг турқида бўрига ўхшаброқ кетадиган томони бор. Туси тозиларга

Ухшамайди, бўриларга ўхшайди. Танасининг жуни оқ-сарик, манглайи кенг — Оққашқа эди. Икки кўзи косасидан чиқиб кетадигандай чақнаб туради. Худди ўт сачрайдигандай қип-қизил. Ғазабли ҳам, довюррак ҳам. Икки лунжи худди «мешдай» деб гап қилишадиям. Унинг орқаси камалакдай. Қуйруғидан елка умуртқасига қадар дўннга ўхшаб дўппайиб туради. Яна чаккаси билан бўйни туташ бўлиб, ўмовига қўшилиб кетган олдинги жағига қарасангиз арслон келбатли.

Оққашқа ўта қопоғон. Сиркаси сув кўтармайди. Шу сабабли овулда доим занжирбанд. Далага олиб чиқиб, овнинг изига солгунча, ёки овнинг қораси кўрингунча арқондан бўшатилмайди. Бўлмаса йўлда дуч келган ит билан талаша беради.

Итлар рўпара келганда унинг одати шундай: ўзи бориб талашмайди. Бироқ овулнинг кўп ити олдидан чиқиб вовиллашганча атрофини ўраб олгудай бўлса, ёки бирортаси юлиб қочса, тиши тегса, қутуриб кетади. Бундай пайтда галадаги энг улкан итга сапчиб, қулоқ-чаккасидан олади-ю, гуп этказиб йиқитиб, эзгилаб-пий-палаб ташлайди, одам ажратмаса тагига тушган итни ўлдирмай қўймайди. Ўзи юрган жойда ўзга итнинг эрка-лигини кўтармайди. Куздан бери Ҳасаннинг овулидан икки-уч кўппакни ўлдирди.

Қаттиқ аччиғланиб, ўзини йўқотиб қўйганида эгасини ҳам қопади. Кузда уй ичида сўяётган қўй гўштини едирмай ҳайдаганида икки марта Ҳасаннинг ҳам қўлини тишлаган.

VIII

Кун оғиб қолди. Оққашқа ҳамон из қувади. Ердан бошини кўтармайди, тўхтамайди. Овчилар Қораадирдан беш-олти чақирим узоқлашди. Бўрининг изига қараганда у Тошқудуқдан ҳам ўтиб, Оқсўрангдаги йилқи уюрига қараб кетибди. Оқсўрангда икки уюр йилқи бор эди. Атрофи паст-баланд тепа, қалин тўбулғили олачипор улкан тўқай. Тўқайнинг ўртаоисидаги яланғоч ёлғиз тепа — Оқсўрангдир. Улар бўрининг шу томонга кетганини билганларидан сўнг, овчилар маслаҳатлашиб Оққашқани чақириб тўхтатишди да, боғлаб етаклаб, Оқсўрангдаги қўрғонга жўнашди. Бугун шу ерда тунаб, эртага ерталаб йилқичиларни югурик отларга миндириб, кўпайишиб қувишмоқчи бўлишди.

Икки қўрғоннинг бирида Ҳасан овулининг ва қора-адирликларнинг йилқиси турар эди. Йигитлар шу жойга келиб қўнишиб, кечаси билан ҳангамалашиб чиқишди. Қозон тўла семиз эт меҳмонларнинг ҳам, йилқичиларнинг ҳам димоғини чоғ қилган эди. Қурмашнинг ўлими анчагача оғиздан тушмади.

Ҳасанлар етиб келиши биланоқ йилқичилар ўтган тунда кўкчиноқ йилқига чопиб, бир тойчоқни нобуд қилиб кетганини айтишди. Елғиз ўзи бутун бошлиқ бир семиз тойчоқнинг ярим гўштини еб кетибди. «Бу қандай ялмоғиз, отангинг...» деб уй эгаси койинди.

— У узоққа кетгани йўқ. Шу Оқсўрангнинг атрофидан топилди.

— Кейинги вақтда бўридан тинчиб қолган эдик. Кечадан бери бир бўри келиб айланишиб қолди. Изи тойнинг изидай. Илгарироқ ҳам келиб, бир тойни еб кетган эди.

— Излаганларингнинг худди ўзи. Индамаса қўрғонга ҳам чопадиган. Ҳа, копир, яккамахов! Барини қилиб юрган шу. Қани энди, бир қўлга тушса!— деб тойчоғидан айрилиб қолган Бейсенбай йилқичи гижинди.

Ётаётганларида Оққашқага бир оз қуртава билан илиққина юмшоқ эт беришди. Одамлар бари атрофида парвона бўлишиб, уни кўп кутишди. Бироқ тор уйда, нотаниш одамлар ўртасида, Оққашқа ўзини ёмон тутарди. Занжирбанд бўлса-да, ўт атрофида ўтирганларга баъзан вовиллаб, ташланади. Кўп вақтгача ириллаб туриб олади.

Ўтга боққанда ғазабнок кўзлари қонталаш бўлиб чатнаб кетади. Қоронғи, ғира-ширада ётганида икки кўзи қип-қизариб шамдай ёнади.

Оққашқа ириллаганда яқинроқда ўтирган Бейсенбайнинг орқаси музлаб, бадани сесканиб кетади. Энкайиб, олдинга силжиб, ўтга томон интила беради.

Тонг белги бера бошлаганида барча овчилар-у, кўпгина йилқичилар отга минишди. Маст бўлиб юрган биялар билан чопқир айғирлар тун ўртасида ушланиб, қантариб қўйилган эди. Ҳамманинг қўлида сўйил, чўқмор, қўрғондан шатир-шутур чопиб чиқишди.

Оқсўрангнинг этагига етишганда Ҳасан ўн икки кишилик тўпни тўртга бўлди. Ўзи Оққашқани олиб, Оқсўрангнинг тикка тепасига чиқадиган бўлди. Бошқаларни, паст-баланд дўнглар, қалин тўқайни айлана қуршаб,

ҳар томондан Оқсўранг тепалигига қараб шовқин-сурон билан кела бошлайсизлар, деб ён-ёққа таратди.

Қиш офтоби узоқдаги тепадан қизариб чиқа бошлаганида ҳамма отличлар чор тарафга тарқашди. Оппоқ қор чопқир туёқлар остида эшилиб-увалар, сачрар эди.

Ҳасан аста тепага қараб юрди. Йўлда икки-уч ерда Оққашқани ағанатиб, оовутиб ҳам олди. Ярим соатдан сўнг улар теланинг бошига чиқишди. Етай деганида бир чуқурликка отини қўйиб, ўзи Оққашқа билан пиёда кўтарилиб, бир дўнгга ўтирди. Теварак атроф кафтдай кўринади. Изғирин. Кун анча совуқ. Ҳасан Оққашқанинг тагига олиб келган наматыни солиб, ўзининг ёнига ётқизди. Оққашқа ҳам гоҳо-гоҳо бошини кўтариб, атрофга қараб-қараб қўяди.

Ҳасан буни ўргатган эгасига ичидан миннатдорчилик билдиради. Ҳурмат билан эсга олади. Нега десангиз, Оққашқа тепада бу ўтиришдан нима маъни чиқишини тушуниб тургандай эди. Тинчини кўзлаб ётишни ўйлаётгани йўқ, кутаётибди. Бошидан чарм кўзбоғичи олинган қирондай баланддан аланг-жаланг қараб турибди. Ён ёқдан шовқин-сурон солиб келаётган овчиларнинг олдига бир-бир назар ташлайди.

Кечаги тойчоқни еган Кўкёл экани аниқ эди. Кеча яримтачасини еган бўлса, бугунга ўтар кечаси ўша жойга бориб, қолганини тўйгунча еб олиб, Оқсўрангнинг этагига қайтиб келиб, кўздан овлоқроқ қояни пана тортиб, қараган босган сойда ухлаб ётган эди.

Йироқдан қулоғига аллақандай шовқин эшитилди. Кимсасиз сокин тоғ тонгида ҳар қандай шарпа ҳам икки ҳисса қаттиқроқ акс-садо бериб эшитилади.

Кўкёл бағрини ерга бериб ётиб қор еди. Шу чоқ буталарнинг шатир-шутури, тошлоқ ерни босган от туёқларининг дупурн эшитилди. Кўкёл ўрнидан туриб бир ёришди. Ниманингдир ҳиди димоғига урилди. Уйноқлаб дўнгга чиқди. Чиқиб ҳам эдики, сойнинг нариги бетидан ўзанга тушиб келаётган икки каттакон қора ҳайқирганча олдинга чопди.

Кўкёл чап бериб, дўнгнинг орқасига ўтди-да, сой ёқалаб, юқорига қараб кетди.

Кўлида узун сўйили, остида қотма оқ бедови бор Бейсенбай, учиб дўнгга чиқди-да, бақирганча юқорига қараб чопди. Кўкёл бўлса унча шошмай баъзи жойда

чопиб, баъзи жойда қулогини шалвиратиб лўкиллабгина Оқсўрангининг ён бағрида кстаётган эди.

Шовқин-сурон яқинлашиб қолганда Оққашқа ўрнидан сапчиб турди. Ҳасан Оққашқанинг занжиридан тутганча отига сакраб минди-да, ҳайқириқ эшитилаётган томонга қараб чопди. У бир тепанинг устига чиқиб қараса, рўпарасида бир тош отим жойда сариқ тепанинг тик тепасида, қорни тўқ таначадай келадиган бир кўкчиноқ бўри орқасига қайрилиб қараб турган экан.

Елка ёли ҳурпайган, қуйруғи чўлоқ, бўйи эса тепада турганидан тоғдай кўринди. Кўкёлнинг худди ўзи. Тепага чиққан заҳоти Оққашқа ҳам сакраб-сапчиб олдинга интилди.

Ҳасан ҳам аста «ҳайт!» дедию, от тақимига қамчи босди.

Кўкёл орқасига қараб тургани учун уларни пайқамай қолган эди.

Бир вақт олдидан чиқиб қолган тасир-тусурга ялт этиб қараб Оққашқа билан отга кўзи тушиб қолиб, ўша томондаги чуқурликка ўзини урди. Бир сойдан учиб бориб, ўнг томондаги қирдан ошди. Пастликка тушганида отнинг дупури эшитилмай қолган эди. Кўкёл тушган сой қирроғи тип-тикка жар эди. Бироқ шу пайт орқада қор фирч-фирч босилгандай, бир нима яқинлашаётгандай бўлди.

Кўкёл қочиб келаётганидан орқасига қарай олмади. Шу пайт бир кучли оғиз ярали сонидан шаппа тишладию, тубанга қараб қаттиқ юлқиб отиб ташлади. Кўкёл чуқурликка зарб билан қулаб тушди.

Оққашқа юлқиганда юз-тубан қулаб тушган Кўкёл ўрнидан чаққон туриб итга човит солди. Авваллари Оққашқа бундай қолганида, айниқса, юқоридан тубанга қараб юлқиб ташлаганида ҳар қандай бўри ҳам ўмба-лоқ ошиб тумшуғи билан бориб ерга санчилар, бундай пайтда Оққашқа уни ўрнидан турғизмасдан келибоқ халқумидан олгучи эди. Бу сафар ундай бўлмади. Оққашқа ўзидан олдин туриб, ҳуриб келаётган Кўкёлни кўрди. У ҳам интилди. Лекин қулоқ-чаккасига қисқичдай ёпишган қаттиқ темир оғиз силтаб юборганида, чуқур томонга учиб кетди, йиқилмади: дик этиб тушди-да, тўрт оёғида туриб қолди.

У эпчиллиги, усталлиги билангина кўк чиноқнинг оғ-

зидан қутулиб қолди. Кўкёл уни тишлаганида қаттиқ тишлай олмай, фақат терисидан ола юлқиган эди.

Кўкёл тўғри тепага қараб кетавермоқчи бўлди. Сабаби, кетидан яна дупур эшитила бошлаган эди.

Оққашқа ҳам ундан қолмади. Ёнлаб ўтиб, кўндалангидан сапчиб-сакраб Кўкёлнинг қулоқ чаккасига ёпишди.

Кўкёл бу сафар ҳам йиқилмади. Қутурганча юқори сапчиди. Оққашқанинг тишлари, тишлаган еридан бўшаб кетди. Иккови бетма-бет келиб, сапчиб туриб бир-бирига ёпишди. Энди бири-биридан ажраб кетишларининг иложи йўқ эди. Бу ҳолда бирови иккинчисининг остига тушиши билан якунланиши керак.

Ҳали баданига тиш теккани учун Оққашқа аламига чидамай ўртаниб бораётган эди. Бўриларга кўп марта дуч келган-у, бироқ бунақасини кўрмаган эди. Оққашқа одатда, бўйнига тиш теккандан кейингина жон-жаҳди билан ёпишади. Ҳозир шундай бўлди. Тирноғининг учига гача ғазаб тўлиб кетган эди.

Кўкёл ҳам ўзининг кейинидан қолмаган итга бутун қунарини юрсата бошлаган, иккови ҳам сапчиб турганича бир-бирига: қулоқ-чаккасидан ё ҳалқумидан олишга йўл қўймас эди. Олдинги оёқлари билан ушлашиб, пайт пойлаб турганларида иккови ҳам тезда иш битмаслигини англагандек бўлди.

Қони қизиганда Оққашқа қаршисида унғурдай очилиб турган оғизга шақ этиб тишларини урди. У бўрининг пастки жағи билан тилини қўшиб чайнаганда бўрининг юқори қозиқ тишлари Оққашқанинг тумшугининг икки ёнидан ўтиб, юқорини лунжигга ғарч-ғарч қадалди.

Жон аччиғида тишлар қисир-қисир қилади, ғарч-ғарч чайнашади, ҳамон иккови сапчишганча тикка турибди.

Худди шу пайт жардан пастга қараб саман от билан оқ бия тушиб келаётган эди. Ҳасан билан Бейсенбай «ҳа, худо»лаб сўйилларини ўқталиб, чопиб кела бошлаганди.

Оққашқа юқорироқда: чайнашиб турган оғизлардан сўлакай қон аралаш бетўхтов оқади.

Оққашқа Ҳасаннинг овозини эшитибоқ пастга қараб юлқиб юборганида кўк чиноқнинг бели буралиб, гурсиллаб ерга йиқилди. Аммо икковининг ҳам уни чиқмади. Чайнаша бериб елимдай қотиб қолганга ўхшайди. Улар-

нинг оғизлари шу қадар айқашиб кетган эдики, ҳатто нафас олганлари ҳам сезилмас эди.

— Э худо!.. Ё худо!.. Ё арвоҳ!..— дея икки отлик ўзларини ит билан бўрининг устига ташлашди. Отлар бўшаб кетди.

— Епирай! Епирай! Оғзини!..— деб келиб Ҳасан йўғон қамчининг сопини Кўкёлнинг оғзига тикди-да, куч билан босиб туриб, унинг тумшугини юқорига қайриб юборди. Оққашқанинг қон босган тушмуғидан кўк чиноқнинг тишлари битта-биттадан суғурилиб чиқди. Шундан кейингина Оққашқа биқинини тортиб нафас олди. Шундай бўлса ҳам у ҳамон бўрининг жони чиққунча пастки жағини кирт-кирт чайнар эди. Бу кез Бейсенбай қора пичоғини Кўкёлнинг ўпкасига тикиб-тиқиб олди.

— Шу... шу ит!— дейишди улар.

Кўкёлнинг жони обдан чиққандан кейин ҳам Ҳасан билан Бейсенбай икковлашиб Оққашқани ундан базўр ажратиб олишди. Қуйруғидан бураб, анча жойга судраб борганларидан кейингина Оққашқа эсини йиғди. Бироқ тоза дармони қуриганликдан ўша олиб борилган жойга сулайиб ёта қолди.

Овчилар бари йиғилишгач, кўк чиноқнинг йиртиқ қулоғига қараб туриб, унинг бурунги Кўкёл аталган кучук эканини таниб қолишди. Қурмашни эслашиб, баъзи бировлар кўзларига ёш ҳам олди. Овулга олиб келишганда Қурмашнинг бувиси бўзлаб туриб:

— Қуриб кеткур-эй... бағрига босиб ўстирганидан бошқа сенга нима ёмонлик қилиб эди, менинг қулуним?!— деб элни текис йиғлатиб, Кўкёлнинг бошига тепди.

Тошкент 1928 йил, январь.

•

М У Н Д А Р И Ж А

П о в е с т ь

Қараш-қараш воқеаси. *И. Қўчқортөев таржимаси* 3

Ҳ и к о я л а р

„Ўқимишли йигит“ *И. Фозилов таржимаси* 63
Овчи. *А. Мулламуҳамедов таржимаси* 80
Кўкёл. *С. Анорбоев таржимаси* 104

•

КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

М. АУЭЗОВ

КАРАШ-КАРАШ

ПОВЕСТЬ И РАССКАЗЫ

Перевод с казахского издания
Казгослитиздата — 1960 г.

Рассом Р. Левицкий

Издательство — „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1962



Редакторлар: Камил Пулатов,
Носир Фозилов
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор И. Е. Бадиков
Корректорлар: Н. Абдуазизова, М. Азимбоева

* * *

Босма хонага берилди 3/V-1962 й. Босишга рухсат
этилди 3/VIII-1962 й. Формати 84×108¹/₁₆. Босма листи
8,25. Шартли босма листи 13,9. Нап р. листи 7,2.
Тиражи 20.000.

„Ёш гвардия“ нашриети,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 61—62.

* * *

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистон Сурх“ бирлашган нашриётлиги
босма хонаси, Тошкент, „Правда Востока“
кўчаси, 26, 1962 й. Зав. 444. Баҳоси 52 т.